

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 331.104 (575.1)

Ғаниев Муҳаммаджон Халилович

**Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида меҳнат
муносабатларининг такомиллашуви**
(қишлоқ хўжалиги мисолида)

Ихтисослик: 08.00.01- Иқтисодий назария

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. А.А. Абдуланиев

**Тошкент-2006
МУНДАРИЖА**

КИРИШ

3-10

**1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Меҳнат муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий муносабатлар
тизимигаги ўрни 11-28

1.2. Меҳнат муносабатларини иқтисодиётда амал қилиш
воситалари ҳамда уларнинг ўзаро бирикиши 28-42

1.3. Аграр ислохотлар жараёнида меҳнат муносабатларининг шаклланиши ва
янгилиниши 42-58

**II-БОБ. МУЛКЧИЛИКНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИДА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ**

2.1. Мулкчиликнинг турли шаклларида меҳнат
муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари 59-74

2.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнат муносабатларини мустаҳкамлашнинг
асосий шарти сифатида 74-90

**III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

3.1. Эркин меҳнат муносабатларининг ташкил этиш
ва уларни такомиллаштириш истиқболлари 91-111

3.2. Меҳнат муносабатларини ривожлантиришда иқтисодий омиллардан
самарали фойдаланиш йўллари 111-127

ХУЛОСА

128-132

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

133-145

ИЛОВАЛАР**Кириш**

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар муваффақияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритиши, ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган меҳнат муносабатларининг ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлади. Маълумки, ишлаб чиқариш омилларининг бирикишида инсон омили фаоллигини белгиловчи меҳнат муносабатлари мазмуни, унинг амал қилиш механизми доимо такомиллашиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу борада қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бугун давлат манфаати эмас, инсон манфаати биринчи ўринда туриши даркор. Фаровон ва бахтли ҳаёт учун қандай эркинликлар зарур бўлса, ҳаммасини туғдириб беришимиз лозим».¹

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат муносабатлари юз беришида муайян тафовутлар бўлиши табиий, чунки улар ўзида тармоқ хусусиятларини ҳам ифодалайди. Бу жиҳатдан олганда мамлакатимиз аграр соҳа ишлаб чиқаришининг ўзига хослиги унинг эволюцион ривожланиш хусусиятларида ифодаланган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришдан кутилаётган муҳим натижалардан бири-юксак иқтисодий самарадорликка кўмаклашувчи хўжалик юритишнинг илғор шаклларида фойдаланишдир. Қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишни таъминловчи воситаларни ишга солиш орқали меҳнат муносабатларининг бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллашуви учун йўл очилади.

Аграр соҳада хусусий мулкнинг ривожланиши натижасида ҳар бир ишловчининг моддий манфаатдорлиги ҳамда меҳнат фаоллиги ортади ва шу асосда меҳнат муносабатлари ҳам такомиллашиб боради. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, аграр соҳада эркин меҳнат

¹ Каримов И.А. «Эл-юртга ҳалол, виждонан хизматқилиш-ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи» Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи, 26 май, 2004 й.

муносабатларини ташкил қилиш орқали манфаатлар уйғунлигига эришилади.

Бугунги кунда меҳнат муносабатларининг мазмуни, тамойиллари ва хусусиятлари иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида қабул қилинаётган янги қонунлар, Президент фармонлари ва бозор қонуниятлари асосида юзага чиқаётган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари таъсирида тез ўзгармоқда. Жумладан, аграр соҳадаги хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг янги шакллари доирасида юзага келаётган меҳнат муносабатларининг назарий асосларини иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўрганиш ва унинг натижаларини ҳаётга тадбиқ этиш зарурияти юзага келмоқда. Амалий жиҳатдан ширкат хўжаликлари ўрнида юзага келаётган деҳқон ва фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат муносабатлари меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини қамраб олади ҳамда иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Бу иқтисодий муносабатлар иқтисодиёт назарияси фанининг долзарб устувор йўналишларидан бири сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнат муносабатлари муаммоси МДХ мамлакатларининг қатор иқтисодчи олимлари, Г.Слезингер, И.А.Волгин, М.Ю.Гусаева, О.В.Ромашов, Т.Ю. Коршунова, Ю.А.Барько ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган². Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари ва уларнинг такомиллашиб ўзгариб бориш асослари Президентимиз И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида илгари сурилган. Шунингдек, А.А. Абдуғаниев, Қ.Х. Абдурахмонов, Х.П. Абулқосимов, Ю.В. Вороновский,

² Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики. М.: 1996; Коршунова Т.Ю. Словарь по трудовому праву. М.: БЕК. 1998; Ромашов О.В. Социология труда. М.: Гардарики, 1999;

Л.П. Максакова, Р.Ҳ. Шодиев, Ш.Ш. Шодмонов, Ф.У. Мамарасулов, Д.Н. Раҳимова, Р.А. Убайдуллаева, Р.Х. Хусанов, Д.А. Ортиқова, Б.Умурзақов, З.Р. Худайбердиев, М.М. Мирзакаримова каби олимларнинг илмий ишларида меҳнат муносабатларини мазмуни, шаклланиши ва унинг такомиллашувининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.³

Ислохотларни чуқурлаштириш босқичида ҳўжалик юритишнинг аграр секторида меҳнат муносабатларининг шаклланиши, ўзига хос тамойиллари ва хусусиятлари янги қонун ва фармонлар билан янада мустаҳкамланди ҳамда бозор иқтисодиётига мос, янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлари таъсирида тамомила ўз мазмунини ўзгартирмоқда. Шу боис мулкчиликнинг турли шаклларида эркин ташкил қилинадиган меҳнат муносабатларини асосий йўналишларини белгилаш, уларни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш зарурияти диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олиш имконини берди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётда турли мулк шакллари ривожланишида вужудга келадиган меҳнат муносабатларидаги бозор қонуниятларини амал қилишини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

³ Абдуғаниев А.А., Мирзакаримова М. Ҳтиш даври иқтисодиётда меҳнат бозори.-Т.: Меҳнат,1999; Абдуғаниев А.А., Худайбердиев З.Р. Қишлоқнинг долзарб социал иқтисодий муаммолари: ишсизлик, тадбиркорлик, ижтимоий муҳофаза.- Н.: Ибрат, 1995; Абдурахманов Қ. Х., Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди.- Т.: ТДИУ, 1996; Абулқосимов Ш.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётда инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.-Т.: Молия, 2005; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекистане. – Т.: Узбекистан. 1989; Б.Умурзақов, М.Раҳимов. Меҳнат муносабатлари ва менталилет.-Т.: Ўзбекистон, 2005; Ш.Шодмонов., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: Молия, 2002; Раҳимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальнўх рўночнўх реформ. - Т.: ТГТУ, 2000.-247; Худайбердиев З.Р. Бандлик. (Иқтисодий ва сиёсий талқин) - Н.: Наманган, 2003; Убайдуллаева Р.А. Трудовўе ресурсў и эффективность их использования.- Т.: Узбекистан. 1979; Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: Теория, практика, проблемы. - Т.: Узбекистан, 1994.

- иқтисодий эркинлаштириш босқичида меҳнат муносабатларининг назарий асосларини умумлаштириш;

- мавжуд иқтисодий концепцияларни чуқур таҳлил қилиш ва бир тизимга келтириш;

- иқтисодийнинг аграр секторидаги мулкчиликнинг турли шаклларида меҳнат муносабатларининг ўзига хос компонентлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни илмий асослаш;

- меҳнат муносабатларининг такомиллашувига олиб келувчи омилларни социологик сўровнома ўтказиш орқали аниқлаш ва гуруҳларга ажратиш;

- аграр секторда банд бўлганлар сони қисқариши жараёнининг иш ҳақи ўзгаришига таъсирини математик-статистик усуллар асосида таҳлил қилиш;

- аграр соҳа ишлаб чиқаришида ишга ёлланувчи манфаатларини юзага чиқариш ва ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшмалар фаолиятининг ўзига хос йўналишларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- қишлоқ жойларида мулк шакллари ўзгаришининг аҳоли бандлигига таъсирини илмий асосда ўрганиш, мазкур омилнинг ижобий жиҳатларини тўлароқ ишга солиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот предмети. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида аграр сектордаги иқтисодий муносабатлар тизимида меҳнат муносабатлари ва уларнинг такомиллашуви билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Республикамиз Президенти И.А.Каримов асарларида асослаб берилган кўп укладли бозор иқтисодиёти қарор топишининг ўзига хос тамойиллари, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва меъёрий ҳужжатлар,

иқтисодчи олимларнинг аграр соҳада меҳнат муносабатларининг ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий ишлари тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини ташкил этади. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари, расмий статистик тўпламлар, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг расмий маълумотлари, тадқиқотчи томонидан ўтказилган социологик сўровнома ва таҳлил натижалари тадқиқотнинг ахборот таянчи ҳисобланади.

Тадқиқотда назарий мушоҳада, илмий абстракция, социологик тадқиқот, қиёсий таҳлил, математик ва статистик гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар меҳнат муносабатларида бозор механизмларининг мукамал ишлашини таъминлаш учун воситаларни фаоллаштириш ва аграр соҳадаги меҳнат муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида Республика аграр соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва бир тизимга келтириш тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Шунга мувофиқ, тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатларда аниқ намоён бўлади:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида меҳнат муносабатлари тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни очиқ берилган;
- иқтисодий адабиётлардаги мавжуд назариялар таҳлили асосида меҳнат муносабатларининг таснифи ишлаб чиқилган ва бир тизимга келтирилган;
- аграр соҳага хусусий мулкни кириб келиши ва унинг турли мулк шаклларидаги меҳнат муносабатлари билан умумий ва тафовутли томонлари назарий жиҳатдан асосланган;

- қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар ўртасида социологик сўровнома ўтказиш орқали меҳнат муносабатларини ташкил этишнинг муҳим омиллари аниқланган, умумлаштирилган ва эркин меҳнат муносабатлари ташкил этишдаги муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган;

- аграр секторда банд бўлганлар сони қисқариши жараёнининг иш ҳақи ўзгаришига таъсири математик-статистик усуллар асосида таҳлил этилган;

- фермер хўжаликларида меҳнат ресурслари манфаатларини юзага чиқариш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшмалар фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўналишлари назарий жиҳатдан тадқиқ этилган;

- қишлоқ жойларида мулк шаклларининг ўзгариши жараёнида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда аграр соҳада меҳнат муносабатларининг такомиллаштириш йўналишлари иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнига боғлиқ тарзда тадқиқ этилган. Улардан келажакда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларида, аграр соҳада эркин меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда, «Иқтисодиёт назарияси», «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамадан ўтказилиши. Тадқиқот натижасида эришилган назарий қоидалар ва амалий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш назарияси ва амалиёти» кафедрасининг 2004 йил 20 апрелдаги 9-сонли йиғилишида, Ўзбекистон Миллий Университети «Иқтисодиёт» факультети Бирлашган илмий-назарий семинарининг 2004 йил 23 июндаги 20-сонли йиғилишида, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Иқтисодиёт назарияси» ва «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» кафедралари бирлашган илмий семинарининг 2005 йил 1 февралдаги 12-сонли йиғилишида,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича муаммовий илмий семинарининг 2005 йил 16 майдаги 12-сонли йиғилишида, Ўзбекистон Миллий Университети «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича муаммовий мувофиқлаштирувчи Илмий Кенгашнинг 2006 йил 22 апрелдаги 9-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган. Диссертациянинг мазмуни ва ундаги асосий қоидалар муаллиф томонидан чоп этирилган 9 та илмий мақолада ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг таркиби. Тадқиқот олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб белгиланди ва кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 145 саҳифани ташкил қилади. Ишда 10 та жадвал, 3 та расм ҳамда 10 та илова мавжуд.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Меҳнат муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бозор муносабатларини шакллантириш осон амалга оширилмаган. Бозор тизими дастлабки пайтларда кескин тенгсизликни келтириб чиқаради, инфляция жараёнлари ошкора тус олади, ишсизлик кўтарилади.⁴ Булар ва бошқа салбий жараёнлар иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий ислохотларни ўтказиш асосидагина бартараф этилиб, жамиятда бозорга оид муносабатлар қарор топтирилган. Бозор тизими асосида аҳолининг эркин меҳнат фаолияти ва фаровон ҳаётни таъминлаш борасидаги мақсадлари рўёбга чиқарилган. Бироқ, бундан бозор тизими идеал, беками кўст деган маъно келиб чиқмайди. Умуман, бозор иқтисодиётига ўтиш бу шунчаки кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантириш, жамиятни янгилаш йўлидир.

Ресурслар чекланган шароитда мамлакат иқтисодиёти тармоқларида иқтисодий ислохотлар ўтказиш, ундаги муаммоларни бирданига ҳал этишга уриниш ижобий натижа бермайди. Шунинг учун, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон учун жуда зарур бўлган ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш, уни уддалаш орқали иқтисодиётда барқарорликни таъминлашга эътибор қаратилди. Бу борада иқтисодиёт тармоқларида меҳнат муносабатларининг намоён бўлиши, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришни янада такомиллаштириш асосида меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаоллигини янада ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини қарор топиши билан меҳнат муносабатларини ўзгартириш, шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари вужудга келади.

Меҳнат муносабатлари реал ҳаётда бирданига ёки тасодифан вужудга келмайди, балки объектив ва субъектив шароитларнинг маҳсули бўлиб,

⁴ Самуэльсон П. Экономика. - М.: МГП, Амон, 1992.-17 стр.

одамларнинг меҳнат фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун меҳнат муносабатларини моҳиятини ёритишни, аввало, меҳнат фаолияти мазмунидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат бу одамларнинг табиат ва жамият неъматларини ўз эҳтиёжига мослаштириш мақсадида амалга ошириладиган онгли фаолият жараёнидир.⁵ Табиийки, инсонлар бошқа мавжудодлардан онгли равишда меҳнат қилиши билан фарқ қилади. Бу хусусият инсонга Аллоҳ томонидан берилган буюк неъматдир. Инсон табиат неъматларини ўз эҳтиёжига мослаштириши учун ўзининг меҳнатидан фойдаланади. Аммо ўзининг меҳнати билан табиатга узлуксиз таъсир қилиш имкониятига эга эмас, чунки жисмоний жиҳатдан ожизлик қилади. Бу эса уни меҳнат қуролларидан фойдаланишга мажбур қилади.

Табиатга меҳнат, меҳнат предмети ва меҳнат воситаларининг биргаликда таъсири туфайли меҳнат фаолияти рўй беради. Меҳнат фаолияти ижтимоий ҳодиса бўлиб, меҳнат жараёнида ишчи кучининг иштироки даражасини ифодалайди.⁶ Меҳнат фаолиятининг мазмунини аввало, ишчи кучининг меҳнат предмети билан бўлган муносабати ҳамда биргаликдаги ёки ўзаро боғланган фаолият иштирокчилари ўртасидаги меҳнат муносабатлари ташкил этади.

Меҳнат фаолиятига, унинг пировард натижаларига қатор омиллар таъсир этади. Шулардан муҳими меҳнат муносабатларидир. Меҳнат муносабатлари юзасидан иқтисодиёт фанида турлича ёндашувлар мавжуддир. Жумладан, рус олими Г. Слезингернинг фикрича, меҳнат муносабатлари меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун одамлар орасидаги объектив зарур ижтимоий, ҳуқуқий ва функционал жиҳатдан шартланган муносабатлар тушунилади. Бу жараён иш берувчи ва ишга ёлланувчи, маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги, бошлиқ ва ходим орасидаги,

⁵ Пардаев М. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга оид тушунчалар. - Самарқанд.: 1997. – 5 б.

⁶ Абдурахманов Қ, Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди. - Т.: 1996. – 36 б.

ўзаро боғланган меҳнат вазифаларини, ишларни ҳамда операцияларни бажарадиган ишчилар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади.

Меҳнат муносабатларининг кўп жиҳатлилиги қуйидагилар билан белгиланади: биринчидан, улар инсон муносабатлари умумий тизимининг бир қисми ҳисобланади; иккинчидан, улар ижтимоий муҳит таъсири остида намоён бўлади; учинчидан, улар давлат ва жамият органлари томонидан институционал таъсирга боғлиқ бўлади; ва тўртинчидан, улар вужудга келадиган можароларни конструктив ҳал қилишнинг таъминланишига мойилдир.

Г. Слезингер томонидан ижтимоий шерикчилик ва меҳнат муносабатлари муаммоларини кўриб чиқишда ушбу муносабатларнинг турли жиҳати таҳлил қилинган. Жумладан, демографик, иқтисодий, ижтимоий, синфий, илмий ва ҳоказо.⁷ Бунда муаллиф меҳнат муносабатларини серқирра эканлигини инкор этмаган ҳолда, унинг ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқлигига эътибор қаратади. Иш берувчи ва меҳнатга ёлланувчи ўртасида меҳнат жараёнида вужудга келадиган меҳнат муносабатлари объектив зарурият эканлигини таъкидлаб ўтади.

Г. Слезингер меҳнат муносабатларини назарий жиҳатларини ёритишда иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси, меҳнат бозорида талаб ва таклиф муносиблиги, меҳнат ресурсларининг малакаси ва бошқа омилларга эътибор берган. Бироқ, меҳнат омилининг ишлаб чиқариш омилининг бирикишида асосий восита сифатидаги ўрнига, инсон омилини фаоллаштириш воситаларига камроқ аҳамият берган. Нимагаки, меҳнат ресурсларининг меҳнатга бўлган фаоллик даражаси меҳнат натижасидан баҳраманд бўлишга боғлиқдир. Меҳнат натижасидан қай даражада баҳраманд бўлиш эса жамиятда шаклланган меҳнат муносабатлари билан белгиланади.

⁷ Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики. - М.: 1996. – 92 стр.

Рус олимаси Коршунова Т.Ю меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиб, унинг асосини иш берувчи ва иш олувчилар ўртасидаги муносабат эканлигини таъкидлайди.⁸

Иқтисодчи олимлар Қ. Абдурахманов, Ф.Мамарасуловларнинг фикрича, меҳнат муносабатлари деганда меҳнат фаолияти давомида одамлар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар тушунилади. Буларга иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги, бошлиқ билан унинг қўл остидагилари, бири-бирига боғлиқ меҳнат функцияларини бажарувчи ходимлар ўртасидаги, меҳнат жамоаси орасидаги, маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги каби муносабатлар киради.⁹

Бу таъриф муаллифлари меҳнат муносабатлари корхоналарда ўзаро манфаатдорликни таъминланиш, ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиши натижасида меҳнатни ташкил қилишнинг самарали, меҳнат фаолияти асоси сифатидаги ролига кенгроқ аҳамият беришган. Бироқ, хўжалик юритишнинг турли шаклларида айниқса, иш ўринлари учун рақобат кураши авж олган бозор шароитидаги меҳнат муносабатларининг мазмуни ва асосий шакллари тўлиқ ёритилмаган.

М.Г.Лапустъ таҳрири остида тайёрланган «Менежернинг маълумот-луғати» да меҳнат муносабатлари тушунчаси ўзига хос тарзда ёритилган. Унга кўра, меҳнат муносабатлари жамоа меҳнатида унинг иштирокчилари ўртасида товар қийматини яратиш, меҳнат натижаларини айирбошлаш, шунингдек, меҳнат кооперациясини зарурлиги ва у бўлинмаларга бўлиниши натижасида вужудга келади. Ўз навбатида, ижтимоий жараёнлар ишчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳамда умуммеҳнатнинг бўлиниши туфайли гуруҳлар ва ишчиларнинг ижтимоий ҳолатида, уларнинг манфаатида турли-

⁸ Коршунова Т.Ю. Словарь по трудовому праву. - М.: БЕК, 1998.-116 стр.

⁹ Абдурахмонов Қ, Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди – Т.: 1996. – 43 б.

туманликнинг мавжудлиги сабабли меҳнат муносабатларида социологик жиҳатлар намоён бўлади.¹⁰

М. Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаевлар меҳнат муносабатларига ходимларни бошқариш тизими жиҳатидан ёндашиб, бошқарув объекти сифатида:

- шахсий ва гуруҳлар муносабатларини таҳлил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;
- раҳбарлар муносабатларини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш;
- ишлаб чиқаришдаги ихтилофлар, низолар, асаббузарликларни бартараф этиш;
- касаба уюшмалари билан ўзаро муносабатларни бошқаришни олиб қарайдилар.¹¹

М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевларнинг юқоридаги фикрларида асосий эътибор меҳнатни ташкил этиш босқичида шаклланадиган меҳнат муносабатларига қаратилган. Хўжалик юритишнинг турли шаклларида меҳнатни ташкил этиш жараёни ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил қилиш билан бирга олиб борилади. Бу жараён меҳнат муносабатларини оқилона ташкил этишга ва меҳнат унумдорлигини ортишига олиб келади. Муаллифлар меҳнат муносабатларини ривожлантириш жараёнида хўжалик ички муносабатларида касаба уюшмалар муайян мавқеда бўлишини таъкидлашади, аммо меҳнат бозори, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш меҳнат муносабатларини ўзгаришига олиб келувчи омиллар эканлигига камроқ эътибор беришган.

Профессор Д.Тожибоеванинг фикрича, меҳнат муносабатлари иш кучи-меҳнат омилидан фойдаланиш жараёнида юзага чиқадиган муносабатлардир. У ўз ичига меҳнатдан фойдаланиш, унга ҳақ тўлаш, меҳнатни ташкил этиш, бошқариш муносабатларини олади.¹² Бунда Д. Тожибоева меҳнат муносабатларини ёритишда инсон омилининг самарали меҳнатини

¹⁰ Словарь-справочник менеджера. – М.: 1996. – 446 стр.

¹¹ Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. – Т.: 2000. – 229 б.

¹² Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси. – Т.: 2002. – 221 б.

таъминловчи, меҳнатга ундовчи асосий омил-иш ҳақиға, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш жараёнидаги иқтисодий муносабатларга алоҳида эътибор берган.

Рус олими О.В. Ромашовнинг фикрича, меҳнат муносабатлари мураккаб социал-иқтисодий ҳодиса бўлиб, қуйидаги жиҳатлари билан тавсифланади:

- а) мотивация ва меҳнат жараёнидаги ҳуққ ва ахлоқнинг белгиланиши;
- б) меҳнат фаолиятида ишловчиларга ҳақ тўлаш, рағбатлантиришга эътиборнинг юқорилиги¹³ билан ажралиб туради.

А.Ўлмасов, А.Ваҳабовларнинг фикрича, иш берувчи ва ёлланиб ишловчилар ўртасидаги алоқалар меҳнат муносабатлари дейилади.¹⁴

Қайд этилган ёндашувларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга. Чунки, меҳнат муносабатлари тушунчасини изоҳлаш илмий жиҳатдан мураккабдир.

Келтирилган фикр-мулоҳазаларни, қарашларни рад этмасдан, меҳнат муносабатларини моҳияти ва хусусиятларини акс эттирадиган жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиламиз. Шубҳасиз, кишилар ўзларини моддий неъматларга ва хизматларга бўлган шахсий ва жамоа эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида меҳнат фаолиятига киришадилар. Меҳнат фаолиятисиз эҳтиёжларни қондирилишини, жамиятнинг ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди.

Узлуксиз меҳнат фаолияти инсонларнинг хўжалик субъектлари билан ўзаро алоқалари ёрдамида амалга ошади. Меҳнат фаолияти, унинг унумдорлигини ўсиши, яъни маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришига кетадиган сарфларини камайиб бориш жараёнида меҳнат муносабатлари муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Меҳнат муносабатлари иқтисодий муносабатлар тизимининг ажралмас қисми бўлиб, рақобат муҳити шаклланган иқтисодий фаолиятда иш берувчи

¹³ Ромашов О.В. Социология труда. М.: Гардарики, 1999. – 159 стр.

¹⁴ А.Ўлмасов., А.Ваҳабов. Иқтисодиёт назарияси.- Т.: «Шарқ» нашриёти, 2006. – 256 б.

(тадбиркор, инвестор, фермер ва бошқалар) ва ишга ёлланувчи ўртасида вужудга келадиган муносабатларни ифодаловчи иқтисодий механизм сифатида намоён бўлади.

Меҳнат муносабатлари иқтисодий муносабатлар тизимида бир томондан, рақобатга тортилган иқтисодий субъектларнинг ишчи кучи омилидан самарали фойдаланиш, иш ҳақини меъёрида сақлаш, бозорда юқори мавқега эга бўлиши ҳамда фойда миқдорини оширишини ифодалайди. Иккинчи томондан, ишга ёлланувчи ўз моддий манфаатдорлигини рўёбга чиқариб, юқори иш ҳақиға эга бўлиши, қулай меҳнат шароити ва ижтимоий ҳимояланишига оид муносабатларни намоён қилади. Бу муносабатлар турли ижтимоий-иқтисодий тизимларда иқтисодий муносабатларнинг асосий қисми бўлган бўлсада, уларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари бир-биридан фарқланиб, иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги муносабатлар турли усуллар ёрдамида амалга оширилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозоридаги меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклиф нисбати ҳамда шаклланаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таъсирида мавжуд меҳнат муносабатлари такомиллашиб, ўз моҳиятини янгича тамойиллар билан бойитиб боради. Айниқса, турли мулк шаклларида меҳнат қилиш эркинлигининг таъминланиши маъмурий буйруқбозлик тизимидаги мажбурий меҳнат муносабатларини қисқаришига олиб келди ва ишга ёлланувчининг ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтирди. Бу эса иқтисодиётда меҳнат муносабатлари категориясига бўлган муносабатни ўзгаришига сабаб бўлди.

Бизнинг фикримизча, меҳнат муносабатлари категорияси - хўжалик юритишнинг барча шаклларида иш берувчи билан ишга ёлланувчилар ўртасида белгиланган қонунчилик доирасида амалга ошадиган, бозор омиллари таъсирида ўзгариб борадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Бу муносабатларнинг мазмуни аксарият ҳолатларда томонлар ўртасида шартномалар тузиш орқали ифодаланади.

Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати, айниқса, инсон омилининг бевосита иштироки меҳнат муносабатларини вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади ва ўзаро ички рақобат таъсирида доимо ўзгариб боради. Чунки, иқтисодий субъектларнинг бозор иқтисодиётида рақобат курашида иштирок этиб, бозорда юқори ўрин ва фойда олиш борасидаги интилишлари меҳнат муносабатларини ҳам қамраб олади. Бу жараён меҳнат қилувчиларнинг белгиланган ишни ўз вақтида сифатли бажариши, мулкни сақлаш ва хом-ашёни исроф қилмаслиги, иш вақтидан унумли фойдаланиши асосида фойда миқдорини ортишига бўлган муносабатларини назарда тутди. Натижада, томонларнинг манфаатлари тўқнашуви келиб чиқиб, бир томондан иш берувчининг меҳнат қилувчиларга берадиган иш ҳақини бир меъёрга сақлашга мойиллигини оширса, иккинчи томондан, ишга ёлланувчининг ўз манфаатларини янада кўпроқ қўллаб-қувватланиши борасидаги талабни янада оширади. Ушбу иқтисодий муносабатлар меҳнат муносабатларини қамраб олади ва бунда инсон омили фаоллиги ҳам белгиланади

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини меҳнатнинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти эса, ҳар бир ходимда ўз меҳнат вазифасини бажаришда етарли даражада назарий ва амалий тайёргарликнинг мавжудлиги, одамларнинг самарали меҳнат фаолияти уларнинг моддий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга йўналтирилганлиги ҳамда рағбатлантириш механизмларини мавжудлиги билан тавсифланади. Акс ҳолда ишлаб чиқариш жараёни кутилган натижа бермайди.

Меҳнат жараёнида инсонлар ижтимоий муносабатларга киришиб ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатлантириши натижасида касб қобилиятлар ва кўникмалар шаклланади. Уларни меҳнатга ва бир-бирига бўлган муносабати

эса муайян ижтимоий ҳислатларни юзага келтиради. Меҳнат фаолияти натижаси биргина касб маҳорат ва жисмоний имкониятларнинг ривожланиш даражасига эмас, балки инсоннинг меҳнатга бўлган муносабатига ҳам боғлиқ бўлади. Мазкур муносабат ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар тизимига сезиларли даражада таъсир этади. Бошқача айтганда, унинг мазмуни ишловчининг мавжуд эҳтиёжлари ва шаклланган манфаатдорлиги таъсирида барча қобилиятларни ишга солишга қаратилган бўлади. Иқтисодий муносабатларда меҳнатнинг ижтимоий моҳияти унинг эркинлик даражаси билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳуқуқий меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши ҳуқуқий кафолатланган. Шунинг билан бирга, ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти, дам олиши ва йиллик таътиллардан фойдаланиши, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш, малакасини ошириш, пенсия олиш ва бошқа зарур ҳуқуқларга эгадир. Жамиятда бозор муносабатлари қарор топар экан, меҳнат муносабатлари қотиб қолган, эски айрим жиҳатлардан ҳоли бўла бошлайди. Ҳар ким қобилиятига яраша меҳнат фаолияти билан банд бўлади ҳамда даромад кўради. Иш берувчи энг юқори миқдори чегараланмаган даражада иш ҳақи, қулай меҳнат шарт-шароити ва турли имтиёзлар таклифи билан меҳнат муносабатларига киришади ёки аксинча.

Иқтисодиётда иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасида эркин шаклланган меҳнат муносабатлари меҳнат унумдорлигини ошириб, ҳар икки томон манфаатларини юзага чиқаради. Жамият тараққиётининг бутун тарихи яққол кўрсатиб турибдики, қарамликдаги қулларга хос мажбурий меҳнат самарасиз меҳнатдир. Мажбурий меҳнат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддаси бўйича таъқиқланган бўлиб, у айрим ҳолларда жазо

муддатини ўтаётган жинойтчиларгагина нисбатан сақланиб қолинади.¹⁵ Аммо эркинлик даражаси ҳам ўз навбатида эркин танлашнинг (жумладан, мулк шаклини танлаш) предмети бўлиши зарур. Бу жараён инсоннинг ўзига хос хусусиятлари ва хоҳишлари, уларнинг мустақил ҳаракатга қобилиги ҳамда тайёргарлиги ва таваккал қила олиши, меҳнатга ижодкор, тадбиркор сифатидаги муносабатидан келиб чиқади. Меҳнат ресурсларини сарфлаган кучи ва меҳнатининг самарасидан келиб чиқиб, иш берувчи томонидан унинг тақдирланиши ҳуқуқи ёки унга зид бўлган зулм тушунчасига муносабат ҳам ана шу ҳуқуқлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат муносабатлари иқтисодий категория сифатида узоқ даврлар мобайнида эволюцион тарзда вужудга келган ва барча иқтисодий тизимларда мавжуд бўлган тушунчадир. Бироқ, ушбу категория турли социал - иқтисодий тизимларда синфийлик, диний, иқтисодий жиҳатдан қаралган ва ўзаро фарқланган.

Демак, иқтисодий муносабатларни меҳнат муносабатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўз навбатида, меҳнат муносабатлари турли омиллар таъсирида таркиб топади. Бу омиллар аксарият ҳолларда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, демографик, ҳудудий ва миллий хусусиятлар орқали вужудга келади. Масалан, Япониядаги меҳнат муносабатлари асосан бешта тизим таъсирида ривожланмоқда. Уларга умрбод ёллаш тизими, ходимлар алмашинуви, иш жойида тайёрлаш тизими, обрў тизими, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимидир.¹⁶

Бу тизимларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар алоҳида эмас, балки биргаликда амал қилиб, ўзаро бир-бирини тўлдиради. Бу эса корхонага самарали натижа беради. Бундай муносабатлар ихтиёрийлик, қизиқувчанлик ҳамда томонларни меҳнат шартномалари асосида ривожланиб боради. Жумладан, Ҳиндистон, Хитой давлатларида меҳнат муносабатлари тизимида

¹⁵ Ҳзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.- Т.: Адолат, 1997. - 6 б.

¹⁶ Волгин И.А. Японский опыт решения экономических и социально-трудовых проблем. – М.: Экономика, 1998. - 103 стр.

иш топиш, иш ўрнини сақлаб қолиш ва иш ҳақи олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига бўлган талаб таклифдан жуда оз эканлиги билан ажралиб туради. Лекин, меҳнат бозорида талаб ва таклиф мутаносиблиги қай даражада бўлмасин, ташқи кўриниши бўйича иш берувчи манфаатлари ҳукмрондек туюлсада, меҳнат муносабатларида ишга ёлланувчининг интилишлари ҳамда меҳнатга хос хусусияти ҳам акс этади.

Мамлакатимизда меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан тартибга солинади. Ана шу кодексга биноан иш берувчилар ва ишловчилар меҳнат муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Меҳнат битимлари асосида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тизими узок йиллар давомида шаклланган бўлиб, айниқса, саноат инқилоби даврида иш ҳақини кўтариш учун ҳаракат бошланиб, бу ҳаракат ХIХ аср давомида касаба уюшмаларнинг кучсизлиги туфайли унча сезиларли роль ўйнамаган.

Бугунги кунда ривожланган давлатларда амал қилаётган меҳнат муносабатларида борган сари касаба уюшмаларнинг роли ортиб, уларнинг жамоа битими тузишдаги иштироки кенгаймоқда. Жамоа шартномасини тузиш тизимига Халқаро Меҳнат ташкилоти томонидан 1949 йилда «Конфенция-98» ҳамда 1951 йилда «Тавсиянома-91» деб номланган ҳужжатларни қабул қилиниши ва уни жаҳон миқёсида эътироф этилиши билан асос солинди.

Ушбу ҳужжатларда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, жамоа музокараларини олиб бориш ва меҳнатни ташкил этишнинг қуйидаги муҳим тамойиллари кўрсатилган:

- иш берувчи ва ишга ёлланувчи томонидан олинган мажбуриятларни бажариш, келишув шартларига қаттиқ риоя қилиш;
- жамоа битимига зид бўлган барча меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

- жамоа (коллектив) битимлари шартлари барча тоифадаги корхоналарга тегишлидир.

1981 йили ХМТ нинг бош конференцияси жамоа музокаралари бўйича яна бир тавсиянома қабул қилди. Жамоа битими ҳозирги пайтда жамоани гуруҳий манфаатларини ҳимоя қилувчи дастак сифатида амал қилади. Амалиётда, ишга ёлловчилар билан ёлланувчиларнинг манфаатлари доимо мос тушавермайди. Натижада умуммиллий манфаатлар билан гуруҳий манфаатлар ўртасида зиддиятлар бўлиб туради. Улар қуйидаги йўллар билан ечилади:

- ҳар икки томон музокара олиб бориб, иш ҳақи, иш вақти, меҳнат шароити, таътиллار бўйича келишиши, бир гуруҳ иккинчисига ён бериши ёки иккиси ҳам ўз талабларининг айримларини чеклашга келишиб олишлари мумкин;

- давлат ўз социал-иқтисодий сиёсатининг жамоа шартномаларида фойдаланишига эришиш. Бу йўл ҳеч бўлмаганда давлат томонидан қонуний равишда иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш, нарх ва даромадларнинг ўзгариши бўйича қатъий сиёсат юритиш демакдир;

- меҳнат муносабатлари субъектлари сифатида иш берувчилар, ёлланувчилар, давлат ўртасида манфаатларини мослаштириш мақсадида уч томонлама шартнома тузадилар. Бундай шартномалар инфляцияни жиловлаш, бандликни таъминлаш, социал муносабатларни миллий даражада ҳал қилиш имконини беради.¹⁷

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларидан турли шароитларда, сиёсий, иқтисодий, демографик муносабатларнинг ҳар хил нисбатлари ва ўзаро боғланишлари асосида фойдаланилади (1.1-расм). Натижада, иш берувчилар ва ишга ёлланувчилар ўртасидаги муносабатларда меҳнат муносабатларининг ўрни янада ортади ва унинг таркиби бир-биридан фарқ қилади. Меҳнат муносабатларининг шаклланишида юқорида қайд

¹⁷ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: 2002. – 232 б.

Мещнат муносабатлари моделларининг Ўзига хос хусусиятлари



¹⁸ Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

асосан АҚШ, Буюк Британия ва Ирландияда самарали амал қилмоқда. Кейинги йилларда бу мамлакатларда эркин меҳнат муносабатларига оид кенг қамровли қонунчилик ривожланиб бормоқда.

2. Корпоратив модел. Бу моделда бошқариладиган бозор тизими устун бўлиб, давлат иқтисодиётда фаол иштирок этади. Унинг икки кўринишини ажратиш мумкин:

- а) демократик ёки социал-реформатик корпоратизм;
- б) иерархик корпоратизм.

Демократик йўналиш бўйича ижтимоий консенсус, яъни ўзаро келишишга интилиш катта ўринга эга. Бу тизимда иқтисодий ўсиш ва умумий ижтимоий фаровонликка эришиш учун жамоат ва хусусий манфаатларни турли миллий институтлар, капитал, моддий ресурслар, ишчи кучи бозоридаги жараёнларни тартибга солишни мувофиқлаштириш асосида амалга оширилади. Ишчи кучини ўзгараётган шароитга тезда мослаштириш касбий тайёргарликни кучайтириш орқали амалга оширилади. Бунда касба уюшмалар фаолияти кучли бўлиб, улар ҳокимият органлари билан турли соҳаларда, биринчи навбатда, иш ҳақи масалаларида музокара юритиш, ишсизлик бўйича нафақани ошириш, иш билан бандликни таъминлаш бўйича ваколатларга эгадирлар. Бу модел давр шароитига ниҳоятда мослашган бўлиб, шароит тақозоси билан ўзгариши мумкин.

Иерархик корпоратизм эса Японияда мавжуд бўлиб, ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш билан характерланади. Бунда давлат меҳнат фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият беради, лекин тадбиркорлик тармоғида кам иштирок этади. Меҳнат бозоридаги ўзига хослик шундаки, барча тармоқлардаги меҳнат шартномалари фирма доирасида кузатилади.

3. Ижтимоий - бозор модели ўз хусусиятларига кўра, либерал моделдан корпоратив моделга яқинроқ туради. Хўжалик ривожини бошқаришнинг ижтимоий-бозор тизими асосан Германияга хосдир. Бу тизим ижтимоий - иқтисодий қийинчиликка учраганларни қўллаб - қувватлашни кўзда тутди.

Бу аввало ёшлар, фермерлар, кам таъминланган оилалар, шунингдек, кичик ва ўрта фирмалардир, чунки улар ҳар доим ҳам йирик компания ва трансмиллий корпорациялар тазйиқига дош бера олмайди. Давлатнинг иқтисодиётдаги фаол иштироки аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича кенг мажбуриятлар билан уйғунлашиб кетади.

Ижтимоий бозор модели айниқса, Швецияда ижобий натижа бермоқда. Швеция дунёда аҳолини социал кафолати энг яхши йўлга қўйилган илғор мамлакатдир. Ижтимоий ҳимоя учун сарфланаётган харажатлар салмоғи ялпи ички маҳсулотнинг 42 фоизини ташкил этади. Шу жумладан, пенсия таъминоти салмоғи 12 фоизни, вақтинча ишламаётганларга тўланадиган нафақалар 11 фоизни, ишсизлар нафақаси 2 фоизни, муҳтож оилаларга ёрдам 5 фоизни, илм олишга сарфлар 7 фоизни ташкил қилади. Швецияда мана шу нарса мақтовга сазоворки, ишловчи ҳам, ишсиз ҳам, уй бекаси ва нафақахўр ҳам касал бўлиб қолса, суғурта фондидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.¹⁹ Меҳнат муносабатларининг учта модели ўзида мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, демографик жараёнлар, миллий қадрият ва миллий менталитетини мужассам этади.

Юқорида келтирилган моделларнинг Ўзбекистон шароитига мос келадигани, бизнингча, ижтимоий бозор моделидир. Чунки, мамлакатимизда ҳам миллий хусусиятлардан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъеклар давлат томонидан қўллаб - қувватланиб, кенг қамровли манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

1.2 Меҳнат муносабатларини иқтисодиётда амал қилиш воситалари ҳамда уларнинг ўзаро бирикиши

¹⁹ Жўраев А.М., Ахмедов Д.К., Саотов Х.К. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш. – Т.: 1995. - 50 б.

Меҳнат муносабатлари доимо ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатнинг кооперациялашуви ва унинг тақсимотини ҳам талаб этади. Иқтисодийнинг асосий бўғини бўлган фирма, корхона ва хўжаликларда меҳнат муносабатлари ҳар бир ишловчининг меҳнат самарасини белгиловчи механизм сифатида амал қилади. Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат муносабатларида ўзаро ҳамкорлик, ҳукмронлик ва итаоаткорлик ҳамда тенглик асосидаги шерикчилик, низо, низовий рақиблик муносабатлари ҳам намоён бўлади. Шунингдек, меҳнат муносабатлари патернализм ва социал шерикчилик муносабатларига ҳам ажратилади.

Патернализм (оталарча ғамғўрлик) муносабатларида давлат томонидан меҳнат муносабатлари шакли ва мазмуни аниқ белгиланади. Социал шерикчилик муносабатларида иш берувчи ва ишга ёлланувчининг манфаатларини мос келишига эришилиб, корхона ишлаб чиқаришидан, унинг фойда олишидан иккала томон манфаатдор бўлади, моддий манфаатдорлик пировард натижа билан белгиланади. Ишга ёлланувчилар корхона капиталида ўз улушлари-акцияларга ҳам эга бўладилар. Пировардида социал шерикчилик муносабатлари ҳам шаклланади. Полииктисодий тизимда шерикчилик муносабатлари кенг тарқалади ва меҳнат муносабатларида устувор ҳисобланади.

Жамиятда бозорга оид муносабатларни ривожланиши билан социал-меҳнат муносабатлари шаклланади ва ривожланади. Шу боисдан ўтиш даврида баъзи иқтисодий адабиётларга социал-меҳнат муносабатлари тушунчаси кириб келди. Социал меҳнат муносабатларининг учта модели мавжуд:

Биринчи модел, меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг фаол аралашувини назарда тутди. Иккинчи модел, жамоавий шартномаларни фақат корхона даражасида тузилиши билан тавсифланади. Учинчи модел, биринчи ва иккинчи моделлар ўртасидаги оралиқ модел

ҳисобланади.²⁰ Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида биринчи моделга хос давлат томонидан ёки корхона томонидан белгиланадиган меҳнат муносабатлари сақланиб қолади. Бу корхона манфаатлари устувор бўлади деган хулосани келтириб чиқармайди, аксинча, томонлар манфаатлари давлат томонидан қабул қилинган қонунлар асосида мувофиқлаштириб борилади.

Полииктисодий тизим шароитида меҳнат муносабатлари субъектлари воситаларини бириктириш турли мулк шакллариининг ички хусусиятларидан келиб чиқиб фарқланади. Шахсий меҳнатга асосланган хусусий мулкчилик шароитида меҳнат муносабатлари субъектлари эркин бириктириш рўй берса, ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган давлат корхоналари ва айрим хусусий корхоналарда эса иқтисодий зарурият туфайли амалга ошади. Меҳнат муносабатлари маълум компонентлардан таркиб топади, яъни иш берувчи ва ишга ёлланувчиларнинг манфаатлари ва мажбуриятларини намоён этувчи хусусиятларни қамраб олади. Иқтисодиёт тармоқларида меҳнат муносабатлари субъектлари ижтимоий шерикчиликка асосланган меҳнат шартномалар асосида меҳнат фаолиятига киришадилар.


Иқтисодиёт тармоқларида иш берувчи ва ишга ёлланувчиларнинг манфаатларини боғловчи воситалар мавжудлигида ёки манфаатлар ўзаро яқинлашганда меҳнат муносабатлари асосида меҳнат фаолияти самарали ташкил этилади. Меҳнат муносабатлари субъектлари характериға мос келувчи, манфаатларни боғловчи механизмлар узлуксиз бўлавермайди. Бундай шароитда меҳнат биржалари воситачилигида ишга ёлланувчини қайта ўқитиш, малака ошириш, касб-корини ўзгартириш тадбирлари амалга оширилади.

Тадқиқот жараёнида биз меҳнат муносабатлари хусусиятлари классификациясини, унда иқтисодий субъектлар характериға боғлиқ

²⁰ К.С.Саидов., Р.А. Сейтмуратов., Д.Х. Асланова, С.А. Исҳоқова. Социал иқтисодиёт. - Т.: Ҳзбекистон, 2006. - 308-309 б.

воситаларни бирикишини қуйидаги чизмада акс эттирдик (1.2-расм). Чизмада келтирилган ҳар бир компонент биргаликда ёки мустақил равишда меҳнат муносабатлари мазмуни ҳамда муддатига таъсир ўтказиши мумкин. Иш берувчи ва ишга ёлланувчи характериға хос бу компонентлар иқтисодий адабиётларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг социал-иқтисодий омиллар сифатида таърифланган бўлсада, умумий классификацияси тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Меҳнат муносабатлари хусусиятлари таснифи²¹



²¹ Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

Бу классификацияда меҳнат муносабатларини мулкчиликнинг турли шаклларида амал қилиш воситаларини ўзаро бирикишида моддий манфаатдорликка ушбу муносабатларнинг асосий элементи сифатида эътибор берилди. Фойда олишга интилиш-манфаатдорликни намоён қилади. А.Смит айтганидек, инсонни хўжалик фаолиятини юритишга мажбур қилган муҳим сабаб фақатгина ўзининг моддий манфаатига қаратилган шахсий эҳтиёж ҳисобланади.²² Шунинг учун ҳар бир киши ўз табиатига кўра иқтисодий одам ҳисобланади. Бинобарин, иқтисодий субъектлар жисмоний ёки юридик шахс бўлишидан қатъий назар уларнинг иқтисодий манфаатлари дастлаб меҳнат муносабатлари орқали юзага чиқади.

Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат муносабатлари компонентларининг бирикиши иқтисодий субъектлар фаолиятида акс этади. Бу жараён мамлакат меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф таъсирида ўзгариши мумкин. Агар меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи талабга нисбатан жуда юқори бўлса, ишга ёлланувчи характериға боғлиқ воситалар чекланиши ёки айримлари ўзгартириши мумкин. Иш берувчининг ишчи кучи бозоридаги фаолияти эса янада эркинлашади. Айтиш мумкин, мамлакатимизда турли хил мулкчилик шаклларида қарор топаётган меҳнат муносабатлари қуйидаги омиллар таъсирида таркиб топмоқда:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни модий рағбатлантириш;
- мулкчилик муносабатларининг ўзгариши;
- меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги даражаси;
- касаба уюшмалар фаолияти фаоллиги;
- ижтимоий ҳимоя тизими.

Бу омиллар биргаликда амал қилиб, белгиланган қонунчилик доирасида рўй беради. Уларнинг бирортаси сустлашса, тўхтатилса ёки ҳатто эътибор камайтирилса, бу меҳнат фаолиятида ўз оқибатини намоён қилади ҳамда меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этади. Меҳнат муносабатларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида эркин ташкил этилиши, меҳнат

²² А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соц. экгиз, 1962.- 330-335 стр

натижаларини эркин тасарруф қилиш бевосита иқтисодиётда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, индивидуал меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради.

Бугунги кунда меҳнат муносабатларини ўзгаришига қуйидаги омиллар бевосита таъсир қилмоқда;

Биринчидан, иш ҳақи миқдори, тўланиш муддати ва меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш. Меҳнат муносабатларини ташкил этишда ишчиларнинг энг кам иш ҳақи миқдорини белгилаш ва ошириш, меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга XIX асрдан бошлаб давлат аралашуви кузатилади. XX асрнинг 30-50 йилларидан бошлаб ривожланган давлатларда давлат қонуний равишда энг кам иш ҳақи миқдорини белгилайдиган бўлди. Меҳнат муносабатлари ривожланишида бозор талабларидан келиб чиқиб, ходимнинг иш ҳақи аксарият ҳолларда пировард натижадан келиб чиқади. Бу эса ходимларни меҳнат унумдорлигини ошириб рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга, корхона (фирма) тақдирига бефарқ қарамасликка ундайди. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва даромад олиш корхона тараққиётининг гарови-шахсий манфаатдорликнинг асоси сифатида ривожланади. Ходимларга ҳақ тўлашда ишчининг доимий, бутун меҳнат фаолияти давомида такрор ишлаб чиқариши учун зарур бўлган сарф-харажатлар, жумладан оиласи учун зарур харажатларни ҳам инобатга олиниши керак.

Меҳнат муносабатларини таркиб топишида асосан иш ҳақи миқдори, рағбатлантиришлар кўламига эътибор берилади. Моддий манфаатдорликнинг иш ҳақи миқдорида акс этиши ходимни меҳнат қилишига ундайдиган, ўсиб бораётган социал-иқтисодий эҳтиёжларни қондиришнинг асосий воситасидир.

Меҳнатни рағбатлантириш эса корхонанинг самарали фаолиятдан, унинг барқарор молиявий имкониятларидан келиб чиқади Корхона (фирма) нинг бозорда юқори мавқега эга бўлиши, рақобатбардош маҳсулот ишлаб

чиқариши, фойда миқдорини оширишга олиб келади. Шу билан бирга, ходимларнинг даромади олиш имкониятлари ортади.

Иккинчидан, аграр секторда мулкчилик муносабатларини ислоҳ этилиши. Аграр соҳада мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, хўжалик юритиш механизмларини такомиллаштириш меҳнат муносабатлари мазмуни ва тузилишини ўзгартирмоқда. Бу соҳадаги ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- иқтисодий эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида аграр соҳадаги ислохотлар деҳқонлар учун тамомил янгича, кенг қамровли, тегаран эркин иқтисодий фаолият юритишга имкон бериб, хўжалик юритишни илғор шакли сифатида фермер ва деҳқон хўжаликлари белгиланди. Мулк шаклларида хусусий, ижара ва ёлланма меҳнат келиб чиқади ва бир-биридан фарқланади. Меҳнат муносабатлари ҳам турли мулк шаклларида турлича акс этади. Нодавлат секторни ташкил этган бу мулк шаклларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улуши ортиб, 1999 йилда 98,9 фоизни 2005 йилда эса 99,7 фоизни ташкил этди;

- умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига оқилона харид нархларини белгилаш, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат муносабатларини ривожлантирувчи куч бўлди. Сўнгги йилларда пахта, доннинг харид нархлари анча ошди. Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва ҳамда парранда ва бошқа маҳсулотларга эркин харид нархлари жорий этилди;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ошириш билан бир қаторда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни мажбурий етказиб бериш учун давлат буюртмасини белгилаш соҳасидаги сиёсат ҳар доим қайта кўриб борилди. Ҳозирги вақтда хўжаликлар ўзлари етиштирган чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини мустақил сотиб, даромадларни эркин тасарруф этмоқдалар.

Давлат буюртмаси фақат пахта ва дончиликда сақланиб қолган бўлиб, унинг миқдори пахтага 60 фоизгача, донга 55 фоизгача қисқартирилди. Яқин

йилларда буларга ҳам давлат буюртмасини бекор қилиш вазифаси қўйилмоқда.²³

Товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ихтиёрий равишда эркин сотиши улар томонидан эркин тассарруф этиладиган маҳсулот ҳажмининг кўпайтирилиши хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг турмуш даражасини оширишга хизмат қилиб қилади.

Учинчидан, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф нисбати. Ривожланган мамлакатларда меҳнатда бандлик ва ишсизликни кўп йиллик ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнатга яроқли аҳолининг 94-95 фоизи меҳнатда банд бўлса иқтисодиёт меъёрида ривожланаётган ҳисобланади.²⁴ Мамлакатда аҳолини бандлиги 80-90% ни ташкил этганда иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги муносабатлар уйғунлашади. Иш олувчи меҳнатининг кадр - қиймати ортади ва юқори даражага кўтарилади. Демак, ишчи кучи бозорида аҳоли бандлигини таъминлаш меҳнат муносабатларига ижобий таъсир этади.

Ишчи кучи мазмунига кўра, такрор ишлаб чиқаришни ва меҳнатдан самарали фойдаланишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади. Меҳнат бозорида ишсизликни камайтириш ва меҳнатда бандлигини таъминлаш муаммоси Ўзбекистонда шу куннинг долзарб масаласидир. Миллий иқтисодиётининг ишчи кучига тўйинганлиги, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан мувозанатланмаганлиги, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда миллий-этник ва ижтимоий омилларнинг етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги ишчи кучини тўлиқ иш билан таъминлашга салбий таъсир этмоқда.

Ишсизликни меҳнат биржалари ҳисобга олиб боради. Ўзбекистонда 250 яқин меҳнат биржалари фаолият кўрсатиб, улар ишга жойлашмоқчи

²³ Каримов И.А. Ҳзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ҳзбекистон, 1999. - 237 б.

²⁴ Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ҳтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. – Т.: 1999. - 21-25 б.

бўлган аҳоли ҳисобини, ишдан бўшаётган ишчиларни, жинси ва ёши, касб-малака даражасини, оилавий аҳволи, олдинги иш жойидаги иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштириш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш билан шуғулланади. Меҳнат бозорини ва аҳолининг иш билан бандлигини таҳлил қилганда, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, демографик вазиятга алоҳида эътибор бериш керак. Республикамизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили анча юқори суръатлар билан ўсмоқда. (1,2,3-иловалар). Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит - қизлардир. Айниқса, меҳнат ресурсларининг бир жойдан иккинчисига кўчиб меҳнат қилишга мойилликнинг ортаётганлиги республика аҳолисига хос жараён бўлмоқда. Шунингдек, меҳнат бозорининг шаклланиши шаҳарлар билан қишлоқларда бир хилда бормаяпти, шаҳарларга нисбатан қишлоқларда секинлик билан бормоқда. Айни пайтда қишлоқ аҳолисининг 63 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, ишчи кучи керагидан ҳам ортиқ. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш меҳнат бозорининг бош ва амалдаги ягона соҳаси бўлиб қолмоқда. Бу борада давлатнинг меҳнат бозорининг тартибга солиш, унга таъсир этиши меҳнат муносабатларини такомиллашувига имкон беради.

Мамлакатимиз меҳнат бозори 2005 йилда 410,3 минг кишини ташкил этиб, унинг шаклланишида асосий ролни Фарғона водийси эгаллади. Меҳнат биржаларига таклиф этилган ишчи кучлари Фарғона вилоятида -14,7 фоизни, Наманганда -11,6 фоизни, Андижонда -7,4 фоизни ташкил қилди. Натижада меҳнат бозори бирмунча фаоллашди. Иш билан таъминлаш даражаси бўйича энг юқори ўсиш Самарқанд (89,4 %), Сурхандарё (87,7 %), Андижон ва Фарғона вилоятларида (82,2 %) ни ташкил қилди. Бу аҳолини иш билан таъминлаш бўйича меҳнат биржалари фаолиятининг самарадорлиги ортганлигидан далолат беради (1.1-жадвал). Фуқароларни иш билан бандлиги 2005 йилда нодавлат секторига 75,0 фоизни, давлат корхоналаридаги улуши 25,0 фоизни ташкил этди.

1.1-жадвал

Ўзбекистон меҳнат бозоридаги асосий кўрсаткичлар²⁵

Йил	Иш излаётганлар сифатида рўйхатга олинганлар, минг киши	Иш билан таъминланганлар, минг киши	Рўйхатга олинганлар таркибида иш билан таъминланганлар сони %	Ҳисобот даври охирига ишсизлар сони, минг киши
2000	421,4	280,6	66,6	35,4
2001	462,8	318,1	68,7	37,5
2002	448,2	322,2	71,9	34,8
2003	430,5	317,4	73,7	32,2
2004	425,0	323,7	76,2	34,8
2005	410,3	325,1	79,2	27,7

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш билан бандлик даражаси тубдан ўзгарди. Жумладан, 2005 йилда иш билан таъминланганларнинг -36,2 фоизи қишлоқ хўжалигига, -16,8 фоизи саноат корхоналарига, -5,1 фоизи қурилиш соҳасига йўналтирилди.

Мамлакатимиз меҳнат бозори 2005 йилда 220,5 минг кишини қамраб олди ҳамда меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган фуқароларнинг тўртдан уч қисми ёки 75 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келмоқда. Меҳнат биржасида жами рўйхатдан ўтган фуқароларнинг 78,0 фоизи ишга жойлаштирилган, ўтган йилнинг мос даврига 74,8 фоиз бўлган. Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ишга жойлаштириш даражаси 80 фоиздан юқори бўлмоқда. Ишга жойлаштириш даражасининг энг паст кўрсаткичлари Хоразм

²⁵ Ўзбекистон Иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. – Т.: 2006. - 89 б.

вилоятида 54,1 фоизни ва Қорақалпоғистон Республикасида 69,1 фоизни ташкил этмоқда.²⁶

Ҳозирги замон меҳнат муносабатлари ўзида давлатнинг таъсирини ҳам аниқ акс эттиради. Чунки, фақатгина бозор қонуниятлари асосида меҳнат муносабатларини ташкил этилиши, иш берувчи ва ишга ёлланувчи манфаатларини мувофиқлаштира олмайди. Шу боис давлатнинг қонунчилик фаолияти меҳнат муносабатларининг барча томонларини қамраб олади. У нафақат иқтисодиёт давлат секторининг ишчи кучига бўлган талабини билдиради, балки уни хусусий секторда ҳам тартибга солади, миллий иқтисодиёт миқёсида ишга ёллашнинг асосий ўлчамларини аниқлайди.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик бўйича нафақа, ҳар хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар) таъсир кўрсатади.²⁷ Бу дастурлар мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишда мукамал ишлаб чиқилган бўлиб, муайян аҳоли қатламининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга имкон бермоқда.

Тўртинчидан, касаба уюшмалар фаолиятига эътиборнинг ортиши. Касаба уюшмалар - ишчиларнинг ассоциациялари бўлиб, улар ўз аъзоларининг манфаатларини ифода этиш учун тузилган бўлиб, меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходим, ишга ёлланувчи ўртасида вужудга келадиган муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона (фирма) асосан фойдани максималлаштиришга интилади. Бу мақсадга учун иш берувчилар томонидан иш вақтини узайтириш, ишчилар сонини қисқартириш ва иш ҳақи миқдорини камайтиришга интилиш ортади. Бу шароитда касаба уюшмалар воситачилик вазифасини бажариб ишга ёлланувчи манфаатларини ҳимоя қилади. Бунда асосий эътиборни ишчиларга (ишга ёлланувчилар) қаратиш корхона манфаатларига ҳам мос келади, чунки уларни қониқтирадиган иш ва бу ишни бажариш учун

²⁶ Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.- Т.: ХМУ, 2006. - 33 б.

²⁷ Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: 2000. – 149 б.

барча нарсалар билан таъминланган меҳнат ресурсларигина корхона муваффақиятини кафолатлайди, унинг обрўсини оширади.

Касаба уюшмалари ходимларни меҳнат шароити ва муҳофазаси, меҳнат қилиш қобилиятини қайта тиклаш, ходимга моддий жиҳатдан ёрдам бериш чораларини кўради ҳамда амалга оширади. Чунки, меҳнат бозорларида ишчилар ўзларининг ишчи кучини касаба уюшмалар орқали жамоа бўлиб «сотади». Касаба уюшмалар нисбатан кўп сонли ишга ёлловчилар билан музокаралар олиб боради ва уларнинг асосий мақсади иш ҳақини ошириш, меҳнат учун белгиланган шароитларни яратиш билан бирга, зарурият бўлганда корхона (фирма) манфаатларини ҳам ҳимоя қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг меҳнат бозоридаги воситачилик роли ҳам меҳнат муносабатларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, давлат ўз зиммасига янги иш ўринларини яратиш ҳамда ишсизларни ишга жойлаштириш бўйича умуммиллий дастурларни ишлаб чиқиш вазифаларини олади. Ишчиларни ўқитиш ва касбий қайта тайёрлашнинг давлат тизими, бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослашишга имкон беради.

Бешинчидан, меҳнат муносабатлари мазмунида меҳнат ресурсларини ижтимоий ҳимоялаш механизмининг мавжудлиги. Аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги унда мавжуд шарт-шароитлар қанчалик даражада ҳисобга олинганлигига бевосита боғлиқдир. Бизнинг фикримизча, меҳнат муносабатлари жараёнида асрлар давомида қишлоқларда таркиб топган турмуш тарзи ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилиши керак.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикамиз аҳолисининг асосий қисмини қишлоқ жойларида яшаётганлиги ва қишлоқдаги оилаларнинг ўртача сони 7 гача эканлигини эътиборга олсак, асосий ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг кўпчилиги қишлоқларда яшаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Маълумки, қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларининг 70-90 фоизи бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд ҳисобланади, чунки қишлоқларимизда ҳозирча қайта ишлаш, саноат, кичик корхоналар ва ижтимоий соҳа объектларининг ривожланиш даражаси жуда пастдир. Шунингдек, соҳада мавсумий ишсизлик мавжуд бўлиб, бандлик мавсумий характерга эга. Иккинчи томондан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд кишиларнинг иш ҳақи даражаси иқтисодиёт тармоқлари ичида нисбатан кам (ўртача 25-45 фоиз) ҳисобланади.²⁸ Бу жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси паст бўлади демакдир.

Бугунги кунда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув, газ, ва ижтимоий соҳа объеклари билан таъминланиши ҳам талаб даража эмас. Бундай шароит қишлоқ аҳолисининг соғлиғи ва турмуш даражасида акс этади. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя объекти сифатида қараш эса республикамызда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида кўзда тутилган барча йўналишлар бўйича қишлоқ аҳолисини турмуш тарзи ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш заруриятини тақозо қилади ҳамда бу жиҳат меҳнат муносабатларини ҳам қамраб олади.

Юқорида таҳлил этилган омиллар биргаликдаги таъсирида меҳнат муносабатлари шаклланади. Меҳнат муносабатлари иш берувчилар билан ишга ёлланувчилар ўртасида тузиладиган шартномавий муносабатларда намоён бўлади. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида иқтисодиёт тармоқларида таркиб топаётган меҳнат муносабатлари эркин бозор тамойилларга таяниши ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ҳаётий аҳамиятга эга бўлиши лозим.

1.3. Аграр ислохотлар жараёнида меҳнат муносабатларининг шаклланиши ва янгилиниши

²⁸ Жўраев А.М., Ахмедов Д.К., Соатов Х.К. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш. - Т.: 1995. – 26 б.

Иқтисодий ислоҳотлар ўзининг шакли ва мазмуни бўйича иқтисодий субъектларни бир-бирлари ҳамда давлат билан муносабатларини ўзгартиришга қаратилган бўлса ҳам уларни реал самараси ходимни меҳнатга бўлган муносабати, хўжалик билан ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари қай тарзда ташкил этилганлиги ва амалда қандай бажарилиши билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ислоҳотлар орқали меҳнат муносабатларини ўзгариши, янгиланиши ва ривожланиш жараёни қонунлар таъсирида вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат муносабатларининг янгиланиши, бозор талабига мослашиш механизми давлат бошчилигида барпо этиладиган ва қонун билан мустаҳкамланадиган бозор шарт-шароитлари доирасидагина рўёбга чиқади. Бинобарин, бозор муносабатлари иқтисодий эркинликларга асослангани учун мулкчиликнинг барча шаклларида вужудга келадиган меҳнат муносабатларини ўзгартириш ҳамда янгилаш заруриятдир. Бусиз ислоҳотларни амалга оширишдан натижа кутиш бефойдадир.

Мулкчиликнинг барча шаклларида меҳнат муносабатларини янгиланиши билан боғлиқ бўлган қонунлар ўзаро боғланиши зарур. Шу боис янги қонунларни қабул қилиш, уларни таъсирчан қилиш орқали меҳнат муносабатларини ўзгартириш учун имконият яратилади. Буларсиз бозор муносабатлари тўла амал қила олмайди.

Бозор муносабатлари тизимида иқтисодий эркинликнинг муҳим таркибий қисми меҳнат қилиш эркинлиги ҳисобланади. Кенг маънода тадбиркорлик эркинлигини ҳам меҳнат қилиш эркинлигининг таркибий қисми деб қараш мумкин. Шунинг учун хўжалик юритиш турли шаклларида меҳнат муносабатларини янгиланиши ҳамда ривожланиши меҳнат фаолиятининг эркинлиги билан ҳам белгиланади. Ёлланиб меҳнат қилиш эса «Меҳнат кодексида» ҳукуқий жиҳатидан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан

ташқари, ёлланма характерда бўлмаган ёки ёлланиб ишловчи билан мулкдор ўртасидаги иқтисодий маъсулият умумийлиги хос ёки иқтисодий маъсулият ишловчининг тўла зиммасида бўлган холларда меҳнат муносабатлари тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида юридик қайд этилган.

Бозор иқтисодиётига ўтишда меҳнат муносабатларининг янгиланиши унинг ҳуқуқий пойдеворини барпо этишдан бошланди. Ҳуқуқий асос меҳнат муносабатларининг камол топиши, ривожланиши ҳамда янгиланиши учун хизмат қилади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида бозор муносабатларининг иқтисодий пойдевори яратилди. Шунингдек, қонунларнинг бутун бир тўплами ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва банк фаолияти, чет эл инвестициялари ва бошқа қонунлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига оид «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида» ҳамда «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги қонунлар мазкур соҳада катта ўзгаришларни бошлаб берди. Бу жараён аграр соҳадаги меҳнат муносабатларининг ўзгаришида қуйидагиларни қамраб олади:

1. Ишга қабул қилиш режали тақсимот асосида эмас, балки меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади. Ишсизлик деган категория тан олиниб, ишчилар ўртасида иш ўрни учун рақобат кучайди.

2. Ҳалол меҳнат билан бойлик орттириш имконияти вужудга келди. Дехқон ва фермер хўжаликларида тадбиркорлик эркинлиги ҳуқуқи кафолатланди.

3. Иш ҳақи ёки ишчи кучи баҳоси давлат томонидан эмас, бозор томонидан белгиланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматнинг бозори қанчалик чаққон бўлса, шунчалик ишчининг оладиган иш ҳақи юқори бўлади.

4. Мулкнинг барча турлари тенг ҳуқуқли эканлиги ва баб-баробар муҳофаза қилиниши эътироф этилди.

5. Ўтмишда ноаниқ бўлиб келган давлат мулк ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари аниқ бўлди, хусусийлаштириш оммавий тус олиб, мулкнинг давлат ихтиёрида бўлиш зарурати камайди. Деҳқонларни мулкдорга айланиши, унда меҳнат муносабатларини бозор талабига мослашиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бир сўз билан айтганда, деҳқон ҳуқуқини қонун даражасига кўтариш орқали меҳнат муносабатлари тамомила янгиланди. Деҳқон ўз ҳуқуқини, жамиятдаги ўрнини топди. Зеро, бу қонунлардан кўзланаётган мақсад ҳам шу. Чунки деҳқон оддий ёки шунчаки фуқаро эмас, аксинча мулкдор-ноз-неъмат яратувчидир. Деҳқоннинг бугунги кунда нафақат ҳуқуқи, меҳнатга муносабати, шунинг билан бирга қадр - қиймати ҳам юксалмоқда.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини ўзгариши, бозор талабларига мослашиш механизми, унга мос қонун қоидалар бирданига шакллантирилмай, аксинча босқичма-босқич амалга оширилади. Меҳнат муносабатларини ривожлантиришда мавжуд иқтисодий шарт-шароит ва воқелик тўлиқ ҳисобга олинади. Аграр соҳага жорий этилган қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий бўлиши зарур. Бунинг учун бозорни янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий таъминланишини мустаҳкамлаш мақсадида амалдаги қонунларни қўлланиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муттасил тўлдириб бориш, бозор муносабатларининг фаолият соҳасини кенгайтирувчи ва уларни мустаҳкамловчи янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш²⁹ ҳамда амалиётга тадбиқ этиш зарур. Шу боис аграр соҳани ислоҳ қилишга қаратилган қатор қонун ва фармонлар қабул қилинди. Жумладан, 1991 йил 19 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги қонуни жамиятнинг иқтисодий негизини белгилашда муҳим ўзгаришларни бошлашда дастлабки қадам бўлди.

Турли шакллардаги хўжалик юритиш усулларини амалиётга тадбиқ этилиши иқтисодиётнинг барча тармоқларида меҳнат муносабатларининг маъмурий буйруқбозлик исканжасидан холи бўлишига, ҳамда меҳнат

²⁹ Каримов И.А. Ҳзбекистон буюк келажак сари. – Т.: 1998. – 125 б.

фаолиятини ўзгаришига замин бўлди. Хусусий мулк ўзининг ҳуқуқий мақомини олди. Бу эса кишиларнинг меҳнатдан келадиган пировард натижани тўлиқ тасарруф этишга, тенглик ва эркинлик асосида меҳнат муносабатларини вужудга келтиришдаги даслабки қадам бўлди.

Ҳозирги вақтда хусусийлаштириш жараёни умуминсоний, умумдунё ходисаси бўлиб, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқдир. Жамиятда мулкдорлар синфининг вужудга келиши, кишилар онгида «меники» туйғусини қарор топиши, ишловчи ходимлар ўртасида юқори иш ҳақи, қулай меҳнат шароити, иш ўрнини эгаллаш борасидаги рақобат ҳамда рағбатлантириш тизимидаги маълум чеклашлар тугатилди. Жумладан, ишловчининг самарали меҳнатдан оладиган даромаднинг юқори чегарасини белгиловчи меъёр амалиётдан чиқариб ташланди.

1993 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни меҳнат фаолиятининг турли-туман бўлишини амалда таъминлади. Ушбу қонуннинг 5-моддасида турли мулк шакллари ва уларни тенг ҳуқуқлилиги, давлат томонидан муҳофаза этилиши кафолатланди, 7-моддасига кўра хусусий мулк фуқароларнинг ёлланиб ишлашидан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишидан олган даромадлари ҳамда кредит муассасаларига қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан келган даромадлардан, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ва кўпайиб боради.³⁰

Шундай қилиб, меҳнат муносабатларининг таркиби мазмунан янгиланишига йўл очилди. Иш ҳақи ва муайян меҳнат шарт-шароитини яратиш билан бирга, ходимнинг даромад олиш манбалари кенгайди, натижада аҳолининг турмуш тарзи яхшилана борди. Натижада, аграр секторда меҳнат ва унинг натижасига муносабат тубдан ўзгара бошлади.

³⁰ Ўзбекистон Республикасида «Мулкчилик тўғрисида» ги қонуни. – Т.: Адолат, 1994. - 6 б.

Буни воқеликка айланиши жуда мураккаб бўлиб, қуйидаги қийин муаммоларни ҳал этишни тақазо этди:

Биринчидан, қишлоқ аҳолисини шунчаки «ижрочи етиштирувчидан» ўз соҳасининг мустақил, билимдон, тадбиркорига айлантириш, ижодкорлигини ошириш орқали меҳнат муносабатларини юқори даражага кўтариш;

Иккинчидан, аҳоли турмуш шароитини яхшиланиб боришига эришиш;

Учинчидан, ижтимоий ҳаётини ўзгариши ва фаоллик даражасини орттириш ҳамда маънавиятни ошиб бориши.³¹

Шу асосда қишлоқда умуминсоний қадр-қиммат доирасидаги муносабатлар шаклланиб, меҳнат муносабатлари тизимига ўз таъсирини кўрсатади. Меҳнат муносабатларида яшаш учун «фақат эрта-ю кеч» меҳнат қилишнинг ўзи етарли эмаслигини, меҳнат қилишдан мақсад инсон сифатида яшашдан иборатлигига эътибор қаратилди.

Аграр ислохотлар таъсирида ўзгараётган барча жараёнлар жумладан, меҳнат муносабатлари ҳам фақатгина шунчаки меҳнат жараёнини эмас, аксинча унда инсон манфаатлари устуворлиги йўналишини ифода этиши зарур. Бу мақсадга босқичма-босқич иқтисодий ислохотлар орқали эришила бошланди. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида меҳнат муносабатлар тизимида қуйидаги натижаларга эришилди:

1. Фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқати доираси кенгайди ва меҳнат жараёнидаги турли чеклашлардан озод бўлди.

2. Меҳнат муносабатлари тизимида хусусий мулк асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ишловчининг нафақат меҳнатнинг оддий ижрочисига, балки ижодкорига айлантириш имконияти яратилди.

3. Ишловчи ва иш берувчи, касаба уюшмалар ўртасида муносабатларнинг шаклланишида инсон, инсон манфаатларига бош мезон сифатида қарала бошланди.

³¹ Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. – Т.: Шарқ, 1998. – 18 б.

4. Хусусий мулк эгаси-мулкдор, ёлланма меҳнатни жалб қилиш ёки ижарага бериш йўли билан даромад олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мамлакатимизда 1994 йил 23 февралда қабул қилинган «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Фармон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳада меҳнат муносабатларини ривожлантиришдаги айрим муаммоларни ҳал этишнинг асоси бўлди. Хусусийлаштирилган фермалар ва фермер хўжаликларга иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш, ишловчиларда меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартириш учун чоралар кўрилди. Жумладан, деҳқон хўжаликларга шартли ҳар бир бош чорва моли ҳисобига 0,3 гектардан, айрим ҳудудларда 0,45 гектардан, лалмикор ерларда эса 2 гектардан ер берилди.

Мустақиллик йилларида аграр секторда меҳнат муносабатларини такомиллашиб бориш, мулкдорлар қатламини шакллантириш, айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш аграр ислоҳотларнинг асосий йўналиши бўлди. Бироқ, хусусий мулкчилик шаклланаётган иқтисодий муносабатлар ва бозордаги талаб ва таклиф талабларига мувофиқ аграр секторни ривожлантиришнинг янада такомиллаштириш зарурияти юзага келди. Нимагаки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш амалиёти ва мақсадларидан унинг ҳуқуқий жиҳатларини ривожланиши, эркин бозор муносабатларини меҳнат муносабатлари тавсифига чуқурроқ сингдириш ҳамда янгилаш жараёни орқада қола бошлади. Шу боис ислоҳотларнинг иккинчи босқичида энг муҳим вазифалардан бири - ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиши ҳамда қобилияти ва имкониятлари ҳар бир киши фаровонлигини манбаи эканлиги белгиланди.

Бу масаланинг жиддий эканлигига Президентимиз эътибор қаратиб, қуйидагиларни таъкидлаганлар: «Барча ислоҳотларнинг-иқтисодий,

демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат».³²

Мамлакатимизда Олий Мажлиснинг 1998 йилги X сессиясида қабул қилинган Ер кодекси, қишлоқ хўжалиги кооперативи, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги бир қатор қонунлар қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни ерга эгалик қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва оила пудратчиларга ер бериш тартиби ва уларнинг мажбуриятларини белгилаб берди. Зеро, соҳада меҳнат предмети ер экан, уни асраш, унумдорлигини ошириб бориш орқали иқтисодий ўсишга эришиш меҳнат муносабатларининг муҳим талабларидан биридир. Шунинг учун Ер кодексининг 79 ҳамда 82-моддаларида ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қилинди.

Қишлоқ хўжалигидаги йирик товар ишлаб чиқариш, пахтачилик, ғаллачилик ишлаб чиқариш-ер участкаларига доимий эгалик қиладиган ҳамда ундан белгиланган мақсадга қатъий мувофиқ тарзда фойдаланадиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (шirkатлар) томонидан амалга оширилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш фермер хўжаликлари томонидан, майда ишлаб чиқариш бир умрга мерос тариқасида эгалик қилиш ҳуқуқи билан бериб қўйилган деҳқон хўжаликлари томонидан олиб борилиши белгилаб берилди.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишни учта шакли - асосий хўжалик юритиш усули сифатида эътироф этилиб, соҳадаги меҳнат муносабатлари шунга мос равишда қуйидагича янгиланди ва ривожлантирилди.

Ер кодексининг 24-моддаси ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга қаратилган. Бунда ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини ижарага бериш таъқиқланади. Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

³² Каримов И.А. Ҳзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ҳзбекистон, 1995. - 119 б.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар эллик йилгача бўлган, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўзда тутилдики, бу ерни ардоқлаган инсонлар учун катта имконият бўлди. Бинобарин, юқоридагиларни тўлдирган ҳолда бизнингча, Ер кодексига қуйидаги ўзгартиришларни киритиш зарур:

Биринчидан, бозор муносабатлари ерни гаровга қўйиш, тадбиркорлик объекти бўлиши ва товарга айланиши учун қулай вазиятни шакллантирмоқда;

Иккинчидан, ернинг ҳосилдорлиги ва экологик вазият ёмонлашувига олиб келадиган усуллардан фойдаланилганда ижарачига ернинг асл ҳолатига тиклаш (ёки жарима) талабини қўйиш зарур;

Учинчидан, ер эгаси ва ундан фойдаланувчи ер участкасини хўжалик юритиш ва тадбиркорлик фаолияти учун гаровга қўйганда имтиёзли кредитлар бериш керак.

Бундай ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини амалга оширишда бозор тамойилларини, иқтисодий эркинлик ва иқтисодий маъсулиятни кенгроқ жорий этишга имкон беради. Деҳқонларни янада самарали меҳнат қилишлари учун шароитлар яратиш мақсадида агросаноат мажмуини ислоҳ қилишни давом эттириш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил этиш ҳамда улар фаолияти тамойиллари ва механизмлари тизимини қайта кўриб чиқишни талаб этди. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши меҳнат муносабатларидаги ўзгаришларни тезлаштирди. Хусусан, қишлоқ аҳолисини ерга, меҳнатга ҳамда ундан келадиган даромадга муносабати ўзгарди. Меҳнат фаолиятида иштирок этиш ишловчининг хоҳиши эканлиги, меҳнатни ташкил этиш оила пудрати асосида ҳамда яқуний фойда мулкый пайларга мувофиқ тақсимланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қонуннинг 22-моддасида қишлоқ хўжалиги кооперативларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва тартибга солиниши батафсил ёритилган. Унга кўра қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) низомда

белгиланган вазифаларни бажариш учун кооператив аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси бўйича ишга жалб этиши мумкин. Ширкат хўжалиги аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ҳамда оила (жамоа) пудратига мувофиқ мустақил равишда белгилайди. Хўжалик аъзоларига мулкӣ пайлар бўйича тўланган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига киритилмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги бўйича белгиланган нормалар ва қоидаларга, ишлаб чиқариш гигиенасига риоя этилишига эътибор берилга бошланди. Маълумки, қишлоқ хўжалиги кооперативида аъзоларини ижтимоӣ таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ширкат хўжалиги аъзолари ва унда меҳнат қилиш шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг шунингдек, улар оилаларининг маданий маиший турмуш шароитларини яхшилаш, уларни саломатлигини мустаҳкамлашга оид тадбирларни хўжалик томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди.

Демак, юқоридаги меҳнат муносабатлари борасида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат) меҳнат муносабатлари ихтиёрийлик асосида шаклланади;
- қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, унинг аъзоларининг меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (бажарилган иши) ҳажмига, сифатига қараб ҳақ тўланади;
- бошқарув жараёнида ҳуқуқлар тенглиги асосида сайлаш ва сайланишда иштирок этади;
- давлатнинг «боқувчилик» фаолияти тугатилиб, хўжалик аъзосининг даромади якуний фойдадан улуш олиш ҳамда мулкӣ пайларидан келадиган дивиденд (даромад) ҳисобига ташкил топади;

- ходимнинг иш ҳақи миқдори чегараланмайди, ишга қабул этиш меҳнат шартномаси тузиш амалга оширилади. Унда томонларни меҳнатга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ ифодаланади.

Бугунги кунда сурункали зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликлари тугатилаётган бўлиб, уларда деҳқончилик тажрибасига эга бўлган ходимларни фермер хўжаликларига жалб этиш, уларга барча шароитларни яратиш, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда ўтиш даврида вужудга келган хусусий мулкчилик шаклларида бири-фермер хўжалигидир. «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонун ҳар бир агробизнес билан шуғулланувчи тадбиркор фаолияти ҳамда имкониятига катта йўл очиб беради. Қонунда фермерларнинг жамиятнинг энг ишончли, фаол аъзоси сифатида фаолияти ҳуқуқий жиҳатидан мустаҳкамланади. Ушбу қонун фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларда меҳнат муносабатлари, фаолияти, қайта ташкил этиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди, юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган муносабатларни тартибга солади.

Мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлган фермер хўжалиги мустақил равишда ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибини белгилайди, ишлаб чиқарган маҳсулотини хоҳлаган бозорга, корхонага, шахсга сотиш ҳуқуқига эга. Ўз иш фаолиятида давлат томонидан қабул қилинган барча қонунлар, қарорлар ва кўрсатмаларга риоя қилмоғи зарур ва мажбур. Фермер хўжалигини ташкил этиш қонунга кўра қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

1. Фермер хўжалиги меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ҳудудларда танлов асосида ташкил этилади ва фаолият йўналишини ишлаб чиқариш тузилмасини ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

2. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари камида 30 шартли бош чорва молга эга бўлиши керак.

3. Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ижара учун бериладиган ернинг энг кам миқдори 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик экин турлари учун 2 гектарни ташкил этиш керак.

4. Фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер мерос бўйича ўтиши шарти билан 10 йилдан 50 йилгача муддатга ижарага берилиши керак.

Қонуннинг 5-боб 24-моддаси меҳнат муносабатларига қаратилгандир.³³ Жумладан, хўжаликнинг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади, мавсумий ишларни бажаришга шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилади. Меҳнат шартномасини тузиш тартиби қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиниб, тартиби меҳнат кодекси талабларидан келиб чиқади. Фермер хўжалиги бошлиғи хўжалик аъзоларининг ва хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритади. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, томонларни розилиги билан пул тарзда ҳам натура шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахс хўжалик мол-мулкига фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан пул ёки бошқа хил улушни киритишга ҳамда қўшган улушига мутаносиб равишда хўжалик даромади (фойдаси) тақсимотида қатнашишга ҳақлидир.

Хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилади, суғурта бўйича бадаллар тўлангандан сўнг ишланган вақт меҳнат стажига қўшилади. Фермер хўжаликларидаги меҳнат муносабатларини эркин бозор муносабатлари нуқтаи назаридан ривожлантириб бориш керак бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, қонунда меҳнат муносабатларининг айрим жиҳатлари аниқ ёритилмаган. Шунинг учун қонуннинг бандлари ёки моддаларига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

³³ Ҳзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуни. Ҳзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси. Т.: 1998. - 96-97 б.

Биринчидан, фермер хўжалигида шартнома билан ишлаётган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар оилаларининг маданий турмуш шароитларини яхшилаш;

Иккинчидан, меҳнат фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида шартнома асосида ишлаётган шахсларга иш натижасига қараб қўшимча ҳақ тўлаш, мукофот, ўқитиш ёки малакасини ошириш борасида чора тадбирлар;

Учинчидан, меҳнат шартномасини, меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини, давлат ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш зарур.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларда нафақат меҳнат муносабатларини, балки уни техника билан таъминлашда, имтиёзли кредитлар бериш, ноқулай (иқлим, рельеф, бозор) шарт-шароитларда давлатнинг ёрдами жуда зарур. Бу турли тараққиёт босқичида турган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига нисбатан давлат сиёсатида ҳисобга олиниши лозим йўналишдир.³⁴ Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни сотиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, ҳамда кўмаклашади. Чунки, фермерлар аҳолини озиқ - овқат билан, саноатни хом-ашё билан таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Аграр соҳада майда товар хўжалиги деҳқон хўжалиги бўлиб оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва сотади. Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда хўжалик аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этилган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас. Таъкидлаш

³⁴ Кэмпбелл Р., Макконнелл, Стенли А., Брю. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. - Т2. Республика, 1992.- 267 стр.

жоизки, айрим даврларда, хусусан, 50-60 йилларда деҳқон хўжаликларига (ёрдамчи хўжалик) салбий муносабат устунлик қилди, ҳатто уларни тугатиш масаласи ўртага ташланди. Шаҳар аҳолиси каби қишлоқ аҳолиси ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини деҳқон хўжаликлари орқали эмас, балки колхоз ва совхозлар орқали қондириш зарур, деб кўрсатма берилди. Оқибатда ёрдамчи хўжаликлар сони ҳам улар етиштирган ва деҳқон бозорига чиқарган маҳсулотлар миқдори ҳам, тури ҳам камайиб кетди.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуннинг 5-боб 20-моддасида деҳқон хўжаликларидаги меҳнат муносабатларини моҳияти баён этилган. Қонунга кўра: «Деҳқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Деҳқон хўжалигидаги муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин».

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонунни 1-моддасида ёлланма меҳнатдан доимий фойдаланиш мумкин эмаслиги айтилади. Бизнинг фикримизча, ёлланма меҳнатдан амалдаги меҳнат муносабати талаблари тўлиқ бажарилган ҳолда фойдаланиши меҳнат кодекси шартларидан ташқарида бўлмай, бозор муносабатлари талабларига жавоб беради.

Бунда деҳқон хўжалигининг аъзолари деҳқон хўжалиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда бадаллар тўланган тақдирда давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказиши керак.

Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб бораётган деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнат фаолияти ҳисобини деҳқон хўжалиги бошлиғи юритади. Бироқ, кўплаб деҳқон хўжаликларида норасмий меҳнат муносабатлари вужудга келиб, ижтимоий суғурта бадаллари тўланмай қолмоқда. Деҳқон хўжалиги аъзолари ижтимоий суғурта бадалларини тўлаб борсалар белгиланган тартибда меҳнат стажи ҳисобланади. Деҳқон хўжаликларидаги меҳнат муносабатларини ривожлантиришда, унинг

иқтисодиётдаги мавқеини оширишда бизнингча қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Деҳқон хўжаликларида доимий ёки мавсумий даврларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва қонун билан мустаҳкамлаш зарур. Чунки, амалиётда деҳқон хўжаликларида ёлланма меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги меҳнат муносабатлари оғзаки келишувлар асосида ташкил этилмоқда.

2. Деҳқон хўжаликлари ер майдонларини унинг иш тажрибаси, эришган иқтисодий кўрсаткич ва натижаларидан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш лозим. Чунки, деҳқон хўжаликлари ўз ер майдонларидан юқори даромад олишга интилиб бозорлар мўл-кўллигини таъминлайдилар. Бу эса келажакда деҳқон хўжаликларини фермер хўжаликларига айланишига амалий асос бўлади.

3. Деҳқон хўжаликларига қисқа муддатли, имтиёзли кредитлар бериш усулларини соддалаштириш, уларни ривожлантиришга давлат томонидан ёрдам бериш.

4. Хўжаликда етиштирилган маҳсулотларни фақатгина ички бозордагина эмас, балки уларнинг фаолиятини муайян тартиблар асосида маҳсулот сифатини, турини эркинлаштириш ҳамда деҳқон хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқарадиган уюшмалар тузиш мақсадга мувофиқдир.

Бу чора-тадбирлар ёлланма меҳнатдан фойдаланишда иш берувчи ва ишга ёлланувчи манфаатларини янада аниқлаштиради. ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, меҳнат ресурслари хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар бажарилган меҳнатдан манфаатдор бўлганда, иш вақтидан унумли фойдаланади, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб корхона (фирма) нинг юқори фойдага эга бўлишига ёрдам беради.

2-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

2.1. Хўжалик юритиш шаклларида меҳнат муносабатларининг асосий хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти тизимида кишиларнинг асосий мақсади ўзининг турмуш шароитини яхшилаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришдан иборат. Шу мақсадни кўзлаган ҳолда чекланган ресурслар доирасида илғор хўжалик юритиш шакллари ташкил қилинади, иқтисодиёт таркибида нодавлат сектори улушига, ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлигига эътибор ортади. Хўжалик юритиш шаклларида қайси бирини танлаш, ўз мол-мулкини қандай тарзда ишлатиш мулкдорларни ихтиёрига, хоҳишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида иқтисодий фаолият эркинлигининг асосини ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган товарларнинг тасарруф этиш ва меҳнатнинг ихтиёрийлиги, мулкдорларнинг эса мустақилликка эга бўлиши ташкил этади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида шартнома тузиш эркинлигини, шартномадан четлаштириш эркинлигини ҳам ўзида мужассамлаштиради, яъни бозор шароитида имконият даражасида тадбиркор томонидан ишловчи меҳнат қилишга, шартнома тузишга мажбур қилинмайди.³⁵

Собиқ социалистик жамиятда расмий равишда ишсизлик бўлмасди, чунки ишчи кучи режа асосида тақсимланиб туриларди, Меҳнат муносабатлари жамиятдаги синфийликнинг асоси сифатида қаралган, ҳамда жамият аъзолари мулкдан бегоналаштирилган. Аҳоли турмуш даражаси марказдан туриб даромадларни бир хил тақсимлаш орқали олдиндан белгилаб қўйилган. Ижтимоий соҳа хизматлари эса чегараланиб чеклаб қўйилган эди.

Бугунги кунда аграр секторда амалга оширилган ислохотлар қишлоқларда мулкдорлар синфини қарор топтириш, уларнинг мулкый ҳуқуқларини том маънода тиклаш ва ҳимоя қилишга имконият яратди. Айниқса, хусусий фермер ва деҳқон хўжаликлари сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда 2005 йилга келиб, 126 мингдан зиёд фермер ва 1,541 млн. оилавий деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кўпаймоқда. Агар 2002 йилда фермер хўжаликлари ҳиссаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажмида 10 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йил 1 январь ҳолатига 24,5 фоизни ташкил этди (2.3 – расм).

Хўжалик юритишнинг синалган, бозорга тез мослаша оладиган шакли бўлган, умрбод ер эгалиги ҳуқуқи берилган деҳқонлар хўжалигини ривожлантиришга ҳам янада қулайроқ шароит яратилди. Хўжалик


³⁵ Ички хўжалик шартномаларни тузиш юзасидан тавсиялар. – Т.: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, 2000. – 14 б.

юритишнинг синалган, бозорга тез мослаша оладиган шакли бўлган, умрбод ер эгалиги ҳуқуқи берилган деҳқонлар хўжалигини ривожлантиришга ҳам янада қулайроқ шароит яратилди. Деҳқон товар хўжалиги эгалари юқорида қайд этганимиздек, ўзлари етиштирган маҳсулотнинг эгаси ҳисобланади ва уни ўз ихтиёрига кўра ички эҳтиёжи учун ёки товар шаклида ижтимоий эҳтиёжини қондириш учун фойдаланади. Шу боис унинг ялпи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси йил сайин ортмоқда.

2.3 - расм

Хўжалик юритишнинг турли шаклларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш³⁶

(умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Бунинг натижасида, биринчидан, деҳқон товар хўжаликлари ҳисобига қишлоқ аҳолисининг пул даромадлари сезиларли даражада салмоқли бўлмоқда. Иккинчидан, бундай хўжаликларда асосан мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириб, уларни қайта ишлаш имкониятлари кенгаймоқда. Учинчидан, иқтисодиётни ривожлантириш учун талаб этилаётган катта миқдордаги сармояни топиш имкониятлари чекланган

³⁶ Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003 год. №4, 2004. – 46 б; Ҳзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2005. – «Ҳзбекистон», Т.: 2006 й. - 77 б; Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

ҳозирги шароитда деҳқон товар хўжалиги алоҳида молиявий ҳаракатларсиз юқори иқтисодий самарага эришиш имкони вужудга келмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг салмоқли қисмини етиштирувчи ширкат хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлда қабул қилган «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 299-сонли қарорига асосан мавжуд барча турдаги жамоа хўжаликлари ўрнида тузилган эди. Бундан асосий мақсад қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни мулк эгаси қилиш, яъни жамоа хўжалигининг жами мулкани иш стажи, малакаси ва иш ҳақларини ҳисобга олган ҳолда улушларга, яъни пайларга бўлиш ва пайчиларнинг хусусий мулки асосида хўжалик юритиш механизмини жорий қилишдан иборат эди. Бироқ, амалиётда кўплаб ширкат хўжаликлардаги меҳнат унумдорлиги пастлигича қолди. Меҳнатга муносабат, бошқарув тизими ўзгармади. Жумладан, 1991 йилда гектаридан 30,7 центнер пахта ҳосили олинган бўлса, 1997 йилга келиб 28,8 центнерга тушди.

Республикаимизда 2001 йилга келиб пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 23 центнерни ташкил этди. 2001 йил якунлари бўйича республика бўйича 120 минг 500 гектар ерда пахта ҳосилдорлиги ўртача 10 центнердан ошмади. Шу боисдан сурункали зарар билан ишлаётган, рентабеллиги паст ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. (4-илова) Чунки, ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ширкат хўжалигига нисбатан меҳнат унумдорлигини 15-20 фоизга ошириб, сарф-харажатларни 20-25 фоизга қисқартиришига эришмоқдалар. Жумладан, Бухоро вилояти фермерлар хўжаликларида ўртача 2001 йилда 1 центнер пахта етиштириш учун 37,4 киши-соати сарфланган бўлса, 2004 йилда 29,4 киши-соати, 2005 йилда 29,1 киши-соатини ташкил этиб, 2001 йилдагига нисбатан 8,3 киши-соатига қисқартириш ёки 1,2 киши кун иқтисод

қилдилар.³⁷ Пировардида, аграр соҳа ялпи маҳсулотини ортишига имконият яратилди. Маълумки, аграр секторда шаклланадиган меҳнат муносабатлари негизида унумли меҳнат жараёнида амалга ошадиган иқтисодий муносабатларни хўжалик билан пудратчи, фермер билан унинг ходимлари ўртасидаги социал-иқтисодий масалалар ташкил этади. Ишга ёлланувчининг ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиши, унинг самарадорлигини ошириши, рағбатлантириш тизими, меҳнат натижаларини тасарруф қилиш, меҳнат шарт-шароитлари юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар ички хўжалик ва меҳнат шартномаларида аниқлаштирилади. Бунда томонларнинг иқтисодий эркинлиги ва уни таъмин этиш меҳнат муносабатларини янгиланишидаги асосий талабларидан биридир.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари аграр соҳада меҳнат муносабатлари қандай ўзгараётганлигини ва унга боғлиқ омиллар таъсирини ўрганиш мақсадида 2003 йил Наманган вилоятида социологик тадқиқот ўтказдик. Респондентларнинг сони 1500 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 1000 таси оила пудратчилар, 500 таси фермер хўжалигида шартнома асосида ишлаётган аъзоларни ташкил этди (2.2 – жадвал).

Ўтказилган социологик сўровларда «Аҳоли зич жойлашган кишлоқлардаги ширкат ва фермер хўжаликларда меҳнатга муносабат қандай хусусиятга эга?» - деб сўралганда, респондентларнинг 33 фоизи-иш ўрни учун кураш сезилаётганлигини, 47 фоизи-оилани боқиш учунгина шу соҳада ишлашини, 11 фоизи-кишлоқларда саноат корхоналари барпо қилинса ўз иш жойини ўзгартиришини, 9 фоизи-йиллик режаларни бажаришга интилишларини эътироф этганлар.

2.2-жадвал

Меҳнат муносабатларининг такомиллашувига таъсир этувчи омилларнинг гуруҳланиши³⁸

№	Таъсир қилувчи омиллар	Киши ҳисобида	%	Оила пудратчилар	%	Фермер хўжалиги	%
---	------------------------	---------------	---	------------------	---	-----------------	---

³⁷ Кишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

³⁸ Муаллиф томонидан социологик тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

			ҳисобида		ҳисобида	аъзолари	ҳисобида
1	Иш ҳақи	923	61,5	594	59,4	329	65,8
2	Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш	338	22,6	251	25,1	87	17,4
3	Меҳнат шароити ва меҳнат интизоми	126	8,4	98	9,8	28	5,6
4	Ижтимоий ҳимоя	113	7,5	57	5,7	56	11,2
Жами		1500	100	1000	100	500	100

Социологик сўровлар кўрсатишича, пудратчиларнинг 59,4 фоизи ва фермер хўжалиги аъзоларининг 65,8 фоизи меҳнатда иштирок этишнинг бош омилини иш ҳақи деб биладилар. Меҳнат шароити ва меҳнат интизоми оила пудратчиларнинг 9,8 фоизи ва фермер хўжалиги аъзоларининг 5,6 фоизи учун устувор омил бўлиб майдонга чиқмоқда. Фермер хўжалиги аъзолари оила пудратчиларга нисбатан ижтимоий ҳимоя омилига кўпроқ баҳо берганлар.

Аграр соҳа хўжаликларида меҳнат муносабатлари ишлаб чиқаришда ўзаро тузиладиган ички шартномалар орқали намоён бўлади. Шу ўринда «шартнома» сўзини моҳиятига эътибор берилса, «шарт» бажарилиши шарт бўлган бандлар мажмуини англатади. Меҳнат муносабатлари ишлаб чиқариш, тақсимот, истеъмол босқичларида ўзининг муайян кўринишларини намоён қилади ва ўзаро боғлиқ равишда амал қилади. Социологик тадқиқотда (1000 нафар оила пудратчи) «Оилангиз фаровонлигини яхшиланишида ички хўжалик шартномаларини аҳамияти қай даражада?» - деб сўралганда, респондентларнинг 44 фоизи - ички хўжалик шартномаларига ишончи юқори эканлигини эътироф этганлар. Шу билан бирга, респондентларнинг 17 фоизи - салбий жавоб бўлган, 12 фоизи - ички шартномалар хўжалик раҳбарияти томонидан бузилишини, 20 фоизи - ички меҳнат шартномаларни аҳамияти ортиб бораётганлигини, 7 - фоизи умуман жавоб беришни истамадилар.

Тадқиқотлар аграр соҳа тармоқлари бўйича меҳнат муносабатларида муайян тавофут мавжудлигини кўрсатди.

2.3-жадвал

Аграр соҳа тармоқларида меҳнат муносабатларининг такомиллашувига олиб келувчи омилларнинг фарқланиши³⁹

ТҒР.	Таъсир этувчи омиллар	Пахтачилик		Ғаллачилик		Ж. респон дентла р	% хисобида
		респон- дентлар	% хисобида	респон- дентлар	% хисобида		
1	Иш ҳақи	448	60,0	330	44	778	52
2	Меҳнатни моддий рағбатлантириш	157	21,0	189	25,2	346	23
3	Меҳнат шароити ва меҳнат интизоми	49	6,0,0	106	14,1	155	10
4	Ижтимоий ҳимоя	60	8,0	100	13,3	160	11
Жавоб бермаганлар		36	5,0	25	3,4	61	4
Жаъми		750	100	750	100	1500	100

Жадвалдан кўринадикки, меҳнат муносабатларидаги иш ҳақи омили пахтачиликда 60,0 фоизни ғаллачиликда 44 фоизни ташкил этмоқда. Бу тавофут ғаллачилик билан банд бўлганларда ғалладан бўшаган майдонларда кузги экин экишга интилишнинг юқорилиги билан тавсифланади.

Ўтказилган социологик тадқиқот натижалари аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда қуйидаги муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатди:

1. Кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган, хўжалик йилини узлуксиз фойда билан яқунлаётган ширкат хўжаликларида ижтимоий шерикчилик асосида қарор топган меҳнат муносабатлари сақлаб қолинган бўлсада, пудратчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлар бугунги кун талабларига жавоб бермайди;

2. Аҳоли зич ҳудудлардаги хўжаликларда ҳар бир иш ўрни учун рақобат вужудга келмоқда. Меҳнат ресурсларини аграр соҳадан бошқа тармоқларга

³⁹ Муаллиф томонидан социологик тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

ўтиши кузатилсада, иш ўринлари етишмайди, яширин ишсизлик ортиб бормоқда;

3. Пудратчи ва фермер хўжалиги фаолиятида меҳнат ва хўжалик шартномаларга эътибор талаб даражасида эмас. Ёлланиб меҳнат қилувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўла қонун даражасига кўтарилмаган. Бу борада ислохотлар секинлик билан бормоқда;

4. Фермерларнинг иқтисодий билимлари етарли эмас, меҳнатни ташкил этиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда юзакичиликка йўл қўйилмоқда. Бу масалаларни тезроқ бартараф этиш, соҳада меҳнат унумдорлигини ортишига олиб келади.

Меҳнат муносабатлари қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ва хўжалик шартномаларида намоён бўлади. Ширкат хўжаликларида хўжалик аъзоларини иқтисодий маъсулияти, улар манфаатлари хўжалик (оила пудрати) шартномасида ифодаланади. Ушбу келишувга мувофиқ шартнома тузган шахсларнинг меҳнат муносабатлари юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади, ўзгаради ёхуд бекор бўлади. Шартномада белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир, чунки бир тарафнинг ҳуқуқи иккинчи тарафнинг мажбуриятини вужудга келтиради ёки аксинча. Меҳнат шартномаларида эса меҳнатга оид муносабатлар (меҳнат интизоми ва шароити, ижтимоий ҳимоя ва ҳаказо) белгиланади.

Шартномавий муносабатларнинг муҳим жиҳати-шундан иборатки, у деҳқонда иқтисодий фикрни ривожланишига имкон беради, меҳнатга муносабатни ўзгартиради. Бундан ташқари, кўзга кўринмаган рақобатлашиш механизми ҳам намоён бўлади. «Мен сендан камми» - деган «мен» айнан ишлаш, ҳосилу даромадни кўз-кўз қилиш жараёнида пайдо бўлиб, ҳеч бир ташвиқотсиз ривожланишга кучли таъсир қилади.

Ишлаб чиқариш омиллари ичида меҳнат ресурслари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат ишлаб чиқарувчи балки, ўз навбатида, истеъмолчи ҳамда онгли равишда самарали меҳнат қилувчи иқтисодий потенциалдир.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар манфаатларини юзага чиқариш ва ҳимоя қилиш, уларни соғломлаштириш масканларига юборишда касаба уюшмаларнинг роли беқиёсдир. Касаба уюшмалар фаолияти, унинг фаоллиги турли хўжалик юритиш шаклларида меҳнат муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли улар фаолиятига 2001 йилда 1893 млн. сўм, 2005 йилда 423 млн. сўм ажратилди.⁴⁰ Бироқ, бугунги кунда касаба уюшмалари ўзларига юкланган вазифаларни самарали адо этмоқдалар дейиш қийин. Улар фаолияти учун ажратилган молиявий ажратмалар йирик миқдорни ташкил этсада, унинг меҳнат унумдорлигини ортиши, меҳнатга муносабатни ўзгаришидаги самарадорлиги, таъсирчанлиги паст, айрим ҳолатларда хўжалик аъзолари касаба уюшмалар фаолияти мавжудлигини умуман билмайди. Ваҳоланки, пудратчилар манфаатини, уларни турмуш тарзини яхшилашда касаба уюшмалар асосий суянчиқ бўлиши керак.

Ўтказилган социологик сўровномада «Касаба уюшмалар фаолиятини яхшиланиши хўжалигингизда меҳнат унумдорлигини ўсишига таъсир қиладими?» - деб сўралганда, респондентларнинг 43 фоизи меҳнат унумдорлигини ортишига сезиларли таъсир кўрсатишини, 25 фоиз респондент қисман таъсир кўрсатишини, 20 фоизи меҳнат унумдорлиги ўзгармаслигини, 12 фоиз респондентлар эса умуман жавоб бермаганлар. Жаҳон тажрибасига кўра, қишлоқ хўжалигида касаба уюшмалар фаолиятини яхшилаш фақатгина ривожланаётган давлатлардагина бўлмай, балки, илғор ривожланган давлатлар аграр соҳасида муҳим ўрин эгалламоқда. Чунки, ишга ёлланувчи манфаатларини юзага чиқариш, ижтимоий ҳимоялаш иш берувчи истакларига ҳар доим ҳам мос келавермаслиги аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларни ҳам қамраб олгурди.

Аграр секторда касаба уюшмаларнинг фаолиятининг сустлашиши, ишловчилар меҳнат шароити ва манфаатига бефарқлик меҳнат

⁴⁰ Ҳзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисобланган.

унумдорлигига салбий таъсир этмоқда. Маълумки, қаерда меҳнат шароити яхши ташкил этилган бўлса, инсонларнинг саломатлиги ва иш қобилияти юқори даражада бўлади. Бу ўз-ўзидан меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига олиб келиши табиий. Шу боисдан меҳнат шароитини яхшилаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бироқ, аграр соҳада қўл меҳнатининг юқорилиги, механизациялаштиришни суствлиги ва ноқулай меҳнат шароити сақланиб қолмоқда. Жумладан, қўл меҳнатининг ҳиссаси қурилишда 59,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида 85 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Ноқулай бўлган шароитларида хотин - қизлар меҳнатининг салмоғи анча катта. Оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлганларнинг енгил ва озиқ - овқат саноатида 50 фоизга яқинини, қурилишда 26 фоизни, қишлоқ хўжалигининг полизчилик, боғдорчилик тармоқларида, пахтага ишлов беришда 90 фоизни хотин - қизлар меҳнати ташкил қилмоқда. Бундай меҳнат турларидан ташқари халқ хўжалигида инсон учун зарарли ва кишини ақлий, жисмоний жиҳатдан чарчатадиган, асабга тегадиган бир маромдаги меҳнат турлари санитария-гигиена нормаларига мувофиқ бўлмаган меҳнат шароитлари мавжуд.⁴¹

Республикамизнинг мустақилликка эришганлиги туфайли, турмуш мезонларига, меҳнат шароитига бўлган муносабат, қарашлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўзгармоқда. Шундай экан, касаба уюшмалар ходимлар манфаатини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилоти сифатида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

- иш ҳақининг меҳнатга ундовчи родини кучайтиришга, унумдор ва сифатли меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни яратишга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этишга кўмаклашиш;

- меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида асоссиз табақаланиш ва камситишларни бартараф этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга

⁴¹ Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. – Т.: Шарқ. 1998. - 79 б.

кўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш йўли билан иш ҳақининг кафолатланган қисмини ошириш, бир хил қийматдаги меҳнат учун ходимларни тенг рағбатлантириш тамойилига риоя этиш мақсадларига эришиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ ва локал ҳужжатларни касаба уюшмалар билан келишиб олиш тамойилидан самарали фойдаланиш;

- иш ҳақини ўз вақтида тўланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш учун барча қонуний чора-тадбирларни кўриш;

- меҳнат шартномаларини тузиш ва амалга оширишни назорат қилиш;

- жамоа музокаралари жараёнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам соатбай миқдорларини, ишларнинг технологик турлари бўйича ишчилар учун кўпайтирувчи тармоқ коэффициентларини ўрнатишдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалар фаолияти, тақсимот муносабатлари ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш тизими билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Чунки, меҳнаткашлар фаолиятини рағбатлантириш тизими бу ишлаб чиқаришни самарали ривожлантиришни асосий шarti ҳисобланади. Бу ўринда аграр соҳанинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ажралиб турадиган ўзига хос жиҳати - пудратчи, хўжалик ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Рағбатлантиришнинг аниқ меҳнат билан ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги ва унинг ишлаб чиқариш жараёнига ҳамда меҳнаткашларни ҳаёт кечириш даражасига таъсири натижасида рағбатлантириш нафақат иқтисодий, моддий омил сифатида, шунингдек ижтимоий омил сифатида ҳам намоён бўлади.

Ижтимоий ва иқтисодий рағбатлантиришлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, моддий рағбатлантириш масаласини ҳал қилиниши, бу ижтимоий рағбатлантириш масаласини ҳал этилишидан иборат. Шунинг учун одамнинг ҳаёт фаолияти соҳасидаги барча муаммолар, уларнинг асосийси-меҳнат фаолиятини кўшиб ҳисоблаганда, бизнинг фикримизча, бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоийдир.

Хўжаликларни иқтисодий ривожланишини таъминлаш орқали рағбатлантириш манбалари шаклланади ва орта боради. Бунга фақатгина меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ошириш орқали эришилади. Шунда даромадлар ўсишини таъминлашнинг иқтисодий имкониятлари вужудга келади, хўжалик аъзоларини маданий, умумтаълим, тиббий даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини турли-туман эҳтиёжларини тўлароқ қондиришнинг аниқ имкониятлари намоён бўлади.

Мулкчиликнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжалиги шаклида моддий ва ижтимоий бойликларни шакллантириш жараёни, шахсий манфаатдорликни ўсиши, рағбатлантириш манбаларини ортиши, ялпи маҳсулотнинг ва ялпи даромадни кўпайиши билан боғлиқдир. Аграр секторда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотлар бошқа иқтисодий категориялар каби қайта ишлаб чиқариш босқичида ишлаб чиқариш,

тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол босқичлари учун хизмат қилади. Демак, истеъмол ва жамғариш фондини ривожлантириш, уларни мутаносиб тарзда шакллантириш орқали қишлоқ аҳолисини ҳаёт кечириш даражасини оширилиши меҳнат муносабатларини ўзгаришига олиб келади. Ижтимоий суғурта фондида белгиланган маблағлар ажратиш меҳнат ресурсларини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим молиявий манба ҳисобланади.

2.4-жадвал

Аграр секторда ижтимоий кўрсаткичлар динамикаси

(млн. сўм ҳисобида)

Кўрсаткич номи	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2005 йил	2005 й. да 2000 й. га %
Ижтимоий суғурта фондида ажратмалар	26963	37432	50008	41784	1,55
Касаба уюшмалар кенгаши федерацияси	1259	1846	743	423	0,34
Пул тўлови ва рағбатлантиришлар	2429	5893	4623	6734	2,77
Иш билан бандлик фондида ажратмалар	1368	1749	1410	1322	0,97

Манба: Муаллиф томонидан Қишлоқ ва Сув хўжалиги Вазирлигининг йиллик маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ижтимоий суғурта фонди миқдори 2000-2005 йиллар мобайнида 26963 млн. сўмдан 41784 млн. сўмга ёки 14821 млн. сўмга кўпайган. Ижтимоий суғурта фонди миқдорининг 2000-2005 йиллар мобайнида ўсиши кузатилсада, истеъмол нархларининг юқорилиги меҳнат муносабатларида моддий манфаатдорликни юқори бўлишига имкон бермади.

Аграр соҳада хўжалик юретишнинг турли шакллари фаолиятини ўзаро рақобат асосида йўлга қўйиш лозим. Бу хўжалик ички муносабатларига боғлиқдир. Масалан, хўжаликда меҳнатни ташкил этишнинг жамоа, оила шакллари узоқ даврлар мобайнида шаклланган миллий менталитетга хос хусусиятдир. Айниқса, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашувчан хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиб, улардаги меҳнат муносабатлари ҳам турличадир. Биз тадқиқот жараёнида

Наманган вилояти Уйчи туманидаги аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги «Навоий» номли ширкат хўжалиги, «Элатан Э.Р.Х.» фермер хўжалиги ва «М. Алишер» деҳқон хўжалигидаги меҳнат муносабатларини таҳлил қилдик. Бунда юқори меҳнат унумдорлиги фермер ва деҳқон хўжаликларига тўғри келди. Ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ширкат хўжалигини ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги кузатилди (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

Танлаб олинган хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги меҳнат муносабатларини белгиловчи кўрсаткичлар (минг сўм ҳисобида)

Хўжалик юритиш шакли	Ишловчилар сони	Ўртача иш ҳақи	Ижтимоий ҳимоя (ўртача ҳар бир ишловчига)	Мукофот (ўртача ҳар бир ишловчига)	Меҳнат шaroити (Қ1-1)
Ширкат хўжалиги 2000 йил 2005 йил	1250 740	11500 26200	3700 7500	1900 5700	-0,7
Фермер хўжалиги 2000 йил 2005 йил	81 86	13200 29700	3500 8300	1000 6950	-0,6
Деҳқон хўжалиги 2000 йил 2005 йил	4 5	19750 43750	- 20500	- 22450	-08

Манба: Хўжаликларнинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги натижалар турлича бўлиб, барча меҳнат муносабатларини белгиловчи кўрсаткичлар бўйича ўсиш кузатилади. Бироқ жорий баҳоларда эса саноат корхоналарига нисбатан 58 фоизни ташкил этади. Меҳнат шaroити қониқарли даража эмас. Ширкат хўжалиги дала шийпонларида бепул болалар боғчалари ҳам фаолият кўрсатиб, айрим газета ва журналлар билан таъминланган.

Фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлиги ва фойда миқдори ортмоқда, лекин хўжалик аъзолари иш ҳақисини ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва мукофотлаш меҳнат шартномасида аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли фермер ўзи хоҳласа бу тадбирларни амалга оширади ёки аксинча.

Дехқон хўжалиги фаолияти оила аъзолар меҳнати асосида ташкил этилиши натижасида меҳнат муносабатлари ўзгарувчан характерга эга бўлиб, пировардида оила манфаатларида бирлашади.

Хўжалик юритишнинг турли шаклларида меҳнатни доимо рағбатлантириш ва моддий манфаатдорликни ошириб бориш хўжалик манфаатларига ҳам мос келади ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини кўпайтиришда муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Бу мақсадларга эришиш хўжаликнинг ишлаб чиқариш натижаларига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш натижаларининг самарали бўлишида касаба уюшмалар ўз ўрнига эга бўлиши керак.

2.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш - меҳнат муносабатларини мустаҳкамлашнинг асосий шарти

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатларининг фаоллашуви меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш ва унга таъсир этувчи омилларни ўзгаришига олиб келди. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши билан меҳнаткашларнинг манфаатдорлигини ошириш воситалари ишлаб чиқариш натижаларига боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Зарур шарт-шароитлар яратмай, инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан воситасини вужудга келтирмай, бу манфаатларни фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида ишга солмай туриб,⁴² кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди

Иқтисодиётнинг ҳар бир секторида мулкчилик шаклларида қатъий назар иш ҳақи миқдори ишловчининг шахсий қобилиятларига, билими ва касб-малака даражасига, маҳоратига, тажрибасига ҳамда бажарган иш натижаларига боғлиқ бўлади. Чунки, иш ҳақининг миқдори меҳнат шароити ва унинг пировард натижаларига боғлиқ бўлиши ҳамда ишловчиларни ўз

⁴² Каримов И.А. Ҳзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ҳзбекистон, 1997.- 194 б.

билими ва касб малакасини, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот ва хизмат сифатини яхшилашга, шунингдек, барча турдаги иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириши керак. Бинобарин, ишга ёлловчи (тадбиркор, фермер) билан меҳнатга ёлланувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари асосини иш ҳақи ташкил этади. Чунки, иш ҳақи ишловчининг манфаатини, меҳнатини фаоллаштирувчи асосий восита сифатида майдонга чиқади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш ҳақи ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим воситаси вазифасини ҳам бажаради. Иш ҳақи ишловчиларнинг касб-малака ва шахсий сифат ҳамда қобилиятларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш функциясини ҳам ўтайди. Шу сабабли давлат иш ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди. Унга амал қилиши мулкчилик шаклларида қатъий назар барча иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади. Ишловчилар учун эса энг кам иш ҳақи инсон сифатида муносиб яшаш, иш кучини такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлашнинг ижтимоий кафолатидир. Энг кам иш ҳақи миқдорини белгилашнинг бошланғич пункти энг кам истеъмол бюджети, яъни моддий таъминотнинг энг кам бюджети ҳисобланади. Унинг асосида давлат аҳоли яшаши даражасининг минимумини белгилайди. Ундан паст даража қамбағаллик ҳисобланади. Энг кам истеъмол бюджети асосида шунингдек, даромадларнинг, социал трансферт тўловларининг, яъни пенсия, ишсизлик нафақаси, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар ҳамда кафолатланган энг кам иш ҳақи миқдори белгиланади.⁴³

Тирикчилик минимуми даражаси истеъмол товарлари ва хизматлари саватини аниқлаш орқали белгиланади. Шунини таъкидлаш керакки, қонунчилик асосида белгиланадиган тирикчилик минимумининг пул миқдори ушбу сават таркибидаги ўзгаришларни ҳамда унга кирган товарлар

⁴³ Абулқосимов Ш.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.- Т.: ТМИ, 2005. – 191. б.

ва хизматларнинг истеъмолчининг харид қилиши мумкин бўлган даражасини ҳисобга олиш керак бўлади. Акс ҳолда у ишловчиларни ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш дастагидан аҳоли даромадлари ва истеъмолини чеклаш воситасига айланади. Шу сабабдан ривожланган мамлакатларда истеъмол саватига кирган товарлар ва хизматлар таркибидаги ўзгаришлар мунтазам равишда ўрганилиб, унинг асосида тирикчилик минимумининг пул миқдори даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

Мамлакатимизда энг кам тирикчилик даражасини ифодалайдиган энг кам истеъмол бюджетини ва унинг асосида энг кам иш ҳақи миқдорини белгилашнинг иложи йўқ. Боиси истеъмол бозори истеъмолчиларнинг танлаш эркинлигини таъминлайдиган арзон ва қиммат товар ҳамда хизматлар билан тўйинган эмас, боиси миллий иқтисодиёт етарли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эга эмас; иккинчидан, молиявий маблағлар энг кам истеъмол бюджетини ва иш ҳақини таъминлаш учун етарли эмас; учинчидан, инфляция йиллик ўсиш суръатининг юқорилиги истеъмол саватига кирган товар ва хизматлар нархларининг тез-тез ўзгариб туриши туфайли маълум давр учун барқарор тирикчилик минимумини, энг кам истеъмол бюджетини ва иш ҳақи миқдорини белгилаш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам уларни аниқлашга қилинган уринишлар шартли ва асосан илмий таснифга ҳамда аҳамиятга эга бўлмоқда.⁴⁴

Мамлакатимизда энг кам иш ҳақининг мунтазам равишда ошириб бориш орқали аҳолининг реал даромадларининг ўсиб бориши таъминланмоқда. Бу борада аграр соҳа ишлаб чиқариши ўзига хос жиҳатлари билан тавсифланади. (2-илова)

Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи қилинган меҳнатнинг пул шаклидаги нархи бўлиб, уни ишга ёллаганлар меҳнат қилувчиларга маълум вақт мобайнида, маълум миқдордаги ва муайян ишни бажарганликлари учун тўлайдилар. Иш ҳақи меҳнатнинг натижасига қараб берилади ва уч қисмдан

⁴⁴ Абулқосимов Ш.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.- Т.: ТМИ, 2005. – 193 б.

иборат бўлади: а) иш ҳақи; б) мукофотлар; в) иш вақтидан сўнг, дам ва байрам кунлари бажарилган меҳнат учун бериладиган устама пул тўловлари ҳисобланади. Бироқ, бу ҳали қўлга тегадиган пул эмас. Иш ҳақидан турли солиқлар, ижтимоий суғурта тўловлари чегириб олинади. Ушланмалардан қолган ва ишловчи қўлига нақд оладиган пул соф иш ҳақини ташкил этади.

Меҳнатнинг миқдори ва сифати турлича бўлгани учун унинг натижаси ҳам бир хил бўлмайди. Шу боисдан иш ҳақи табақалашади. Ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалигида ходимни иш ҳақи миқдори алоҳида қилинган меҳнатга эътибор қанча эканлигини кўрсатади. Жумладан, Хитойда қишлоқ хўжалиги учун иқтисодий маъсулият тизими сифатида маълум бўлган янги сиёсат шаклланган. Бу сиёсат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли билан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш ва ривожланишни таъминлашга қаратилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш янги тузилмасида ишнинг 50 фоизи алоҳида меҳнат унумдорлигига (меҳнат баллари тизими асосида ўлчанадиган) асосланади.⁴⁵ Иш ҳақи даражаси ҳам бозорга боғлиқ бўлади. Агар қишлоқ хўжалиги корхонаси яратган товарларнинг бозори чаққон бўлиб, улар истеъмолчиларга яхши сотилса, иш ҳақи ошади ёки аксинча. Шунингдек, иш ҳақи меҳнатнинг меъёрий унумдорлиги билан ҳам боғлиқдир. Меъёрий унумдорлик кўшимча жалб этилган меҳнат келтирган унумдорликдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида жамоа, ширкат хўжаликларида меҳнатга ҳақ тўлаш учун тариф системасидан фойдаланилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради. Тариф-малака кўникмалари, тариф сеткалари, туман шароитига биноан иш ҳақига кўшиб ҳисобланадиган коэффициентларни ташкил этади. Тариф тизимида иш ҳақи тўлашнинг икки шакли мавжуд бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Ишбай асосида меҳнатга ҳақ тўлаш. Унда маълум сифат билан ишлаб чиқарилган маҳсулот учун иш ҳақи тўланади.

⁴⁵ Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроиқтисод. – Т.: Шарқ, 2002. – 396 б.

2. Вақтбай асосида меҳнатга ҳақ тўлаш. Унда ходимнинг ҳақиқий ишлаган иш вақти, малакасига мос тарзда иш ҳақи берилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашда қилинган меҳнатнинг унумдорлик даражаси, ишчининг алоҳида ҳаракатлари, яъни унинг моҳирлиги ва меҳнат интенсивлиги муҳим ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги тариф системаси меҳнат меъёрини иш ҳақи системаси билан ўзаро боғлайди ва қисман мувофиқлаштиради. Чунки, тариф тизими аграр соҳада ишловчиларнинг малакасига қараб иш билан таъминлаш ва сарфланган меҳнатни унинг миқдори ва сифатига қараб баҳолайди. Ёлланма меҳнат муносабатларида эса (кунлик, ҳафталик) иш ҳақи миқдори ўзаро келишув асосида белгиланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари 22 разрядли «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси» га эгадир. Шундан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалик корхоналарида иш ҳақи бериш қуйидагича гуруҳланади:

а) деҳқончилик ва чорвачиликда қўл ва от кучи билан бажриладиган ишларга, таъмирлаш устахоналарида ишловчи ходимларга, тракторчи-машинистларга 6 разрядли тариф сеткасига асосланиб ҳисобланади;

б) раҳбар ва мутахассисларга «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси» га асосланиб, оклад системасида ҳақ тўланади;

в) оила пудрати ва фермер хўжалиги аъзоларига етиштирилган маҳсулотнинг миқдorigа қараб ҳақ тўлашда экинлар турлари бўйича бир центнер маҳсулот нархи белгиланади. Етиштирилган маҳсулот қийматининг 100 сўмлик баҳосини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$C_{\text{кИ}} \times 1,25 \times 100 : M$$

Бунда: $C_{\text{кИ}}$ - 100 сўмлик маҳсулот қийматининг баҳоси, сўм;

I - оила ёки жамоа пудратининг иш ҳақи фонди, сўм;

M - режа бўйича оила ёки жамоа пудратининг сотадиган маҳсулот қиймати, сўми.⁴⁶

⁴⁶ Назимов С., Эшонхўжаев Д. Қишлоқ хўжалигида менежмент. – Н.: 2001. – 43 б.

Хўжаликни йил давомида етиштирган маҳсулоти миқдорига йил охирида тўланадиган ҳақнинг ҳисоб-китоб қилинишига қараб ишчиларга йил давомида механизация ёрдамида бажариладиган ишлар тариф ставкаси бўйича кунбай тартибининг 4-5 разрядларига, қўл ва от кучи билан бажариладиган ишлар бўйича 3-4 разрядларга мувофиқ ҳақ тўланади.

Ширкат ва фермер хўжаликларига берилган ишлаб чиқариш топшириғида ва технологик картада экинларнинг ҳосилдорлиги, ялпи ҳосил ҳамда иш ҳақи фондини тўғри аниқланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда иш ҳақини марказлаштирилган тарзда тақсимлаш механизми тугатилиб, нодавлат иқтисодий субъектларда иш ҳақи фонди, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимлари меҳнат ҳақининг давлат томонидан белгиланган минимумига риоя қилган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқилади. Шунинг учун меҳнат муносабатларида меҳнатнинг миқдори ва сифатига эътибор ортиди (2.6-жадвал). Жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги корхоналарида 2000-2005 йиллар мобайнида иш ҳақи миқдори ортиб борган. Жумладан, ишбай асосида меҳнатга ҳақ тўлаш 2000 йилда 78268 млн. сўмдан 2005 йилда 91514 млн. сўмга етган ёки 13246 млн. сўмга кўпайган. Шунингдек, тариф ставкаси ва лавозим ойлиги бўйича ҳақ тўлаш юқоридаги йилларга мос равишда 8378 млн. сўмдан 13403 млн. сўмни ташкил этган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ўртача ойлик иш ҳақи 2000 йилда 10300 сўмни, 2002 йилда 19200 сўмни, 2003 йилда 24768 сўмни ташкил этган.

2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида иш ҳақи фондининг тақсимланиши⁴⁷

(млн. сўм ҳисобида)

ТҒр.	Туркумларни номланиши	2000 йил	% ҳисобида	2005 йил	% ҳисобида	2005 й. да 2000 й. га нисбатан % ҳисобида
1	Ишбай асосида ҳақ тўлаш	78268	85,0	91514	79,0	117
2	Тариф ставкаси ва лавозим ойлиги бўйича	8378	9,0	13403	11,0	160

⁴⁷ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

	ҳақ тўлаш					
3	Меҳнат таътилига тўланган	1595	2,0	2299	2,0	144
4	Ишлаб чиқариш якуни бўйича берилган мукофотлар	1514	2,0	5616	5,0	371
5	Иш ҳақи фондидан тўланган мукофотлар	915	1,0	1963	2,0	215
6	Ер шароитини ҳисобга олиб тўланган	812	1,0	1208	1,0	149
Жами		91482	100	116003	100	

Ер шароитини ҳисобга олиб тўланган меҳнат ҳақи асосан, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади. Бу ҳудудларда қиш мавсумида тупроқ шўрини ювиш ва бошқа тадбирлар қўшимча харажатларни талаб этади. Кейинги йилларда меҳнатга ҳақини натура шаклида тўлаш ҳам кенг тус олмоқда. Жумладан, 2000 йилда 19954 млн. сўм, 2005 йилда 28.400 млн. сўмлик иш ҳақи натура шаклида берилган.⁴⁸ Бу эса қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни турли пуллик хизматлардан фойдаланишни чеклаб қўймоқда.

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошиши билан аграр соҳада банд бўлганлар сони ҳам қисқариб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида 1998 йил 3 млн. 470 минг кишини банд бўлган бўлса, 2003 йили 3 млн. 2005 йилда 2 млн. 970 минг кишидан иборат бўлиб, камайиш тенденцияси кузатилган. Шу ўринда савол туғилади. Тармоқда банд бўлганлар сонини қисқариши ойлик минимал иш ҳақини ўсишига олиб келадими? Улар ўртасида боғланиш мавжудми? Бу боғланиш мавжуд ёки аксинча эканлиги математик усулларда қуйидагича аниқланади:

2.7- жадвал

Аҳоли бандлиги ва минимал иш ҳақи орасидаги боғланиш корреляцион таҳлили⁴⁹

№	Йиллар	Банд бўлган ишчи кучи. млн. киши	Номинал иш ҳақи	$Y_k X_k$	Y^2_k	X^2_k
---	--------	----------------------------------	-----------------	-----------	---------	---------

⁴⁸ Ҳзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари асосида ҳисобланди

⁴⁹ Замков О.О., Толстопятенко А.В., Черемнұх Ю.Н. Математические методў в экономике. Учебник. 2 е изд.- М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, Издательство «Дело и Сервис», 1999.- 281-283-стр.

		(Y_k)	(X_k) минг сўм			
1	1996	3.50	1.19	4.1650	12.2500	1.4161
2	1997	3.51	1.91	6.7041	12.3201	3.6481
3	1998	3.47	2.50	8.675	12.0409	6.2500
4	1999	3.42	4.10	14.022	11.6964	16.8100
5	2000	3.34	10.3	34.402	11.1556	106.0900
6	2002	3.03	19.2	58.176	9.1809	368.64
7	2003	3.00	25.0	75.0000	9.0000	625,000
Жами		23.27	64.2	201.1441	77.6439	1127,8542

Корреляцион коэффициентлари формуласидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги амаллар бажарилади:

$$r_{xy} = \frac{n \sum_{k=1}^n X_k Y_k - \sum_{k=1}^n X_k \cdot \sum_{k=1}^n Y_k}{\sqrt{\left(n \sum_{k=1}^n X_k^2 - \left(\sum_{k=1}^n X_k \right)^2 \right) \left(n \sum_{k=1}^n Y_k^2 - \left(\sum_{k=1}^n Y_k \right)^2 \right)}}$$

$$r_{xy} = \frac{7 \cdot 201,1441 - 23,27 \cdot 64,2}{\sqrt{(7 \cdot 1127,8542 - (64,2)^2) \cdot (7 \cdot 77,6439 - (23,27)^2)}} = -0,9855 \approx -0,9$$

Корреляция коэффициентини Стьюдент статистикаси ёрдамида баҳолаймиз. У ҳолда $t = \frac{|Z_{xy}| \cdot \sqrt{n-2}}{\sqrt{1-Z_{xy}^2}}$ га асосан $t_{\text{таққий}} = \frac{0,9 \cdot \sqrt{7-2}}{\sqrt{1-0,9^2}} = 4,6$ Демак,

$t = |t_{\text{таққ}}| > 3$ бўлгани учун топилган корреляция коэффициенти 0,95 эҳтимол билан моҳиятли бўлади.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони билан номинал иш ҳақи ўртасидаги боғланиш қуйидаги формулада ифодаланади. Тармоқдаги бандлик билан иш ҳақи ўртасидаги боғланиш борлигини аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони билан минимал иш ҳақи ўртасидаги боғланишни ифодаловчи формуладан фойдаланилади. Бунинг учун статистик маълумотлар орасидаги боғланишни $y = a + \frac{b}{x}$ кўринишида излаймиз. Энг кичик квадратлар усулига асосан, қуйидаги икки ўзгарувчан функция тузилади:

2.8-жадвал

Нормал тенгламалар системасини коэффициентларининг ҳисоблаш жадвали

№	Йиллар	X_k	Y_k	$\frac{1}{X_{k^2}}$	$Y_k F X_k$	$\frac{1}{Y_{k^2}}$
1	1996	1.19	3.50	0.70	2.94	0.082
2	1997	1.91	3.51	0.27	1.83	0.080
3	1998	2.50	3.47	0.16	1.388	0.083
4	1999	4.10	3.42	0.05	0.83	0.085
5	2000	10.03	3.34	0.009	0.333	0.089
6	2002	19.2	3.03	0.002	0.157	0.108
7	2003	25.0	3.00	0.0016	0.12	0.111
Жами		64.02	23.27	1.1926	7.598	0.638

$$y = a + \frac{b}{x}$$

$$\varphi(a, b) = \sum_{k=1}^n \left[Y_k - \left(a + \frac{b}{X_k} \right) \right]^2$$

$$\begin{cases} an + b \cdot \sum_{k=1}^n \frac{1}{X_k} = \sum Y_k \\ a \cdot \sum_{k=1}^n \frac{1}{X_k} + b \cdot \sum_{k=1}^n \frac{1}{Y_k} = \sum \frac{Y_k}{X_k} \end{cases}$$

$$\frac{\partial \varphi}{\partial a} = 2 \cdot \sum_{k=1}^n \left(Y_k - a - \frac{b}{X_k} \right) \cdot (-1) = 0$$

$$\frac{\partial \varphi}{\partial b} = 2 \cdot \sum_{k=1}^n \left(Y_k - \left(a + \frac{b}{X_k} \right) \right) \cdot \left(-\frac{1}{X_k} \right) = 0$$

$$\begin{cases} 7a + 1,1926b = 23,27 \\ 1,1926a + 0,638b = 7,598 \end{cases}$$

$$1,1926a + \frac{0,638 \cdot (23,27 - 7a)}{1,1926} = 7,598$$

$$3,044a = 5,785$$

$$a = 1,9$$

$$b = 8,36$$

$$y = 1,9 + \frac{8,36}{x}$$

Бу боғланиш мавжуд ёки аксинча эканлигини математик-статистик усуллар орқали аниқлаб қуйидаги хулосаларга келдик:

- иш ҳақи билан тармоқда банд бўлганлар сони орасида корреляцион боғланиш бўйича корреляция коэффиценти $r_{xy} = -0,9$ бўлиб, улар орасида тескари пропорционал боғланиш мавжудлигини ифодалайди;

- топилган регрессия тенгламаси $y = 1,9 + \frac{8,36}{x}$ бўлиб, унинг коэффицентлари Фишер тақсимот қонуни билан баҳолаганда улар 0,95 эҳтимол билан моҳиятли бўлади.

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида хўжалик юритиш хусусий шакллари жорий этилиши бир томондан маҳсулот ишлаб чиқаришни ортишига, иккинчидан, тармоқлар ўртасида ишчи кучи тақсимои ўзгариб ишсизликнинг кўпайишига олиб келади;

- аҳоли зич жойлашган қишлоқларда меҳнат ресурслари ўртасида иш ўрни учун рақобат сезиларли даражада намоён бўлиб, янги иш ўринларига бўлган эҳтиёжни оширмақда.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги ҳулосаларда инфляция жараёни ҳамда меҳнат унумдорлигининг нотекислиги инобатга олинмаган. Бизнинг фикримизча, иш ҳақининг ортиши меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш орқали самарали бандликка, меҳнат ресурсларидан интенсив фойдаланишга эришиш мумкин, бу ерда меҳнат бозорини ўз ҳолича, «кўринмас кўл» қоидаси асосида ҳаракатланишига ташлаб қўймасдан, балки давлат иқтисодиётга фаол аралашини лозим. Давлат фақат самарали бандликка интилиб қолмасдан, балки янги иш ўринлари яратиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида бўшаб қолган «ортиқча ишчи кучи» ни бошқа соҳаларга жалб қилиши керак.⁵⁰ Агарда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишни истасак, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун ҳалқимизнинг 55-60 фоизи эмас, балки 7-8 фоизи банд

⁵⁰ А.Абдуғаниев., М. Мирзакаримова Ҳатиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. – Т.: Меҳнат, 1999. – 50 б.

бўлиши кифоя қилинади. Шунда ҳам биз кутган даромад чиқади, ҳам фаровон ҳаёт таъминланади.⁵¹

Ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини 6-10 фоизи банд бўлиб, барча аҳолини зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб, қолаверса, чет элларга ҳам экспорт қилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз аграр секторида банд бўлганлар сонини аста-секин камайтириб бориш, иш ҳақини ошишига, меҳнат сарфини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ўсишига олиб келади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш якунлари бўйича мукофотлар белгилаш тармоқда анъана тусига кирган бўлиб, унинг миқдори меҳнат натижаларига боғлиқ бўлади. Аграр тармоқда банд бўлган аҳолининг кўплиги, маҳсулот нархларининг пастлиги ўртача иш ҳақини бошқа тармоқлардан камроқ бўлишига олиб келмоқда.

Социологик сўровда (респондентлар 1000 нафар пудратчи) «Қилган меҳнатингиз учун тўланган ҳақ оила рўзғорини тебратишга етадими?» - деб сўралганда респондентларнинг 42 фоизи меҳнатга тўланган ҳақ турмуш кечиришга умуман етмаслигини, 20 фоизи иш ҳақи ўз вақтида берилмаслигини, 10 фоиз оила пудратчи ўртача ҳаёт кечиришга имконият борлигини эътироф этдилар. Шу билан бирга, 20 фоиз респондентлар кузги буғдойдан кейин бўшаган ерлардан олиб даромад олишларини, 8 фоиз респондентлар саволга жавоб бермадилар. Бизнинг таҳлилларга кўра, аграр соҳада банд бўлганларнинг ўртача иш ҳақиға иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан 0,50 даражасида бўлиб, нисбатан жуда пастдир.

2005 йилда аҳолининг пул даромадларида ойлик иш ҳақининг салмоғи 29,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар салмоғи 26,0, тадбиркорликдан олинган даромад улуши 30,0, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар 14,6 фоизни ташкил этди.⁵² Аграр секторда 2003 йил қишлоқ хўжалигида ишловчилар жами даромадларининг 67,9 фоизи пул шаклида, 32,1 фоизи натура кўринишида бўлди.

⁵¹ И.А.Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ҳзбекистон, 1993. – 255 б.

⁵² Ҳзбекистон Иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. Т.: 2005, 93-б.

2.9-жадвал

Аҳолининг пул даромадлари таркиби⁵³
(аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси бўйича)

Кўрсаткичлар	1999 й.	2000 й.	2003 й.	2004 й	2005 й
Пул даромадлари, жами	100	100	100	100	100
жумладан:					
иш ҳақи	25,7	26,3	26,8	27,3	29,4
Пенсия, стипендия, нафақалар	12,1	12,1	11,6	13,7	14,6
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлар	33,3	32,4	32,6	29,2	26,0
тадбиркорлик фаолиятидан олинган ва бошқа даромадлари	28,9	29,2	29,0	29,8	30,0

Жадвалдан кўринадикки, аҳоли пул даромадлари таркибида иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши ортмоқда.

МДХ мамлакатлари билан таққослаганда мамлакатимизда меҳнат даромадлари миқдори ўсиб бормоқда. Озарбайжон, Украина ва Ўзбекистонда 1991-2003 йиллар мобайнида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлари ўсган. (6-илова)

Бозор иқтисодиёти тизимида аҳоли даромадларининг таркиби мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиш ҳолатига қараб ўзгариб боради. Мазкур жараёнда бозор тизимида хос бўлган даромадларининг, жумладан, мулкдан келадиган даромад, индивидуал фаолият ва деҳқон хўжаликларидан келадиган даромад улуши ортиб боради. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида аграр сектордаги меҳнат муносабатларининг таркибий ўзгаришида, уни тўлақонли амал қилишида қуйидаги белгилар намоён бўлади:

⁵³ Ўзбекистон Иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. Т.: 2005, 93-б.

- иқтисодиётда бозор қоидаларининг амал қилиши билан меҳнат муносабатларида аҳоли даромадлари бирламчи характерга эга бўлади. Унда тадбиркорликдан келган даромаднинг жадал ўсиб бориши кузатилади. Бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли қатламини кўпайиши билан изоҳланади;

- аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган даромадининг ортиб бориши қишлоқ аҳолининг бозорга ишлаш кўникмасини ортаётганлиги билан белгиланиб, бу томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожланаётганлиги ҳамда уларни бозорга мослашаётганлигини намоён қилади;

- даромадлар таркибида турли трансфертлар ва натурал тушумлар ҳиссасининг юқорилиги деҳқонлар хонадонидagi иш ҳақи улушини ғоят пастлиги бўлиб, бу аграр соҳада бозор муносабатлари ҳамда аграр ислохотларни изчил амалга ошмаётганлиги натижасидир.

Бугунги кунда аҳолини турмуш тарзи, фаровонлиги қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлган Фарғона водийсидаги ширкат ва фермер хўжаликларида ишловчилар миқдорини камайтириш ва ҳосилдорликни оширишга эътибор ортмоқда. Пахта етиштиришда «Андижон усули» ни, ғаллачиликда серҳосил навларни жорий қилиниши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайишига, жамоа манфаатларни қондириш ҳисобига шахсий манфаатдорликни ошириш, иш ҳақини, умуман, пудратчи ва фермерлар даромадлари манбаларини кенгайтириш имкониятлари вужудга келмоқда. Ишловчиларга ҳақ бериш таркибида турли мукофотлар бериш, ижтимоий ҳимоя қилиш тармоқда меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлмоқда. Масалан, Наманган вилоятида меҳнат ҳақи фонди ҳисобидан тўланган мукофотлар миқдори 2000 йилда 6006 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 32200 млн. сўмга ёки 7194 млн. сўмга ошди. Бироқ, меҳнат муносабатларининг такомиллашуви жараёнида тармоқда иш ўринлари учун рақобатнинг кузатилаётганлиги, меҳнат бозоридаги номутаносиблик ички хўжалик муносабатларида жамоа пудратини сақланишига олиб келади ва янги иш ўринларини барпо этиш заруриятини вужудга келтиради.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида рағбатлантиришдан «тежаш» ишлаб чиқаришни ривожланишига олиб келмайди. Бироқ, айрим ширкат ва айрим фермер хўжаликларида меҳнатга ҳақ беришда узулишлар мавжуд. Шу жиҳатдан олганда, соҳада қуйидаги муаммолар вужудга келмоқда:

Биринчидан, тўлов муддати ўтиб кетган иш ҳақи миқдорининг ортиб бориши, инфляция натижасида иш ҳақи миқдорининг тўлов даражасини пасайиши;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида (ширкат ва фермер хўжаликлари) иш ҳақи фондига ажратилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги сабабли иш ҳақини ўз вақтида берилмаслиги;

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги ишларини ҳар гектарига белгиланган меҳнат ҳақи миқдори бугунги кун талабларидан орқада қолмоқда, шунингдек, оила пудратчи ва фермер хўжалиги аъзоларига йил давомида агротехника тадбирларини ўтказиш жараёнида бериб бориладиган иш ҳақи миқдори оиласининг кундалик ҳаёт кечиришига етарли эмас;

Тўртинчидан, пахта ва буғдойнинг белгиланган харид нархлари паст бўлиб, уларни ҳам жаҳон бозоридаги нархларидан келиб чиққан ҳолда ошириш вақти келди, ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги техникалари, минерал ўғитлари нархи йил давомида бир неча маротаба ортмоқда.

Фермер ва оила пудратида меҳнатга ҳақ бериш янги шаклда намоён бўлиши зарур. Кўпгина ҳолларда бунга яхши эътибор бермаслик ёки тушунмаслик оқибатида эскича бажарилган иш миқдorigа наряд ёзиш ва иш ҳажмига қараб иш ҳақи бериш давом этмоқда. Иш ҳақи тўлаш ишбай усулида олиб борилмоқда, баъзи бир агротехника тадбирларни (ер ҳайдаш, экиш, суғориш, ўсимлик қатор оралиғига ишлов бериш ва ҳаказо) сифатли ёки қисқа муддатда ўтказилганлиги учун моддий рағбатлантириш, мукофот бериш, шунингдек, бир қатор иш жараёнларига ҳақ тўлаш миқдорини юқоридан белгилаш ҳоллари давом этмоқда. Шартномада етиштирилган

маҳсулотдан олинадиган ялпи даромад, шундан соф даромад миқдори ва пудратчининг улуши белгилаб қўйилиши керак. Йил давомида бериладиган аванс пуллари пудратчи оиласининг кундалик нормал ҳаёт кечиришига етарли бўлиши зарур. Ҳаётӣ тирикчилик воситалари, транспорт ва коммунал-маишӣ хизматлар нархларининг тўхтовсиз ошиб бораётганлиги, иш ҳақини ўз вақтида тўланмаслиги каби ҳолатлар аҳволни янада оғирлаштириб юбормоқда. Бу каби муаммоларни бартараф этишда бизнингча қуйидагиларга эътибор бериш керак:

Биринчидан, агротехника тадбирларидан тежалган маблағларни тўлиқ хўжаликлар ҳисобида қолдириш ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш; иккинчидан, иш ҳақини ўз вақтида бериш юзасидан молия институтларнинг маъсулиятини янада ошириш; учинчидан, аграр секторда сақланиб қолаётган нархлар қайчиси, яъни ресурс нархлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш нархлари ўртасидаги тафовутни қисқартириш, аванс пуллар миқдорини ошириш, меҳнат ҳақи ҳисобланадиган меъёрларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Эркин меҳнат муносабатларининг ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш истиқболлари

Тарихий тараққиёт тажрибасига кўра, ҳар бир мамлакатда янги иқтисодий тизимга ўтиш даври мобайнида янги иқтисодий муносабатлар шаклланади. Бозор муносабатларига асосланган, хусусий мулк муҳим ўрин эгаллайдиган иқтисодиёт турини барпо қилиш турли-туман мулк шакллари

заминида ташкил этилади. Бунда мулкдорлар синфи етакчи ўринни эгаллаб, иқтисодий жараёнларни жадаллаштиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, хусусий мулкчилик негизида қурилган эркин иқтисодий муносабатларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими амалга оширилмоқда. Улардан кўзланадиган пировард натижалар эса Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: «...фермер хўжаликларини ривожланиши ва мустаҳкамланиши ҳамда шу жараёнга бевосита боғлиқ бўлган қишлоқдаги туб ислохотларнинг самарали амалга оширилиши жуда оддий, аммо муҳим бир тамойилга асосланишини унутмаслигимиз керак. Яъни бу борада фермерларнинг шахсий манфаатдорлиги биринчи ўринда туриши керак⁵⁴...».

Аграр соҳада сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш, мулкдорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартиришда агробизнеснинг такомиллашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агробизнес ривожланган бозор иқтисодиётига хос бўлиб, таркибан унга қишлоқ хўжалигининг ўзидаги маҳсулотни қайта ишлаш ва истеъмолга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолияти киради.⁵⁵

Агробизнеснинг муҳим кўриниши фермер хўжалиги бўлиб, ўз ерида ёки ижарага олинган ўзга ерида фаолият юритади. Фермер хўжалигини ривожлантириш қишлоқларда мулкдорлар қатламини ташкил этишдаги асосий йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, фермер хўжаликларининг устуворлиги қуйидагиларда ўз аксини топди:

- жамоа мулкчилигидан хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий фаолиятга ўтилди;

⁵⁴Каримов И.А. «Ўришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи. 11 феврал, 2006 й.

⁵⁵ Ҳлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Меҳнат, 1995. – 355 б.

- умумий иқтисодий жавобгарликдан воз кечилиб, шахсий жавобгарлик асосида меҳнат ташкил этилди;

- маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий харажатлар камайгани ҳолда экинлар ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигини кўпайишига эришилади. Шахсий маъсулият, шахсий жавобгарлик ва манфаатдорлик тамойиллари фермерликнинг асосий мезонига айланди. Шу боисдан фермерлар фаолиятини эркинлаштириш ва мустақиллигини таъминлаш ва кенгайтиришга эътибор ортиди. Айниқса, 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» ги Президент Фармони бу борада катта ўзгаришларни таъминлаш учун ҳуқуқий асос бўлди. Ўзбекистонда фермерлаштиришнинг хусусияти шундаки, фермер хўжалиги хусусий ерда эмас, балки давлат мулки бўлган ерда вужудга келмоқда. Унинг ташкил топиши икки хил кўринишда амалга ошмоқда: биринчидан, ерни ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини маълум муддатга ижарага бериш; иккинчидан, ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан муддат кўрсатилмаган ҳолда ворислик асосида фойдаланишдан иборатдир.

Бунда ердан самарали фойдаланиш ва ишлатиш мулкка эгалик қилиш муддатига бевосита боғлиқ бўлади. Фермер хўжалигини яшовчанлиги унинг афзаллигидир. Фермер ўз хўжалигини ўта қадрлайди, шу сабабли унинг ривожини учун ўз меҳнатини аямайди, зарур бўлганда ёлланма меҳнатни ҳам жалб этади. Фермер хўжаликлари иқтисодиётда моддий манфаатдорлик, мулкдор-эгалик ҳиссига асосланган ва иқтисодий қонунлар талаби асосида бошқариладиган ўзига ҳос иқтисодий тизимни ифода этмоқда. Шунингдек, улар янги иш жойларини таъминлаш асосида истеъмол бозорини тўлдириш, ўз даромадларидан солиқ тўлаш орқали бюджет тушумларини кўпайтиришга хизмат қилади. Шу боисдан сўнгги уч йил ичида 336 та, 2005 йилнинг биринчи чорагида паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган 445 та ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида танлов асосида 27200 та фермер хўжаликлари ташкил қилинди.

2006 йилда 657 та жумладан, пахтачилик ва ғаллачиликда 447 та, мева-сабзавотчиликда 210 та ширкатни фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Натижада, фермер хўжаликларини умумий пахта етиштиришда улуши 2005 йилда 66 фоизни, ғалла етиштиришда 55 фоизни ташкил қилди.⁵⁶ (7,8,9,10-иловалар)

Фермерлар тасарруфидаги ер майдонларининг ўлчами 11,4 фоизда 5 гектаргача, 47,4 фоизда 5,1-20,0 гектаргача, 25,6 фоизда 20,1-50,0 гектаргача, 15,6 фоизда 50,1 гектардан юқорини ташкил этади.⁵⁷ Суғориладиган ерларнинг 60 фоизи фермерлар ихтиёрига берилган. Бинобарин, фермерлик аста-секин хўжалик юритишнинг илғор тажриба лабораторияси, юқори рентабеллик намунасига айланмоқда. Бу жараён мамлакатимиз ҳудудлари бўйича бир-биридан фарқланади. Айниқса, Фарғона водийси вилоятларида фермер хўжаликларини шаклланиши ва ривожланиши қуйидаги жиҳатлари билан характерланади:

- меҳнат ресурсларининг 60-65 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, баъзи туманларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этиши;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида иш жойларининг чекланганлиги, иш ўрни учун рақобатнинг юқорилиги;
- ишчи кучига бўлган талабга нисбатан таклифнинг анча юқорилиги;
- қишлоқ хўжалигининг қадимдан ривожланганлиги ва ўзига хос ҳудудий деҳқончилик мактабининг мавжудлиги.

Бу каби хусусиятларга эга Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларга эришиш ва меҳнатни ташкил этишнинг самарали услубларини қўллаш қийин кечмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Уйчи туманидаги Й. Охунбобоев номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш натижасида хўжаликда банд бўлган 1200 нафар

⁵⁶ Эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 11 февраль, 2006 й.

⁵⁷ Фарманов Т.Х. Ҳзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати)

меҳнат ресурсларининг 750 нафари янги тузилган фермер хўжаликларида иш билан таъминланди, 450 нафари (асосан, аёллар) маълум муддатга ишсиз қолган. Бунинг натижасида бир марталик иш изловчи фуқаролар таркибида аёллар сони ортмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Норин туманида 2001 йил якуни ва 2002 йил 1 октябр ҳолатига вақтинчалик иш изловчи фуқаролар 2475 нафар бўлиб, ундан 1732 нафари аёллардир⁵⁸. Ширкат хўжаликларини тугатилиши ишсизлар сонининг ортишига олиб келмоқда (3.10-жадвал).

3.10-жадвал

Кооператив (ширкат) хўжаликларида банд бўлганлар сонининг қисқариши кўрсаткичлари⁵⁹ (минг киши ҳисобида)

ТГ Р	Туркумларни номланиши	2002 йил	% ҳисобида	2005 йил	% ҳисобида	2005 йилда 2002 йилга нисбатан % ҳисобида
1	Жаъми банд бўлганлар	1236370	100	673251	100	- 0,54
2	Шу жумладан:					
	-доимий ишловчилар	1191418	96	651135	96,7	- 0,55
	-раҳбарлар	7979	0,6	4003	0,6	- 0,50
	-мутахассислар	36973	2,8	18113	2,7	- 0,49
3	Хотин - қизлар	798113	64,5	385522	57,2	- 0,48
4	Вақтинча банд бўлганлар	161132	13	66690	9,9	- 0,41

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2002 йилда ширкат хўжаликларида 1236370 нафар меҳнат ресурслари банд бўлган бўлса, 2005 йилда 673251 нафарни ташкил этди. Аграр секторда хўжалик юритишнинг хусусий шакларини янада ривожланиши меҳнат унумдорлигини ошириши билан бирга, қишлоқ жойларида муайян социал-иқтисодий муаммоларни юзага келтирмоқда. Айниқса, қишлоқда янги иш жойларини яратиш аҳолининг, хусусан аёллар ва ёшларнинг талаб эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатини орттириш, иш билан бандлик муаммоларини тезроқ ҳал этишни талаб этади.

⁵⁸ З.Р.Худойбердиев Бандлик. (Иқтисодий ва сиёсий талқин) Н.: 2003 й.- 98 б.

⁵⁹ Ҳзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда бизнингча, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ жойларида оилавий бизнес ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштириш;
- мавжуд йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ бўлган корхоналар билан касаначиликни кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ва хизмат кўрсатувчи соҳаларни ривожлантириш;
- ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишларига жалб этиш зарур.

Натижада, қишлоқ жойларида ишсизликни қисқартириш ва турли социал-иқтисодий муаммоларни камайтириш имконияти ортади. Аҳолининг даромад олиш манбалари кенгаяди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда самарали хўжалик юритиш шакли сифатида эътироф этилаётган фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этишда қуйидаги муаммолар вужудга келмоқда:

1. Фермер билан унинг аъзоси, ёлланма ишчи кучи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг ҳукукий-иқтисодий меъёрлар бугунги кун талабларидан орқада қолмоқда.

2. Фермер хўжаликлари ичида меҳнат ва хўжалик шартномаларини тузиш, ижтимоий ҳимоя тизимини амалга оширишнинг аниқ, ишлаб чиқилган андозаси мавжуд эмас, аксарият ишлар оғзаки келишув асосида амалга оширилмоқда.

3. Кўплаб фермер хўжаликларида ўнлаб меҳнат ресурслари йиллаб меҳнат қилсаларда, уларга ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобланмай қолмоқда.

4. Аҳоли зич жойлашган ҳудудларга ширкат хўжаликлари тугатилиши натижасида ишсизлик миқдори ортиб бормоқда, Айниқса, ёшлар ўртасида ишсизлик юқори даражада ортмоқда.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маҳаллий ҳокимлар билан

биргаликда истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқди.

Мамлакатимиз бўйича 2005 йилда тугатилган 445 та ширкат хўжалигининг 2,7 минг нафар ходими ташкил этилган фермер хўжаликларига, 15,5 минг нафари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ишга жойлаштирилган бўлса, 700 дан ортиқ шахс ижтимоий ҳимояга олинган. Шунингдек, 2006 йилда тугатилган пахтачилик ва ғаллачилик бўйича 447 та ширкат хўжалигининг 330,5 минг нафар ходимдан 301,2 минг нафарини фермер хўжаликларида банд этилади. Вақтинча ишсиз қоладиган 29,4 минг нафар ходимдан 22,7 минг нафарини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига жалб этиш, 6,7 минг нафарини эса ижтимоий ҳимоя қилиниши мақсад қилинган. Шунингдек, мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик йўналишидаги 210 та ширкат хўжалигида ишлаб келган 111,6 минг нафар ходимлардан 105,6 минг нафарини янги фермер хўжаликларига жалб этиш, 5,2 минг нафарини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига қолган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш режалаштирилган.⁶⁰ Умуман, фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши 15 фоизга яқин ортиқча ишчи кучини вужудга келтиради.

Бугунги кунда фермерлик хўжалик юритишнинг илғор шакли сифатида эътироф этилмоқда экан, бу жараёнда фермер билан ишга ёлланувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларини қандай ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Фермер хўжаликларида иш берувчи билан меҳнат қилувчи ўртасидаги бозор иқтисодиётига мос, эркин меҳнат муносабатлари ўзига хос шаклда намоён бўлади. Чунки, фермер хўжалиги аъзолиги таркибига меҳнат шартномаси асосида ёлланиб ишлаётган шахслар киритилмайди. Унинг аъзоларига асосан, фермернинг оила аъзолари ва унинг қариндошлари

⁶⁰ Ҳзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг йиллик статистик маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

киради. Боиси, биринчидан, меҳнат жараёнидаги муаммо ва зиддиятлар қисқарса, иккинчидан даромадларни ошкора тақсимлаш рўй беради.

Фермер хўжалиги бошлиғи билан меҳнатга ёлланувчи шахс ўртасидаги меҳнат муносабатларини меҳнат шартномасини тузиш асосида унинг фаолият моделини аниқлаб олинади. Меҳнат муносабатларини асосий жиҳатлари Меҳнат кодекси асосида меҳнат шартномасида батафсил ёритилади ва қуйидагиларни қамраб олади:

Биринчидан, ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ҳамда бошқа ишга ўтқазиш жараёнидаги муносабатларда; иккинчидан, меҳнат шарт-шароити, меҳнат муҳофазаси юзасидан томонлар келишувида; учинчидан, белгиланган меҳнатни моддий рағбатлантириш (иш ҳақи, унинг шакллари, муддати, мукофотлар ёки жарима); тўртинчидан, муайян муддатларга таътиллار бериш, саломатлигини тиклаш.

Мамлакатимизда Меҳнат кодексининг 72-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ фермер хўжаликларда меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин иш берувчи томонидан қўшимча ҳолатлар (синов даври, суҳбат) бўлиши мумкин. Бу жараён икки жиҳат билан характерланади: биринчидан, ҳеч ким ўз иродасига, истагига зид равишда танловда, меҳнатда иштирок қилиши мумкин эмас. Иккинчидан, меҳнат фаолияти, уни моддий рағбатлантириш меҳнат шартномасини тузиш асосидагина амалга оширилади, лекин у ишга киришишга мажбур қилмайди. Меҳнат шартномасини тузиш орқали томонлар ўртасида эркин меҳнат муносабатлари шакллана бошлайди.

Эркин меҳнат муносабатларида иш берувчи ёки ишга ёлланувчи монополь мавқега эга бўлмайди, рақобат тўла ҳукмрон бўлиб, меҳнат ҳақи ва бошқа муносабатлар савдолашув, келишув асосида вужудга келади. Шу асосда мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига доимий меҳнат учун ёлланма ишчи кучини ички меҳнат шартномасидан фойдаланиб жалб қилиш мумкин. Бу усул кўплаб ривожланган мамлакатларнинг фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам кузатилади. Масалан, АҚШ фермер хўжаликларида ишчи

кучининг ўртача 30 фоизини ёлланма ишчилар ташкил қилади. Кейинги вақтларда буюртма бўйича белгиланган дала ишларини бажарувчи сервис хизмати ишчиларидан фойдаланиш анъанаси кузатилади. Меҳнат харажатларидаги уларга тегишли бўлган улуш бугунги кунда 8 фоизга етди.⁶¹ Аграр соҳада меҳнатга ҳақ тўлаш, унинг миқдорини белгилашда кўп йиллар давомида иш берувчи билан ёлланиб ишловчи келишувига кўра белгиланадиган шарт асосий келишув эмас, балки қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартнома шарти муҳим деб ҳисоблаб келинди. Ҳақиқатан ҳам, давлат мулки якка ҳокимлиги шароитида ходим қаерда ишлашидан қатъий назар унинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги масалани давлат ҳал қилар эди. Бундай тартибдан четга чиқишлар ноқонуний ҳисобланарди.

Жамиятда бозор муносабатларини қарор топиши, тадбиркорликни ривожланиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг марказлаштирилган ҳолда тартибга солинишидан воз кечилди ва уни тартибга солишда шартномавий усуллари кенг қўллашни талаб этди. Шу боисдан 1993 йил 2 сентябрдан эътиборан мамлакатимизда биринчи марта ҳар бир ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш унинг шахсий меҳнат улушига боғлиқлиги ва энг кўп миқдор билан чегараланмаслиги назарда тутилди.

Фермер хўжаликларига тарифларни қўллаш тўғрисида масалани мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи ёхуд меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимидан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш турлари, тариф ставкалари, маошлар, мукофотлар, рағбатлантирувчи тўлов миқдорини, меҳнатнинг нормал шароитларидан аниқ миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилди.⁶²

Ҳозирги кунда мамлакатимиз фермер хўжаликларида меҳнат шартномаси асосида ёлланиб меҳнат қилувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига асосан пул шаклида ҳам, натура тариқасида ҳам амалга оширилмоқда. Меҳнат ҳақи тўлашда томонлар-маълум сифат билан ишлаб чиқарилган маҳсулот асосида

⁶¹ Сулейменов М. Америка қишлоқ хўжалиги. – Т.: 2000. – 78 б.

⁶² Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ҳзбекистонда меҳнат шартномаси. – Т.: 1996. – 33 б.

ишбай шаклида ёки етиштирилган маҳсулот қийматининг 100 сўми асос қилиб олинган шаклда ҳисоблашишлари мумкин. Бироқ, амалиётда фермерлар ёлланма ишчи кучларига, тракторчиларга ҳар ойига оклад шаклида ҳақ бериш амалга оширилмоқда. Кунлик иш нормасига олдиндан иш ҳақи белгиланмоқда. Бизнингча, фермер хўжаликларида бажарилган иш учун ҳақини юқоридан белгиланган меъёр орқали чегаралаб қўймасдан, аксинча фермер томонидан эркин ҳал этилиши керак. Кунлик нормани белгилаш қийин бўлган ишлар учун кунбай тартибида ҳақ тўланади. Кунбай ишлар яхши, сифатли қилиб, белгиланган муддатларда бажарилиши таъминланса, фермер хўжалиги бошлиқлари ишловчиларга 20-50 фоизгача иш ҳақлари билан мукофотлашлари мумкин.

Фермер хўжаликларида берилган ишлаб чиқариш топшириғида ва технологик карталарда экинларнинг ҳосилдорлиги, ялпи ҳосил ва иш ҳақ фонди тўғри тақсимланиши зарур. Ишлаб чиқариш ҳаражатларида иш ҳақини улушини юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ёлланма ишчиларни белгиланган меҳнатни ўз вақтида бажаришига имкон беради ва меҳнатга бўлган муносабатини яхшилайдди. Шу билан бирга, кунлик иш ҳақини олдиндан маълум қилиш меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир этади. Бу масалада АҚШ фермерлари катта тажрибага эгалар. Уларда ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи мавсумий бўлиб, соатига 5,36 долларни ташкил қилади. Ишлаб чиқариш ҳаражатларидаги иш ҳақининг улуши 8,3 фоизни ташкил қилди.⁶³ Фермер хўжаликларида доимий меҳнат қилувчилар фермернинг оила аъзолари бўлсада, бугунги кунда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш-ёлланма, доимий, мавсумий шаклларда олиб борилмоқда.

Меҳнат шартномаси асосида хўжаликда ишлаётган шахслар хўжалик мол-мулкига фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан пул ёки бошқа хил улушни киритиши, ҳамда қўшган ҳиссасидан келиб чиққан ҳолда, хўжаликнинг йиллик фойдаси тақсимоотида иштирок қилиши мумкин. Меҳнатга ёлланувчи шахсларга беш кундан ортиқ иш кунлари учун меҳнат

⁶³ Сулейменов М. Америка қишлоқ хўжалиги. – Т.: 2000. – 78 б.

дафтарчалари юритилиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши керак.

Фермер хўжалигида ишлаган даври давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида меҳнат стажига қўшилади. Хўжалик аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялари тайинлаш ҳамда уни тўлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади. Бироқ, фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари тўла, бозор тизимида мос тарзда йўлга қўйилмаган. Нимагаки, фермернинг бизнес режасида хўжалик аъзоларига иш ҳақи бериш, уларни малакасини ошириш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш аниқ ёритилган эмас. Айрим янги фермерлар ишлаб чиқариш жараёнида ишга ёлланувчилар билан оғзаки келишув асосида меҳнат муносабатларига киришмоқдалар. Натижада, ишловчиларнинг иш ҳақи бўйича пенсия фондига ажратмалар ва даромадлар солиғи бўйича амалдаги қонунчилик талабларидан чекинишлар намоён бўлмоқда.

Фермер хўжаликларида ер давлат томонидан умрбод эмас, балки, 50 йилга ижарага берилади. Бу давр мобайнида фермер ердан қонунчиликка риоя қилган ҳолда даромад олиш мақсадида қишлоқ хўжалик фаолияти учун фойдаланиши, жумладан белгиланган тўлов ва солиқларни тўлаб бориши зарур. Бунинг учун фермер хўжалиги раҳбари ишловчилар билан меҳнат шартномасини тузиши шарт ва бу меҳнат кодексидан келиб чиққан ҳолда иш берувчини яқка ҳокимлигига имкон бермаслиги керак. Хўжаликларда эркин меҳнат муносабатларини амалга оширишда, ички меҳнат шартномаларида қуйидаги бандлар кўрсатилишини тавсия этамиз:

- ишловчининг исми ва фамилияси ҳамда турар жойи. Бунда ишга ёлланувчининг фуқаролигига оид маълумотлар жамланиши керак;
- ишга ёлланувчининг бажариладиган иш тури, иш вақти ва муддати;
- иш ҳақи миқдори, тўлаш муддати ва турли рағбатлантиришлар;

- дам олиш ва байрам кунлари;
- касаллик бўйича бериладиган таътил ва унинг муддати;
- турли суғурта тўловлари ва пенсия фондига ажратмалар;
- меҳнат шароити ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан келишувлар.

Натижада, меҳнат фаолияти юзасидан томонларнинг бурчи, маъсулияти ва мажбуриятлари белгилаб олинади. Бунда нафақат фермер манфаати, шунингдек, хўжаликда ишловчилар манфаатини намоён қилувчи иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлар амал қила бошлайди. Бизнинг фикримизча, фермер ва ёлланма меҳнат ресурслари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун меҳнат шартномасиз ишлашни ман қилувчи аниқ механизм яратиш керак. Бунинг учун «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонунга қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ёлланма меҳнат фаолияти самарадорлиги бевосита ишлаб чиқариш натижаларига таъсир этади ҳамда меҳнатга, мулкка бўлган муносабатни ўзгартиради. Жумладан, Наманган вилояти, Уйчи туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги пахта тайёрлаш режасини барбод қилган бир шароитда унинг таркибидаги «Ҳайитбой ҳожи» фермер хўжалиги 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,4 центнердан хом-ашё йиғиштириб олди. У юқори иш ҳақи ва мукофотлардан ташқари, 19 тонна ёғ, 90 тонна кунжара ва шелухага эга бўлди, ортиб қолган салмоқли даромади банкка қўйилди. Ёлланма меҳнатдан унумли фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлиги ортиб, ишловчиларни моддий манфаатдорлиги ортмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Учқўрғон тумандаги «Жасур» фермер хўжалиги 5 гектар ердан 40 тонна ғалла етиштирди, ҳар гектар ердан 80 центнердан ҳосил олиб, фермер хўжалиги аъзоларига 700-1000 килограмдан дон берилди. Норин туманидаги «Олтин водий» фермер хўжалиги дала шийпони дид билан безатилган бўлиб, 60 дан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Аёллар ва эркеклар учун алоҳида дам олиш хоналари ташкил этилган. Ҳар куни барча ходимларга бепул иссиқ овқат берилади. Фермер

хўжалиги ўз фойдаси ҳисобидан қишлоқ врачлик пунктига зарур тиббий асбоб-ускуналар олиб берди. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.⁶⁴

Хўжалик ички муносабатларида меҳнат муносабатларини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан шаклда амалга ошириш, хўжаликда тартиб интизомни яхшиланишига, агротехника тадбирларини ўз вақтида бажарилишига замин яратади. Шунингдек, эркин меҳнат муносабатларида фермернинг ёши, билим даражаси, меҳнат кўникмаси ва тажрибаси ҳам муҳим ўрин тутди. Жумладан, тадқиқот жараёнида ўтказилган социологик сўровномада қатнашганларнинг 15,5 фоизи тўлиқсиз ўрта маълумотли, 21,5 фоизи ўрта маълумотли, ўрта техник ва тўлиқсиз олий маълумотлилар 35 фоизни, олий маълумотлилар 28 фоизни ташкил этиши маълум бўлди. Бу эса фермер хўжалиги раҳбарларини иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш боришни талаб қилади. Бунинг учун қиш мавсумида турли ўқув машғулотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликларида меҳнат жараёни ёлланма меҳнат ресурслари ва фермер аъзолари томонидан амалга оширилсада, аҳоли зич ҳудудлардаги пахта етиштирувчи хўжаликларда оила пудратини ташкил этиш кузатилмоқда. Масалан, Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Элатан Р.Э.Х» фермер хўжалигидаги 40 гектар пахта майдони пудратчилар ўртасида тақсимлаб берилди Улар билан фермер хўжалик ва меҳнат шартномаси тузилди, бу эса режаларни бажарилишини таъминлади. Пудратчиларнинг моддий манфаатдорлиги ширкат хўжаликларга нисбатан юқори бўлмоқда.

Аграр соҳа ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни тўғри ташкил этган фермер хўжаликлари топган даромадлари эвазига аста-секин олган кредитларини қайтариш ҳамда қўшимча асосий воситалар бўлган трактор ва механизмларни сотиб олиш, маиший бинолар қуриш имкониятлари вужудга келмоқда. Илғор хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжалиги

⁶⁴ «Наманган ҳақиқати» газетаси. Н.: 2003. - 4 январ.

Набиев Ш. Мулкдорлик ва маънавий камолот.-Н.: Наманган, 2006.-35 б.

бошқа иқтисодий субъектлар билан бўладиган иқтисодий муносабатларни хўжалик бошлиғи амалга оширади. Маълумки, фермер хўжалигининг бошлиғи ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли аъзоларидан бири бўлади. Агар хўжалик бошлиғи вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолатларда ёки узок вақт бўлмаганида у ўз вазифаларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига топшириши мумкин.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнидаги ёлланма меҳнатга асосланган эркин меҳнат муносабатлари кооператив ширкат хўжаликлари аъзоларининг меҳнатидан қуйидаги жиҳатлар билан фарқланади:

- ёлланиб меҳнат қилувчи шахс муайян ҳақ эвазига фермер хўжалигида аниқ иш ёки топшириқни бажариш мажбуриятини олади. Унинг фаолияти меҳнат натижаси, ҳосилнинг миқдори, ҳом-ашёни қайта ишлаш, сақлаш жараёнларига боғлиқ бўлмайди;

- меҳнат фаолиятида амалга ошадиган меҳнат муносабатлари ташқи кўриниши бўйича юридик расмийлаштирилган ҳаракатлардан, моддий мазмуни бўйича маълум меҳнат операцияларини амалга ошириш бўйича ҳаракатларда мужассамлашади;

- ёлланиб меҳнат қилувчи шахсларда меҳнат мажбуриятларнинг алоҳида турлари (тупроқ унумдорлигини ошириш, белгиланган экин турларини экиш, ўз вақтида ўғит, агротехника ишлови, йиллик режа) белгиланмай, асосан, «ишни бажариш» бурчидан иборат бўлади;

- ёлланиб меҳнат қилувчи фермер хўжалиги ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунishi зарурлиги, лекин унинг ўзи фермер хўжалигига киритилмаслиги;

- меҳнат шартномаси асосида фермер хўжалигида ишлаётган шахс хўжалик мол-мулкига пул ёки улушни шу фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан киритиши мумкин.

Меҳнат муносабатларини бундай тарзда амалга ошириш ёлланиб ишловчида маълум меҳнатга бўлган муносабатларида маълум чеклашлар

содир бўлишига олиб келиши эҳтимоли ички шартномада бартараф этилиши мумкин. Бунда моддий рағбатлантиришнинг манбалари фермер хўжалигида фақатгина белгиланган ҳосилни етиштириш орқалигина шаклланиши керак. Шунингдек, аҳоли зич ҳудудлардаги фермер хўжаликларида иш ўринлари учун муайян рақобатнинг вужудга келиши ишловчилар меҳнاتини самарадорлигини ошириш ҳам кузатилади. Фермер хўжаликларида моддий рағбатлантиришни пировард натижага боғлаш хўжаликдаги ёлланма меҳнат ресурсларини меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартиришдаги муҳим восита сифатида ҳамда белгиланган меҳнатни сифатли, ўз вақтида бажариш меҳнат муносабатларнинг бозор иқтисодиётига хос кўриниши тарзида гавдаланади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар бир фермер хўжалигида энг ками 3 та, ўртача 7 тадан аъзоси бўлиб, фермер билан ёлланма ишчи ўртасидаги меҳнат муносабатларида меҳнат шартномасининг муддати, фермер мол-мулкига ёлланма меҳнат ресурслари томонидан зарар келтириш ва уларга моддий жавобгарлик, фермер хўжалиги ҳамда касаба уюшмалар ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хўжалик ўз тижорат сирини сақлашга эътиборни оширади. Меҳнат кодексига асосан, фермер хўжаликларида меҳнат шартномасининг муддати: номуайян, беш йилдан ортиқ ва муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилади. Мамлакатимиздаги фермер хўжаликларида айни вақтда беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга меҳнат шартномасини тузиш кузатилмоқда. Унинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- меҳнат шартномасини амал қилиш муддатига аниқлик киритилади, ишни бошланиши ва тугатилиш вақти белгиланади (ойлар, кунлар);
- иш берувчи ва ёлланиб меҳнат қилувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилади;
- меҳнат шартномасини муддати тугаганидан сўнг агар меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, тарафларнинг бирортаси бир ҳафта мобайнида шу меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этмаса, бундай ҳолатларда меҳнат шартномасини муддатсиз тузилган деб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ташкил қилинаётган кўплаб янги фермерлар меҳнат шартномаси ўрнига шу ҳудудда жойлашган кооператив ширкат хўжалигидаги оила (жамоа) пудратчилар билан хўжалик ўртасидаги ички пудрат шартномаларидан фойдаланмоқдалар. Бунинг салбий томони шундаки, унда ижаранинг иккиламчи кўриниши рўй беради ва давлат ижтимоий суғурта тўловлари тўланмаслигига шароит яратади. Шунингдек, фермерларнинг хўжалик фаолиятида ёлланма меҳнат ресурсларидан фойдаланиш асосида меҳнат муносабатларини ташкил қилишда кўп ҳолатларда бир марталик иш билан таъминлаш марказларига эътибор юқорилиги кузатилади. Бироқ, аграр соҳа тараққиёти шуни кўрсатадики, ёлланма меҳнат қишлоқ хўжалигида хусусан деҳқончиликда саноат тармоқларига нисбатан кам самара беради. Аграр ишлаб чиқаришнинг барқарор муҳим хусусияти шундаки, у меҳнат натижасини бегоналашувига принципиал жиҳатдан мос келмайди.

Барча жамиятда ҳар қандай тизимда деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотининг бир қисми натурал пул рентаси шаклида, солиқ тарзида тўланган. Деҳқонда, ҳатто крепостной деҳқонда ҳам хўжалик юритишда мустақиллик сақланган. Деҳқон ўзининг хўжайинлик (ер эгаси бўлмаган тақдирда ҳам) ҳиссини йўқотмагандагина ердан самарали фойдаланиши мумкин.⁶⁵ Бинобарин, ердан фойдаланувчида эгалик ҳиссини шакллантириш меҳнат муносабатларини янада такомиллаштиришдаги муҳим йўналишдир.

Бизнинг фикримизча, фермер хўжаликлари фаолиятида меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш жараёнида узок ва қисқа муддатли меҳнат муносабатларини икки усулда ифодалашни тавсия этамиз:

1. Ёлланма меҳнат ресурсларини мавсумий даврлар (экин экиш, ҳосилни йиғиштириш, ва ҳк) да бир ҳафтадан кам бўлмаган муддатларда жалб қилинади. Бунда ишга ёлланувчининг асосий вазифаси белгиланган ишни бажаришдан иборат бўлади.

⁶⁵ Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: ТМИ, 2003. – 28 б.

2. Танлов асосида ёлланма меҳнат ресурсларидан доимий равишда фойдаланишни назарда тутати. Меҳнатни ташкил этиш пудрат муносабатларига асосланади. Ишга ёлланувчи фермер хўжалигининг розилиги билан ўзининг товар ёки пул маблағларини хўжалик фаолиятига жалб этиши орқали фойдадан ўз улушини олиши мумкин.

Аграр соҳада бозор муносабатларини ривожланиб бориши турли-туман хўжалик юритиш шакллари ўртасида, жумладан, фермерлар ўртасида рақобат, ўз тижорат сирларини яшириш асосида бозорда юқори мавқъега эга бўлишга интилиш ортади. Бундай вақтларда фермер хўжаликлардаги меҳнат муносабатлар рағбатлантириш тизими билан бирга, фермер мол-мулкига, унинг тижорат сирини ошкор этилиши ҳисобига юзага келган зарар учун меҳнатчига моддий жавобгарликни ҳам белгилаб беради.

Моддомики, ёлланиб ишловчи томонидан айбли ҳаракат (минерал ўғит исрофгарчилиги, кимёвий моддалардан ўринсиз фойдаланиш, хўжалик тижорат сирини ошкор қилиш, техникага шикаст етқизиш) лар қасддан амалга оширилганда уни моддий жавобгарликка тортилади. Зеро, хусусий мулкка нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ўз навбатида, маъсулиятни ҳам юзага келтиради. Бунда ҳосил миқдорининг камайганлиги ёки ёмон ҳолатда эканлиги, шунингдек фермернинг ортиқча тўловлар қилганлиги асосий ўрин эгаллайди.

Бизнингча, моддий жавобгарлик ҳолати меҳнат муносабатларда ишловчини иш берувчига яъни фермерга нисбатан ҳам рўй бериши мумкин. Айниқса, фермер томонидан ноқулай иқлим шароитида ёлланма меҳнат қилувчини жалб қилиш, кимёвий моддалардан тартибсиз фойдаланиш оқибатидаги касалликлар, техника билан боғлиқ шикастланишлар рўй берганда кўрилган зарар фермер томонидан қопланиши керак. Маънавий зарар пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда фермер билан ёлланиб меҳнат қилувчи шахслар томонидан ўзаро келишувга мувофиқ қопланади. Фермер хўжаликлари касаба уюшмалар томонидан белгиланган чоратадбирларни ҳам амалга оширади ва ҳеч қандай чекловлар белгиламайди.

Фермер хўжалигидаги меҳнат муносабатлари ходимни ишдан бўшатиш рўй берганда тугатилади. Меҳнат шартномасининг муддати тугатилганда, меҳнатчини қарилик нафақасига чиққанлигида ёки ўз аризаси билан меҳнат шартномаси бекор қилинади. Умуман олганда, фермер хўжаликларидаги меҳнат муносабатлари эркин шаклда, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф мутаносиблиги таъсирида ва амалдаги меҳнат кодесидан келиб чиқиб ташкил қилиниш зарур.

3.2. Меҳнат муносабатларини ривожлантиришда иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш йўллари

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини янада ривожлантириш, мулкдорлар ва тадбиркорлар қатламини яратиш жараёни ўзига хос хусусиятлар билан алоҳида ўрин тутади. Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларини аграр соҳада жорий қилишнинг энг муҳим йўналиши фермерларга қулай иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароит яратиш ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Бу жараён фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини такомиллаштирилиши билан боғлиқ ҳолда, тармоқдаги мулк ижараси ва ижара муносабатларининг мазмуни ва шаклларида келиб чиқади. Ўз навбатида, меҳнат муносабатларини ўзгариши, аҳоли зич бўлган ҳудудларда иш ўринлари учун рақобат муҳити шаклланишига олиб келади.

Иқтисодий ҳаётимизда тобора кенг ёйилиб бораётган ижара муносабатлари шаклан ва мазмунан хилма-хилдир. Одатда тўлақонли ижара, пудрат элементлари ҳамда ижара пудрати бир-биридан фарқланади. Ижара бу шартнома асосида ер, бошқа табиий ресурсларни муайян тўловлар эвазига вақтинча фойдаланиш учун бошқа бировга топширилишидир. Бунда мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкни бировга (ижарачига) ишлатиш ва

фойдаланиш учун беради. Аини вақтда ҳар икки томон фойда олишни кўзда тутади ва бунга интилади.⁶⁶

Бугунги кунда ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатларда йирик ер эгалари томонидан ерни ижарага бериш деҳқонларнинг ердан фойдаланишларидаги асосий йўналиш ҳисобланади. Бунда реал қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар бўлган деҳқонлар, ерга мулкчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, рента тўловларининг каттагина қисми йирик ер эгасида қолади. Натижада, йиллик фойда ерга сарфланмайди ва қишлоқ хўжалигига қайтарилмайди. Ривожланган мамлакатлар аграр секторида тадбиркорлик ижараси кенг тарқалган бўлиб, бунда тадбиркор ўзининг сармоясини ердан фойдаланишга сарфлайди ва хўжаликни ёлланма меҳнатдан фойдаланиш йўли билан бошқаради. Шу асосда тадбиркор рақобатга тортилган иқтисодий субъектлар ўртасида юқори мавқе ва фойда олишга интилади.

Аграр соҳа ишлаб чиқаришида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш асосида меҳнат муносабатларининг шаклланиш механизми тубдан ўзгарди. Бу жараёнда рента муносабатларидаги қуйидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва хўжалик юритиш шакллари қамраб олишида асосий ўрин эгаллайди.

Биринчидан, мамлакатимиз табиий-иқлим шароитларига кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли бўлган ерлар мамлакат бутун ер майдонларининг 10 фоиздан камроғини ташкил этади. Ер ресурсларининг чекланганлиги боис, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ерларга республикадаги потенциал ердан фойдаланувчилар томонидан талаб таклифга нисбатан анча юқоридир. Ернинг реал бозор нархи баланд бўлиб, ердан фойдаланишни хоҳлайдиган ва бу иш қўлидан келадиганларнинг аксарияти бундай нархни тўлашга қодир эмас. Ана шундай шароитда ерни хусусий мулк қилиб бериш, унинг ердан фойдаланувчиларнинг чекланган сони қўлида марказлашувига олиб келади, бу нарсa ривожланган

⁶⁶ Ибратов Б. Ижара ҳақида нималарни биласиз ? Т.: Адолат, 1996. – 7 б.

мамлакатлар учун хос бўлган тенденциядан анча фарқ қилади, ер эгаси ва тадбиркорнинг ягона шахс бўлиб бирлашишига йўл қўймайди. Пировард натижада, мулкчилик муносабатларининг ер эгалари меҳнати самараларидан узилиб қолишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун фойдаланилмаётган ерларнинг 82 фоизи сунъий суғоришни талаб этади. Мелиорация-ирригация тизимлари эса, жуда қиммат туради. Бундай тизимларни барпо қилиш ва сақлаб туриш нафақат майда балки йирик, аммо тарқоқ ҳолда бўлган ердан фойдаланувчиларнинг ҳам қўлидан келмайди. Бундай шароитда мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ва жамоавий ривожланишини ер ресурсларини ўз тасарруфида сақлаб турадиган ва фармойиш берадиган асосий мулкдор-давлат ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ер эгаси сифатида давлат, ердан фойдаланувчи сифатида қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабатлари йўналишлари ва сифати марказлашган тизимдаги шароитлардан тубдан ўзгарди. Тоталитар тузум даврида давлатга тегишли ерларни маъмурий йўл билан қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга (колхозлар, савхозларга) муддатсиз бепул фойдаланиш учун бериш амалда ўзини оқламади, нега деганда, ерлардан самарали фойдаланишнинг бозор механизмларини яратиш мумкин бўлмади. Товар ишлаб чиқарувчи хўжаликни қанчалик ёмон юритмасин, у ердан ҳеч қачон маҳрум бўлмаслигини биларди. Аммо, қанчалик хўжаликни яхши юритса ҳам, давлат ҳеч қандай «ортиқча нарса» қолдирмаслигини ҳам яхши биларди. Шу боисдан ҳам, ер ўзининг ҳақиқий хўжайинларига эга бўлмади, ерда ишлаган одамлар эса ўзларини мулкдор сифатида ҳис этмадилар. Давлат рента тўловларини ундиришга ҳаракат қилган табақалаштирилган харид нархларининг маъмурий йўл билан ўрнатилган тизими ҳам амалиётда ўзини оқламади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотлар натижасида ерга мулкчилик муносабатларининг янги тизими шакллантирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2003 йил 26 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» ги Фармонида биноан, қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида мулкчиликнинг ижара шакли ҳамда шартнома муносабатлари асосида хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш, меҳнат муносабатларини ўзгартириш белгиланди ва бу амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бозор муносабатлари қарор топган кўплаб давлатларда, шунингдек, мамлакатимиз мулкчилик муносабатларида қўлланиладиган «Мулкчиликнинг ижара шакли» тушунчасини ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи-назардан чуқур таҳлил қилинса, ташқи кўриниши бўйича бири иккинчисига қарама-қарши бўлган тушунчалар-ижара ва мулкчилик ўзаро бир-бирини тўлдириб туриши мумкинлиги ва зарурлигини англаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида ўз аксини топган аграр сектордаги ислох қилишга ёндашувнинг ўзига хослиги айнан шунда намоён бўлмоқда.

Мулкчиликнинг ижара шакли ер эгаси ва ердан фойдаланувчи ўртасидаги муносабатларни шундай аниқ бир ифодасидирки, бунда самарали ишлайдиган ердан фойдаланувчи ер эгасининг муайян ҳуқуқларини олади, яъни ижарачи ер эгасининг муайян ҳуқуқларини қўлга киритади. Мамлакатимизда шаклланаётган мулкый ижара ва ижара муносабатлари тизимида қуйидаги тамойиллар устувор аҳамиятга эга ҳисобланади:

1. Ўзбекистонда ер ресурслари жуда чекланган бўлиб, агар уларнинг мулкдори бутун халқ бўлиб, ерга мулкчилик ҳуқуқини давлат амалга оширса, адолатли бўлади.
2. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини давлат танлов асосида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ер технологиясини яхши биладиган ва ундан самарали фойдаланадиган фермерларга ўтказди.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини ижара шартларида оладилар ҳамда ишлаб чиқаришни ўзлари учун қулай бўлган ҳар қандай шаклда, жумладан, хусусий фермер хўжалиги шаклида ҳам ташкил қилишлари мумкин.

4. Ижара шартномаси ердан фойдаланувчи билан узоқ муддатга-50 йилгача ижара муддатини узайтириш ҳуқуқи билан ташкил қилинади. Бундай катта давр ижарачига ернинг ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш учун узоқ муддатли капитал қўйилмалар ажратишга қулай шарт-шароит яратади.

5. Давлат ер ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминламаган ижарачилар билан ижара шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Бу тамойиллар ерга хусусий хусусий мулкчиликни жорий этмаган ҳолда ер эгаси ва ердан фойдаланувчилар ўртасида бозор характерини шакллантиради. Ер ресурсларидан узоқ муддат фойдаланиш ердан фойдаланувчилар (фермерлар) да ижарага берилган ер майдонларига нисбатан мулкчилик туйғусини ҳам вужудга келтиради. Узоқ муддатли ижара, бунинг устига унинг узайтирилиши фақат самарали ишлайдиган ижарачиларга мўлжалланган бўлиб, бозор муносабатларига хос хусусият ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ижарачи-фермерлар қанчалик самарали меҳнат қилса, унда ўзининг меҳнатга лаёқатли бутун ҳаёти мобайнида ердан фойдаланиш имконияти бўладики, бу ижарачида ерга эгалик туйғусини янада ортишига, иш жараёнида у ерга сарфланган қўшимча сармоялар учун боғлиқ ер рентасининг бир қисмини ўз тасарруфига олади.

Ер ва табиий ресурсларнинг ижарага берилиши қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга, меҳнат қилаётган меҳнаткашларни меҳнатга бўлган муносабатини ўзгаришига, мўл ҳосил олишга, ошкор бўлмасдан келаётган тадбиркорликнинг ҳам рўёбга чиқишига олиб келади. Кейинги йилларда қишлоқларда мулкдорлар қатламини ортиши, нодавлат секторини шакллантиришидаги асосий омиллардан бири бўлиб юзага чиқмоқда. Фермер хўжаликлари ижара муносабатларида ерни гаровга

қўйган ҳолда банк кредитларини олиши улар фаолиятини яхшиланишига шароит яратган эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги Қонунида фермер хўжаликлари томонидан ерни ижарага олиш ҳуқуқи фақат ерни ижарага берувчи орган розилиги билан гаровга қўйилиши, фермер хўжалигининг банкдан кредит олиш учун ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш жараёнини мураккаблаштириб юборарди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳририда (2004 йил 24 августда) фермер хўжалиги ўз хоҳишига кўра, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини кредит учун гаровга қўйиш имкониятига эга бўлди. Шулардан келиб чиқиб, Марказий банк «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» ни ишлаб чиқиб, 2004 йил апрель ойидан амалга киритди. Ушбу Низомга асосан, тижорат банклари фермер хўжаликларига уларнинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлар беришни йўлга қўйди. Шунингдек, «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳрири 11- моддасига кўра ер участкасидан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи сифатида ягона ер солиғи ставкаси миқдорида тўланиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтгандан кейин дастлабки икки йил мобайнида солиқ тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиб, банкдан кредит олишнинг муҳим афзаллиги шундан иборатки, бунда фермер хўжалиги нафақат ғалла ва пахта етиштириш харажатларини қоплаш, балки бошқа ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинини парваришлаш, техника сотиб олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини барпо этиш имкониятига эга бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, фермер хўжалиги томонидан ер мақсадга мувофиқ ишлатилмаган ҳолларда, уни ижарага берувчи (туман ҳокимлиги) фермер билан тузилган шартномани қонунда белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиши ва ер участкасини

олиб қўйиши мумкин. Фермер хўжаликлари республикамизнинг барча минтақаларида, жумладан суғориладиган лалми, чўл, ва яйлов ерлари, шунингдек тоғ ва тоғ олди ерларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 61,8 фоизи 10 йилгача, 9,4 фоизи 10-20 йилгача, 7,4 фоизи 20-30 йилгача, 2,4 фоизи 30-40 йилгача, 19,0 фоиз қисми эса 40-50 йилгача муддатга ер майдонларини ижарага олишган.⁶⁷

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, уларга муайян шароитлар ярати берилсада, айрим фермерлар маҳсулот тайёрлаш юзасидан тузилган шартномаларни бажара ололмаптилар. Жумладан, 2004 йил ҳосилидан давлатга дон сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг 9733 таси ёки 14,8 фоизи бажарилмади, яъни 110 минг тонна дон етказиб берилмади. Йил бошида шартнома тузиб, тегишли моддий ресурслар ва маблағларни олган бўлса-да, 1561 та фермер хўжалиги давлатга умуман дон топширмади. Ўз навбатида, сурункасига шартнома мажбуриятларини бузган, ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланган 2879 та фермер хўжалигидан 92693 гектар ер қайтариб олинди. Пахта тайёрлашда 47 туман, 374 та ширкат, 12611 та фермер хўжаликлари белгиланган шартномавий мажбуриятларини бажара олмадилар.⁶⁸

Маълумки, ижара муносабатларида ижарага берувчи ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлиб қолаверади. Ижарачи эса вақтинча, шартномада кўрсатилган муддат давомида мулкдор ҳуқуқини олади ва бунинг учун ижара ҳақи тўлайди. Шунинг билан бирга, ижарачи ўз фаолияти давомида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб олинган маҳсулот ва даромаднинг мустақил эгаси ҳисобланади. Бу масалада, бизнингча ижара тўлови ва ижара шартномасига алоҳида эътибор бериш зарур. Натижада, кооператив (ширкат) хўжалиги, фермер хўжалигидаги меҳнат муносабатларини ривожлантириш имконияти вужудга келади.

⁶⁷ Фарманов Т.Х. Ҳзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати)

⁶⁸ «Халқ сўзи» газетаси. – Т.: 2005. - 15 февраль.

Аграр муносабатларда ижара тўловининг моҳияти ерни ижарага олувчини фойда олишини таъминлашдан, ижара муносабатларини рағбатлантиришдан, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга етарли даромад келтиришдан ва ижара тўловини аниқ белгилашдан иборат бўлади. Чунки ижара тўлови шунга асосланадики, ижарага берувчи ишлаб чиқариш воситаларини ижарага топширганида ҳеч нарса йўқотмаслиги, аксинча даромад олиши керак. Ижарачи ҳам ўз навбатида ижара тўловидан ташқари ўзи учун етарли даромад олишни кўзда тутди. Ижара тўловига бизнингча куйидаги омиллар таъсир этади:

- ҳар гектар ердан, ҳар бош чорва молдан оладиган фойда;
- ижарага бўлган талаб ва таклиф мутаносиблиги;
- ер майдонининг сифати ва қаерда жойлашганлиги;
- чорва молларининг зоти, техника жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси;
- транспорт билан таъминланганлик даражаси.

Ижарачи тўлайдиган тўловлар давлат солиғидан, суғурта бадаллари, ижара тўлови, амортизация ва ер рентасидан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Ер кодекси» ҳам қишлоқ хўжалигидаги ижара муносабатларининг ҳуқуқий механизмининг асосини таъминлаш ва шу орқали турли хўжалик юритиш шаклларидаги ижара муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Қонун ижара муносабатларини субъектларининг иқтисодий ва юридик мустақиллиги кафолатланган, уларнинг эгаллиги, манфаатлари белгиланган. Шунингдек, мулкка эгалик қилишда фермер, оила пудратчи ва деҳқон хўжалиги ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиради ва ҳуқуқий тартибга солиб туради. Ер кодекси қоидалари аграр муносабатларнинг ҳуқуқий асосини таъминлаб берувчи қонунлар билан, кооператив (ширкат), фермер ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар ва бошқа фармонлар узвий боғланган бўлиб, ижара муносабатларини жорий этиш чоғида уларнинг қўлланишига оид ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Ҳар хил миқёсдаги ижара муносабатлари,

ижарага берувчи билан ижарачи ўртасида муносабатларда ҳуқуқий асосда ўз аксини топади. Мазкур шартнома тенг ҳуқуқли ва ихтиёрийлик асосда тузилади⁶⁹. Ижара шартномалари тузилганда қуйидагилар эътиборга олинади:

- ижарага ер, ишлаб чиқариш воситалари маълум вақтга берилади;
- яратилган маҳсулотни сотиш тартиби ва баҳоси, муддати, миқдори келишилади;
- ижара ҳақини ва бошқа тўловларнинг миқдори ва тўлаш муддатлари аниқ белгиланади;
- уруғлик, минерал ўғит, ремонт ва транспорт хизматига ҳақ тўлаш кўрсатилади;
- моддий-техника, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни ташкил қилиш эътиборга олинади, уларнинг янгиланиб туриши ва қиймати белгилаб қўйилади;
- олинган мажбуриятларни бажармаган томонларга кўриладиган чоралар аниқланади.

Юқоридаги қоидалар қатъий белгилангандан сўнг томонлар шартномага имзо қўйишлари билан у юридик жиҳатдан кучга киради. Ижара пудратини бошқа пудрат шаклларида асосий фарқи шундаки, бунда ижарачи ишлаб чиқарган маҳсулотини белгиланган режага мувофиқ шартнома асосида сотгандан сўнг қолган қисмини тўлалигича ўз тасарруфида олиб қолади. Шунингдек, ижарачи бу маҳсулотни хоҳласа давлат нархи билан ёки бозор нархларида сотиши керак. Бинобарин, ижарачи ўз меҳнатидан келган даромадни ўзи тўла хўжайини ҳисобланади. Даромаднинг даражаси эса, самарали ишлаш натижасида келган ҳосил миқдори, унинг юқори сифатлигига боғлиқ бўлади.

Республикамизда ерни деҳқонларга фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериш орқали қишлоқда бозор муносабатларини

⁶⁹ Маҳкамов И., Сирожиддинов И. Ижара ва ижара пудрати - қишлоқда бозор муносабатларини шаклланишининг муҳим йўналиши. – Н.: 1993. – 11 б.

ривожлантириш, соҳада банд бўлганларни моддий манфаатдорлигини ошириш асосида меҳнат муносабатларини ўзгартириш аграр сиёсатнинг бош йўналиши сифатда белгиланган. Чунки, қачонки деҳқон ердан олинган маҳсулот ўз мулки эканини, етиштирган маҳсулотнинг хўжайини эканлигини ҳис этса, меҳнатга муносабат ўзгаради ва деҳқон ўзини ернинг эгаси деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ижара асосида ер участкаларидан фойдаланиш турли хўжалик юритиш шаклларида қуйидагича амалга оширилади:

1. Кооператив (ширкат) хўжалиги оила пудратчиларда қисқа муддатли-уч йилгача ва узоқ муддатли-уч йилдан ўн йилгача бўлади;
2. Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача берилади;
3. Фермер хўжалиги учун ер участкалари ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Узоқ йиллар ширкат ва жамоа хўжаликлари ихтиёрида бўлган боғ ва токзорлардан фойдаланиш самарадорлигининг ўта пастлигини эътиборга олиб, уларни ўрнида фермерлик ташкил қилинмоқда. Боғ ва токзорлар «Ер кодекси» да кўзда тутилганидек, ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. Ўз навбатида, ижарага берилаётган боғ ва токзорлар контури ижара шартномасига илова қилиниши талаб этилади. Ижарага олинган боғ ва токзорлар учун ижара ҳақининг 50 фоизини шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб биринчи йил учун бир ой муддатда, иккинчи йиллар учун йилнинг биринчи ойи мобайнида ва қолган қисми ўзаро келишилган ҳолда йилнинг 31 декабргача тўланиши керак. Йиллик ижара ҳақи боғ ва токзорнинг ёши, ҳосилдорлиги ва турига қараб аниқланади, ҳар йиллик пулни қадрсизланишини ва моддий-техник ресурсларга бўлган нархнинг ўсишини (камайтиши)га қараб қайта ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Боғ ва токзорларга эга, бироқ сурункали зарар билан ишлаётган ширкат, жамоа хўжаликларини

фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида боғ ва токзорлар фермер хўжаликларини ташкил қилиш объекти ҳисоблансада, лекин улар иккиламчи ижарага берилмайди. Балки муайян хўжалик негизида ташкил қилинаётган фермер хўжаликлари боғ ва токзорларни сотиб олиб, улар жойлашган ер участкаларини белгиланган тартибда ижарага оладилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 243-сонли қарорига биноан Хоразм вилоятида, 543-сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси жанубий ҳудудларида фермер хўжаликларига айлантирилган хўжаликларда бу жараён тендер (танлов) асосида амалга оширилди. Хоразм вилоятида янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига боғ ва токзорларнинг 1 гектари 500 минг сўмдан 1 млн. 200 минг сўмгача, кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳар гектари 300-500 минг сўмгача сотилди.

Республикамизда 1998-2003 йиллар мобайнида ижарага берилган боғ ва токзорлар майдони 34393 гектардан 62909 гектарга етди ёки боғлар салмоғи 24,7 фоиздан 74,6 фоизга, токзорлар салмоғи-18,9 фоиздан 64,2 фоизга ортди. Ўтган давр мобайнида нафақат ижарага берилган боғ ва токзорлар салмоғи, балки уларнинг ҳар бир гектари учун ижара ҳақи миқдори ҳам ўсиб борди. Боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларида меҳнат муносабатларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил қилишда кадрлар қўнимсизлиги ва мутахассислар етишмаслиги кузатилади. Оқибатда ҳосилдор боғларни йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда республикамиз бўйича 323 минг гектарга яқин кўп йиллик дарахтзорлар мавжуд бўлиб, шундан 158,8 минг гектари боғ, 96,2 минг гектари токзорларни ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатаётгани, ушбу боғлардан кутилган ҳосил олинмаяпти.

Масалан, Чортоқ туманидаги «Пешкўрғон» хўжалиги боғининг ҳар гектарида 2005 йил 55 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, Пастдарғом туманидаги Козимов номи ширкатнинг оила пудратчиси Қ. Муҳаммадиев ҳар гектарида 246 центнер мева териб олди. Мазкур ширкатнинг оила пудратчиси Гулнора Сайфуллаева токзорининг ҳар гектарида 200 центнерга

яқин узум етиштирган бир пайтда, Китоб туманидаги «Китоб» хўжалигида ҳосилдорлик 64,5 центнердан тўғри келган. Ижарага олинган баъзи боғ ва узумзорлар ўз эгасини топмаган, айримларида ижара шартномалари бажарилмаяпти. Натижада, республикамиз бўйича 2005 йилга келиб боғлар 1864 гектарга камайган, шу билан бирга, мавжуд боғ ва токзорларнинг сийраклашиши даражаси ортиб, бу кўрсаткич боғларда ўртача 15-20 фоизни, токзорларда 18-25 фоизни ташкил этмоқда.⁷⁰ Бу хўжаликларда меҳнат муносабатлари тамомила издан чиққан бўлиб, мулкка нисбатан эгасизлик, ишловчиларда меҳнат натижаларидан бегоналашуви вужудга келиб, бошқарув самарали амалга оширилмаган.

Маълумки, ширкат хўжалиги ерларидаги асосий воситалар ва ерни ижарага бериш учун чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида камида 30 шартли бош чорва моли бўлиши талаб этилади. Уларга ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молдан келиб чиқади ва ҳудудий жиҳатдан фарқланади. Жумладан, суғориладиган ерлар камида 0,3 гектар ер (ҳар бир шартли бош чорва молига), Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда камида 0,45 гектар, лалмикор ерлада 2 гектардан иборат бўлади. Ерларни чорвачилик билан шуғулланувчи фермерларга бундай тартибда амалга оширилиши ер ресурсларини чекланганлиги билан боғлиқ деб ҳисоблансада, бироқ тармоқда ем-ҳашакка бўлган эҳтиёжни тўла қондириш, бозорларни арзон гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга имкон бермайди. Шу боисдан кузги буғдойдан бўшаган майдонларни иккинчи экин учун фермерларга мавсумий ижарага бериш ижобий натижа беради.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги» тўғрисидаги қонунининг 5-моддасига асосан, ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачиликда камида 10 гектар, боғдорчилик,

⁷⁰ «Қишлоқ ҳаёти» газетаси. Т.: 2006.- 13 январ, №7

узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил қилади. Ер ресурслари етарлича бўлган чўл зоналарида фермер хўжаликлари майдони бундан кўпроқ, аксинча, аҳолиси зич бўлган ҳудудларда кам майдонларни ташкил этади.

Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер майдонлари эллик йилгача берилган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ерни узоқ муддатга олган фермер узоқни кўзлаб иш тутади, унга бир йилга эмас, узоқ муддатга берилганлиги натижасига у ўз манфаати ва тақдирини ерга боғлиқлигини ҳис қилади. Бу борадаги муҳим жиҳат, фермернинг ердан ижара мулки сифатида ишлаб чиқаришда фойдаланиш тузилмасини юқори даражада яқинлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун бизнингча, қуйидаги шартлар бажарилганда фермер хўжалигидаги ижара муносабатлари эркинлашади, меҳнат муносабатлари яширин тарзда эмас, аксинча, ошқора тус олади:

- ижара муддати уни узайтириш ва ижара ҳақини тўғри аниқлаш;
- етиштирилган маҳсулотни мустақил тасарруф этиш;
- нархнинг бозор тузилмаси асосида шаклланиши;
- хизмат кўрсатувчи соҳалар билан қишлоқ хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг бозор қонуниятлари асосида қурилиши;
- шартномалар тузишда томонлар тенг ҳуқуқлигини таъминланиши зарур.

Шунингдек, фермерлар ўзига ажратилган ер участкаларида қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиб, уни хусусийлаштириши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас. Ижара муддати давомида фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда ерни ижарага олиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, хўжалик аъзоларининг бирига ўтади. Илғор тажрибага эга, бозор талабларига мос ҳолда, бозор муаммоларини енгиб, эллик йиллик ижара ҳуқуқи жараёнида давлат ва ўз манфаатларини қондиришга эришган фермерлар ижара муддати тугагандан сўнг, яна ижара шартномаси тузиб, ўз фаолиятларини давом қилишилари мақсадга мувофиқдир. Бунда фермерга

қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуна ва пул маблағларига эгалик сақлаб қолинади ва уни давлат томонидан ҳимоя қилиниши керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида биз бир қатор хулоса ва таклифларни ишлаб чиқдик ва бу таклифларимиз мамлакатимиз аграр секторида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади. деб ўйлаймиз. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Меҳнат муносабатлари-бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг барча шаклларида иш берувчи билан ишга ёлланувчилар ўртасида белгиланган қонунчилик доирасида амалга ошадиган, бозор омиллари таъсирида ўзгариб борадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзида мужассам этади.

2. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф мутаносиблиги доирасида меҳнат муносабатлари мувозанати юзага келади. Таҳлилларга кўра, аграр секторда хўжалик юритишнинг хусусий шакллари ривожланиши меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, қишлоқларда муайян социал-иқтисодий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Хусусан, қишлоқларда янги иш жойларини яратиш суръатлари аҳолининг талаб эҳтиёжларидан орқада қолмоқда.

3. Аграр соҳадаги меҳнат муносабатларига меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни рағбатлантириш, меҳнат шароити, аҳоли бандлиги даражаси, касаба уюшмалар фаолияти фаоллиги каби омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар биргаликда амал қилиб, белгиланган қонунчилик доирасида рўй беради. Уларнинг бирортаси сустлашса, тўхтатилса меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этади.

4. Меҳнат муносабатлари тармоқ хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда турли кўринишларда амал қилади. Меҳнат муносабатларини такомиллаштириш жараёни хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик бериш, инсон омили фаоллигини оширишда меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш, мулкдорлар қатлами ривожига янада қулай имкониятлар яратиш, меҳнат муносабатларини қонунчилик базасини узлуксиз такомиллаштириб бориш,

ишловчилар манфаатини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ва янги иш ўринларини яратиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

5. Меҳнат муносабатлари жараёнида иш берувчилар ва ёлланиб ишланувчилари манфаатларини мувофиқлаштириш, меҳнат жараёни иштирокчилари манфаатдорлигини янада ошириш ишлаб чиқариш натижаларига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Ўз навбатида, иқтисодий самарадорлик-мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида маҳсулот таклифини кўпайтиришда субъектларнинг товар айирбошлаш жараёни натижаларидан етарли даражада моддий манфаатдорлигини таъминлашга, хусусий тармоқ ривожланишидаги тўсиқларни бартараф қилишга, фермер хўжаликларига кўпроқ иқтисодий эркинлик беришга, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

6. Социологик тадқиқот натижаларига кўра, кооператив (ширкат) ва фермер хўжалиги аъзоларида меҳнат муносабатлари бир-биридан тамомила фарқ қилиб, ўзгарувчан характерга эга. Бу жиҳат фермер хўжаликларида ёлланиб ишловчилар ўртасида иш ўрни учун рақобат муҳитини шаклланишига олиб келди. Меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда моддий манфаатдорликни ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва ижтимоий ҳимояга янада эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

7. Ширкат хўжаликларини тугатиш ва фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёнида ишдан бўшаётганларни иш билан таъминлаш юзасидан Давлат дастурлари қабул қилинган бўлсада, бироқ қишлоқ жойларида ишсизлик муаммоси жиддийлиги сақланмоқда.

8. Аграр секторда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва истиқболини белгилашда тармоқдаги меҳнат ресурслари бандлигининг қисқариши ҳамда иш ҳақи миқдорини ўсиш суръатларини аниқлаш муҳим ўринга эга. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тармоқда бандлик ва иш ҳақи ўртасида тескари боғланиш мавжуд. Бунда корреляция коэффициенти $r_{xy} = -0,9$ бўлиб, у 0,98 эҳтимоллиги билан моҳиятли ҳисобланади. Бунинг

асосида янги иш ўринларига бўлган эҳтиёж, меҳнат бозоридаги таклифни иш ҳақи ўзгаришига нисбатини ҳисоблаш зарурияти муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат муносабатларининг назарий таҳлили асосида эришилган ҳулосаларга таяниб қуйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

- меҳнат муносабатлари мавқени якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ошириш керак. Меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат рағбатлантиришнинг кучли механизмини жорий этиш лозим;

- қишлоқ жойларида ишчи кучига бўлган талабни шакллантириш ва янги иш ўринларини яратишда якка тартибдаги тадбиркорликка эътиборни янада ошириш лозим, шу жумладан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган олиб деҳқон хўжалиги, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш керак;

- ҳудудларда жойлашган фермер хўжаликлари уюшмалари фаолиятида касаба уюшмаларининг бўлимларини очиш вақти келди. Улар эркин меҳнат муносабатларини ташкил қилиш ва иш берувчи ва ишга ёлланувчи манфаатларини мувофиқлаштиришга учун жуда зарур;

- қишлоқ жойларида аҳолининг меҳнат таклифи ва иш ўринлари ўртасида сифат жиҳатдан мувозанатга эришиш зарур. Бу мақсадга эришишда меҳнат биржалари томонидан Давлат дастурлари асосида аграр сектордан бўшатилаётган меҳнат ресурсларини иқтисодиёт талабларига мувофиқлаштириш ва уларни қайта ўқитилиши мақсадга мувофиқ;

- эркин меҳнат муносабатларини ташкил қилиш, иш берувчи ва ишга ёлланувчи манфаатларини мувофиқлаштиришда касаба уюшмалар фаоллигини ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси» га қишлоқ хўжалигидаги меҳнат муносабатлари категориясининг мазмуни ва амал қилиш механизмини янада аниқроқ таърифлаб берувчи моддаларни киритиш;

- фермер хўжаликлари фаолиятида ёлланма меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг асосида меҳнат муносабатларини ташкил қилишда кўп ҳолатларда бир марталик иш билан таъминлаш марказиларига эътибор юқорилиги кузатилади. Бунинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, фермер хўжаликлари фаолиятида ёлланма меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш жараёнида узоқ муддатли меҳнат муносабатларини ташкил қилишни ички меҳнат шартномаларини икки усулда юритиш орқали ифодалаш мақсадга мувофиқдир:

биринчи усул, ёлланма меҳнат ресурсларини мавсумий даврлар (экин экиш, ҳосилни йиғиштириш, ва ҳк) да бир ҳафтадан кам бўлмаган муддатларда жалб қилинади.

иккинчи усул, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда танлов асосида ёлланма меҳнат ресурсларидан доимий равишда фойдаланишни назарда тутди. Фермер хўжалигида меҳнатни ташкил этиш (пахтачиликда) оила пудратига асосланади. Оила пудрати етакчиси фермер хўжалиги раҳбарининг розилиги билан ўзининг товар ёки пул маблағларини хўжалик фаолиятига жалб этиши орқали фойдадан ўз улушини олиши мумкин бўлади.

Бу билан нафақат фермер манфаатлари, балки қишлоқ жойларида ишсизлик муаммоларини бартараф қилиш, тугатилаётган ширкат хўжалиги аъзоларининг маълум бир қисмини иш билан таъминлаш орқали оилалар манфаати ва истиқболларини белгилаш мумкин бўлади. Илмий тадқиқотимиз якунида хулоса қилиб таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз аграр секторида хўжалик юритишнинг кўпмулкчиликка асосланган янги шакллари самарали фаолият юритишида меҳнат муносабатларининг алоҳида ўрни ва муҳим аҳамияти бор. Шунинг учун ҳам ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларида меҳнат қилаётган ҳар бир инсоннинг қадри, ўрни ва моддий-молиявий манфаатларини ҳалол ва адолатли рўёбга чиқариш йўллари белгилаб бериш ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ этиш воситаларини ишлаб чиқиш иқтисодиёт фани олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

Қонунлар ва фармонлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. || Тошкент, «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. || Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида» ги Қонуни. ||Тошкент, «Ўзбекистон», 1990 йил, (1993 йил 7 май, 1994 йил 24 сентябрда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». || Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуни. || Тошкент, 1998 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» ги Қонуни. || Тошкент, 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги Қонуни. || Тошкент, 1998 йил.
8. «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.|| Тошкент, 2004 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ва кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб - қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. || Тошкент, 2000 йил 4 март.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. ||Тошкент, №5-6, 1998 йил.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил ҳосили пахта хом-ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбир тўғрисида» Қарори. || Тошкент, 2003 йил 28 октябрь
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, || Тошкент, 2004 йил 7 сентябрь.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» ги Қарори, || Тошкент, 2005 йил 17 июнь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини (ширкатларини) фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори, || Тошкент, 2005 йил 5 ноябрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида» ги Қарори, || Тошкент, 2006 йил 15 ноябрь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» Фармони. || Тошкент, 2003 йил 28 октябрь.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида» Фармони. || Тошкент, 2004 йил 5 ноябрь.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбир тўғрисида» Фармони. || Тошкент, 2004 йил 17 март.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони. || Тошкент, 2005 йил 14 июнь.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони || Тошкент, 2005 йил 5 октябрь.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» Фармони || Тошкент, 2006 йил 26 июль.

1. Китоб ва туркум нашрлари

22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.-78 б.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. - 128 б.
24. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 269 б.
25. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. – 1997. – 326 б.
26. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 686 б.
27. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
28. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 48 б.

29. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Халқ сўзи, 2003 йил 18 февраль.
30. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. || Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн биринчи сессиясидаги маъруза. Халқ сўзи, 2003 йил 28 апрель.
31. Каримов И.А. Раҳбар ташаббускор, талабчан ва албатта адолатли бўлмоғи лозим. || Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи баёни. Халқ сўзи, 2004 йил 10 июль.
32. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш-ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. || Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи баёни. Халқ сўзи, 2004 йил 26 май.
33. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 2 февраль.
34. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.
35. Каримов И.А. Тинч-осойишта ҳаётни қадрлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама раванқ топтириш-барчамизнинг асосий вазифамиз. Халқ сўзи, 2006 йил, 14 октябрь.
36. Абулкосимов Х.П. Теоретические аспекты социальной политики в Республике Узбекистан в современнѣх условиях. – Т.: Фан, 1994. – С.26
37. Абулкосимов Х.П. Личнѣй фактор в перестройке экономики. – Т.: Узбекистан, 1990. – С. 110.
38. Абулкосимов Х.П. Личнѣй фактор обѣественного производства в условиях перехода к рѣночной экономике. – Т.: ТГТУ, 1996. – С. 170.
39. Абулкосимов Х.П. Проблемѣ формирования, функционирования и активизация личного фактора обѣественного производства в условиях перехода в экономики. – Т.: Университет, 1999. – С. 154.

40. Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. – Т.: Меҳнат, 1999.–97 б.
41. Абдуғаниев А.А., Худайбердиев З.Р. Қишлоқнинг долзарб социал иқтисодий муаммолари: ишсизлик, тадбиркорлик, ижтимоий муҳофаза. – Н.: Ибрат, 1995. – 124 б.
42. Аҳмедов Д.К., Жўраев А.М., Соатов Х.К. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш. – Т.: Ҳазина, 1995. - 89 б.
43. Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. – Т.: Меҳнат, 2002. – 78-99; 171-184 б.
44. Аграр иқтисодчи олимлар форуми. – Т.: Меҳнат, 2001. –263 б.
45. Абдурахманов Қ. Х., Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди.–Т.: ТДИУ, 1996. –230 б.
46. Абдурахмонов К.Х., Одегов Ю.Т. Управление трудовым потенциалом в условиях регулируемой рыночной экономики.– Т.: Меҳнат, 1991. – С. 64.
47. Абдурахмонов К. Х., Шарифулина Т.А. Экономика и социология труда. Учебное пособие. – М.: изд. РЭА им. Г.В.Плеханова, 2002. – С. 264.
48. Абдурахмонов Қ. Х., Холмўминов М.Р. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. – Т.: ТДИУ, 2004.-208 б.
49. Абдусаломов М., Отаханов Ф. Контракция шартномалари талабнома ва даъво аризалари.-Т.: Адолат. 1998.-225 б.
50. Абдуқаҳҳаров О., Қаюмова Н. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес. - Н.: 1992.-44 б.
51. Бакет М. Фермерское производства: организация, управление, анализ. – М.: ВО. Агропромиздат. 1985. – С. 392.
52. Барько Ю.А. Экономика труда. – М.: 1985. – С. 164
53. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Олий ўқув юртлари магистрантлари учун дарслик.–Т.: Ўқитувчи, 2000.–280 б.
54. Волгин И.А. Японский опѣт решения экономических и социально-трудовых проблем. – М.: Издательство БЕК, 1998. – С. 236.

55. Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимида ижтимоий фондлар. – Т.: Шарқ, 2003. – 319 б.
56. Гусева М.Ю. Кооперация в агросервисе.–М.: ИНФРА-М, 1995- С. 276
57. Гасанов М., Е.Соколов. Трудовое законодательство Узбекистана в вопросах и ответах. - Т.: Ўқитувчи, 2000. – С. 502.
58. Гасанов М.Ю., Соколов А.Е. Трудовой договор (контракт) в республике Узбекистан. – Т.: Мир экономики и право, 1996.- С. 383.
59. Гасанов М.Ю., Соколов А.Е. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: саволлар ва жавоблар. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. – 528 б.
60. Гурьянов С.Х., Поляков И.А., Ремизов К.С. Справочник экономиста по труду. – М.: Экономика,1982. – С. 264.
61. Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика. – М.: изд-во МГУ: ИНФРА-М, 1997. –С. 784.
62. Даянаев К., Лапшин Н. Бригадная форма организации и стимулирования труда. – Т.: Меҳнат, 1988. – С. 168.
63. Дятлов С.А. Рабочая сила в системе рыночных отношений. || СПб, Издательство СПбУЭФ, 1992.
64. Додобоев Ю.Т., Худайбердиев. А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. – Ф.: Фарғона, 2001. – 288 б.
65. Додобоев Ю.Т., Фармонов Т, Худайбердиев А.Х., Гаипова М.А. Организация фермерского хозяйства в республике Узбекистан с учетом опыта США. – Т.: 2003.- С. 431.
66. Замков О.О., Толстопятенко А.В., Черемных Ю.Н. Математические методѳ в экономике. Учебник. 2 е изд.-М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, Издательство «Дело и Сервис» , 1999.- С. 368.
67. Кейнс Дж. М. Обхая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1993. – С. 306.
68. Назаров А. Основѳ агробизнеса. – Х.: Вароруд. 2000.- С. 104
69. Набиев Ҳ. Мулкдорлик ва маънавий камолот. - Н.: Наманган, 2006.- 63 б.

70. Коршунова Т.Ю. Словарь по трудову праву. - Издательства БЕК, М.:1998.
71. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. – М.: 1998.
72. Б. Умурзаков, М. Раҳимов Меҳнат муносабатлари ва менталилет. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
73. Пардаев М. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга оид тушунчалар. – С.: Самарқанд, 1997.
74. Практикум по экономике, организации и нормированию труда. Под. ред. Г.Р.Погосяна и Л.И.Жукова. – М.: Экономика, 1991. –С. 192
75. Пиндайк Р., Д.Рубинфельд. Микроиқтисод. – Т.: Шарқ, 2002. –448 б.
76. Маҳкамов Ш., Сирожиддинов И. Ижара ва ижара пудрати-қишлоқда бозор муносабатларини шаклланишининг муҳим йўналиши. – Н.: Ибрат, 1993.
77. Мулкый пай асосида қишлоқ хўжалиги (ширкат хўжаликларини) тузиш бўйича услубий тавсиялар.–Т.: Ўқитувчи, 1998.
78. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Меҳнат, 1995. – 528 б.
79. Ўлмасов А., А.Вахабов. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: «Шарқ», 2006.-480 б.
80. Қосимбеков.П., ва бошқалар Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларини ташкил этиш. - Т, ТДАУ, 2003 й.
81. Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане. - Т.: Узбекистан, 1970.- С. 25 б.
82. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т.: ТМИ, 2004.-208 б.
83. Йўлдошев Ў., Усмонов У., Қудратов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. – Т.: Меҳнат, 2001. –181 б.
84. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. - Т.: Ижод дунёси, 2004.

85. Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: Теория, практика, проблемў. – Т.: Қатортол, 1994.
86. Хусанов Р.Х. Оила (жамоа) пудрати. – Т.: Қатортол, 1998.
87. Хусанов Р.Х., Комилов М. Деҳқон хўжаликларини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Қатортол, 2000.
88. Хусанов Р.Х., Додобоев Ю.Т., Додобоев Д.Ю. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. (Тўлдирилган иккинчи нашри ўқув қўлланмаси). - Т.: 2003. – 771 б.
89. Ҳасанов Р.Р. Бозор даромадлари: моҳияти, таркибий тузилиши ва табақаланиши. – Т.: ТМИ, 2004. – 192 б.
90. Холмўминов Ш.Р., Ҳакимов Х.М., Боқиева И.А., Аллаева М.А., Маҳкамбаев А.Т. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. – Т.: ТДИУ. 2004. – 112 б.
91. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 2000. – 552 б.
92. Шодмонов. Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Молия, 2002.
93. Ш.Ш.Шодмонов., У.В. Ғофуров Иқтисодиёт назарияси. (дарслик) – Т.: Фан ва технологиялар, 2005. – 784 б.
94. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: 2002 й.
95. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб. Олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма. ҒҒ М.Шарифхўжаев Илмий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2003. – 416 б.
96. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 380 б.
97. Ромашов О.В. Социология труда. – М.: ИНФРА-М, 1999.
98. Раҳимова Х., Аъзамов А., Турсунова Т. Меҳнатни муҳофаза қилиш. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 216 б.
99. Эргашев И. қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. – Т.: Шарқ, 1998. - 160 б.

100. Экономика труда: социально-трудовые отношения - под ред. Н.А.Волгина, Ю.Т. Одегова. М.: Экзамен, 2002.
101. Экономическая теория. (Учебник для вузов). – 2-е изд.: В 2 кн. Кн.1. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1996. – с. 656.
102. Экономическая теория. (Учебник для вузов) Науч. ред. ирук. авт. коллектива В.Д.Камаев. – 4-е изд. перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1999. – с. 640.
103. Экономическая теория. (Учебник для студентов высших учебных заведений) – Колл. авт.: К.Абдурахмонов и др. – Т.: 1999. – С. 640.
104. Ибратов Б. Ижара ҳақида нималарни биласиз? – Т.: Адолат, 1996.
105. Ильин А.И. Личный фактор общественного производства и проблем его активизации. – Л.: изд. Ленинград ун-та, 1991.
106. Икромов И., Саидбоев Ш., Ахмедов Ю. Иқтисодиёт назарияси.-Ф.: Фарғона, 2001.-272 б.
107. Сулейменов М. Америка қишлоқ хўжалиги. – Т.: 2000.
108. Справочник по оплате труда в республике Узбекистан. Отв. ред. Абдукаюмов А.А., Рахимов С. – Т.: Адолат, 1993. – С. 272.
109. Саидов К.С., Сейтмуратов Р.А., Асланова Д.Х. Социал иқтисодиёт. – Т.: Шарқ, 2006. - 365.

Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

110. Абдуғаниев А., Ғаниев М. Аграр ислохотлар ва меҳнат муносабатлари. || Ж. Жамият ва бошқарув.-2003.-№1. 60-63 б.
111. Абулқосимов Х.П. Ижтимоий ҳимоя. || Ж. Жамият ва бошқарув. 2004. й, №3, 26-27 б.
112. Антосенков., Какин Ю. Реформа заработной платы: ожидания и реальность. ||Экономист, №4. 1997.-С.30-36.
113. Акрамов С., Нуркулов А. Шартнома маъсулияти. || Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003 й. №10.

114. Алиев Ғ. Моддий манфаатдорлик - тараққиёт омили. || Ж. Жамият ва бошқарув. 2001. №3.
115. Аллаёров Ш. Ер деҳқонники бўлса. || Ж. Жамият ва бошқарув. 2001. №4.
116. Ахмедов Т., Муродов Ч. Қишлоқ хўжалигида эркинлаштиришнинг асосий тамойилари ва йўналишлари. || Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. №3.
117. Беркинов Б.Б. Қишлоқда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш омиллари || Ж. Аграр иқтисодиёт. Т, ЎБИИТИ, 2004.-№4. 38-41-б.
118. Ваҳобов А. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида аҳоли даромадлари манбаи ва таркибининг ўзгариши. || Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2001.- №12. 16-20 б.
119. Вороновский Ю.В. Социально-экономическая характеристика незанятого населения. || ТошДТУ илмий-амалий анжуманнинг қисқача мазмунлар тўплами. - Тошкент, 1994. 25-26 б.
120. Вороновский Ю.В., Кадўров Б.А. Вопросў трудоустройства молодежи и ее профессиональнўй подготовка. || ТошДТУ мақолалар тўплами.-1996. 4-7 б.
121. Набиев А. Ўзбекистонда меҳнат мотивацияси шаклланиши. || Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2001.-№11-12. 38 б.
122. Тожибоева Д. Аграр сектор хусусиятлари ва муаммолари. || Ж. Бозор пул ва кредит. – 2004. - №4. 49-52 б.
123. Саидова Г. Ерга рента тўловининг табиати ва роли ҳақида. || Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -2003.- №10. 4-7 б.
124. Сафарбоев Ш. Иш ҳақи-меҳнат фаолияти мотивацияси асосий шакли. || Ж. Бозор, пул ва кредит.-2004.-№6. 47-48 б.
125. Хусанов Р. Аграр ислохотларнинг чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларининг ривожлантириш. || Ж. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. -2003. -№6. 3-5 б.
126. Хусанов Р, Жўраев А. Аграр ислохот иқтисодиётни юксалтиришнинг асосий шарти. || Ж. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. -2003. -№4. 4-6 б.

127. Хасанов Р. Даромад турларининг ўзаро алоқаси ва фарқланиши. || Ж. Бозор, пул ва кредит.-2003. №11. 37-38 б.
128. Қосимова Г. Кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари. || Ж. Бозор, пул ва кредит.-2004. №3. 53-55 б.
129. Қўзиева Р. Кичик бизнесни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари. || Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003.-№4. 54-55 б.

2. Диссертация ва диссертация автореферати

130. Аллаёров Ш. А. Аграр соҳани мулкӣ ислоҳ қилиш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг назарий масалалари. Автореф. и.ф.н.- Т.: ЎМУ, 2006.-22 б.
131. Назарқулов. У. Бозорга ўтиш шароитида Ўзбекистон аграр соҳасида хўжалик юритиш шакллари тубдан ўзгартириш: Автореф. и. ф.н.- Т.: ЎБИИТИ, 1997.- 22 б
132. Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори ва унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш: Автореф. и.ф.н.-Т.: ЎМУ, 1998. 22 б.
133. Маматов А.А. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида ялпи ички маҳсулот: (Ўзбекистон Республикаси мисолида) Автореф. и.ф.д.- Т.: ДЖҚА, 2005.
134. Сатторкулов О.Т. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни рағбатлантиришни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш: Автореф. и.ф.н.- Т.: ЎМУ, 1997 й. 22 б.
135. Юлдашев Ш.К. Заработная плата в системе материального стимулирования труда в условиях формирования рыночных отношений. (на примере Республики Узбекистан). Автореферат дисс. на соиск.уч. степени к.э.н. Т.: 2004.- с 24.
136. Ҳасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Автореф. и.ф.д.- Т.: ДЖҚА, 2005.

137. Хуррамов А.Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижара муносабатлари ва уларни такомиллаштириш йўллари: Автореф. и. ф.н.- Т.: ЎБИИТИ, 1993 й. -22 б.
138. Фарманов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Автореф. и.ф.д.- Т.: ЎБИИТИ, 2006 й.

Ҳисоботлар ва статистик тўплamlар

139. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача стат. тўплaml. - Т.: 2003. 5-70 б.
140. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг йиллик ҳисоботлари. – Т.: 2004.-54 б.
141. Ўзбекистон иқтисодиёти. ахборот ва таҳлилий шарҳ 2005 й.– Т.: Ўзбекистон, 2006. 73-79 б.